O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2006 йил, **17** ноябрь, жума № **46** (2173).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **17** ноября, **2006** год, № **46** (2173).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Ватанимизнинг буюк келажагини қуриш, олдимизда турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовор.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 ноябрь куни Оқсаройда Россиянинг Самарали сиёсат жамғармаси президенти Глеб Павловский раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида бундан бир йил олдин имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари, жумладан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари ва уларнинг натижалари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг бевосита алоқалари, шунингдек, сиёсатшунослар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Самарали сиёсат жамғармаси президенти Г.Павловский раҳбарлигидаги делегация аъзолари куни кеча Самарқандда бўлиб ўтган «Демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси» мавзуидаги халқаро давра суҳбатида иштирок этди. Анжуманда икки мамлакатда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларининг бугунги фаолияти ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

– Ўзбекистонда бундай учрашувларга алоҳида эътибор билан қаралади, – деди Ислом Каримов. – Самарқандда ўтган давра суҳбатининг мавзуи долзарб ва аҳамиятлидир. Бу каби мулоқотлар ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш ва зарур хулосалар чиқариш учун яхши имконият яратади.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларининг келажаги, хусусан, демократлаштириш, сиёсий ислоҳотлар жараёни билан шуғулланувчи мутахассислар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Г.Павловский самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА).



Комилдин ГУРАЕВ суратга олган.

Ўз юртимизни ўзимиз қўриқлаймиз!

САЛОМАТЛИК: МИЛЛИЙ МАЪРУЗА ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасида инсон ривожланишига оид «Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсадлари» мавзуидаги миллий маъруза тақдимоти бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мустақил ҳужжат ҳисобланган Инсон ривожланишига оид миллий маъруза Ўзбекистонда 1995 йилдан буён чоп этиб келинмоқда. Ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари ва инсон салоҳиятини юксалтиришнинг долзарб масалаларига бағишланган еттита маъруза тайёрланди.

Тўрт бобдан иборат мазкур маърузада Ўзбекистонда инсон ривожланиши соҳасида эришилаётган муваффақиятлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган самара нуқтаи назаридан атрофлича таҳлил қилинган. Бунда халқ фаровонлигини янада юксалтириш, атроф-муҳит муҳофазаси, бандлик, гендер, инсон ҳуқуқлари, таълим каби соҳаларга алоҳида эътибор қаратилган.

БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда миллий экспертлар гуруҳи – иқтисодиёт, статистика, соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари томонидан тайёрланган маърузанинг алоҳида боби Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасида 2015 йилгача амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳлилига бағишланган.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Демография, аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи З.Насриддинхўжаев, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, молиялаштириш ва бошқариш кафедраси мудири Д.Асадов ва бошқалар юртимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Кўплаб тиббиёт муассасалари тубдан таъмирланиб, янгилари қурилмоқда. Ислоҳотлар жараёнида, айниқса, қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистонда икки минг саккиз юздан зиёд қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий жиҳозлар ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини ошириш доимий эътиборда.

Ижтимоий инфратузилма катта суръат билан ривожланмоқда. Аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятлари муттасил ошиб бораётир. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳадаги харажатлари ҳажми эса 50 фоиздан ортиқ.

Инсон ривожланишининг барқарорлигида ўлимнинг камайишига эришиш муҳим ўрин тутади. Дунё мамлакатлари буни Мингйиллик ривожланиш мақсадларида ҳам ўз зиммасига алоҳида вазифа сифатида олган. Маъруза муаллифларининг таъкидлашича, 2004 йили Ўзбекистонда чақалоқлар ўлими 22 фоиз камайган. 5 ёшгача бўлган болалар орасида ўлим кўрсаткичи 2000 йилдагига нисбатан 25 фоиз қисқарган.

Халқимиз истиқлол йилларида эришган бундай ютуқларнинг аҳамиятини англаш учун ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигига оид кўрсаткичлар собиқ иттифоқ республикалари орасида энг паст даражада бўлганлигини эслаш кифоя. Болалар ва оналар ўлими кўрсаткичлари ҳаддан ортиқ даражада юқори, тиббий хизмат сифати эса, айниқса қишлоқ жойларда жуда паст эди.

Шу боис БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ф.Акчура маросимда таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқлари кишини лол қолдиради. Бунда Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига эришиш ва уларни татбиқ этиш механизмлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани яхши самара бермоқда.

Мазкур муфассал маъруза – Ватанимиз равнақини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самараларнинг сайёрамиздаги энг нуфузли халқаро ташкилот – БМТ томонидан расман қайд этилганининг яна бир эътирофидир.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ЭЛ ҲОМИЙСИ

Буюк бобомиз ҳазрат Алишер Навоий ҳақида гап кетганда беназир адиб ва мумтоз адабиётшунос Мақсуд Шайхзода айтган қуйидаги сўзлар бот-бот ёдимга тушади: «... замонларнинг ўтмиш манзилларида, асрларнинг ўрта йўлида ғарибона турган бир шоирни тасаввур қилингки, кун ва йил сайин у билан бизнинг ўртамиздаги масофа ортса-да, унинг чеҳраси авлодлар кўзида янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Бу зоти шариф шеърият, нафосат, ақлу зарофат ва одампарварликнинг ҳамиша тирик пири, назм аҳлининг устози, эрк ва бахттталаб кишиларнинг ишончли шайхи Алишер Навоийдир».

Чиндан ҳам Алишер Навоий сиймосида биз буюк шоир ва мутафаккирни ва айни чоғда «Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал» деган сўзларни ўзига шиор деб билган ҳолда мамлакатда зулм уруғини йўқотиб, адолатни барқарор этиш йўлида кўп заҳматлар чеккан халқпарвар давлат арбобини кўрамиз. Зотан, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукумат мансабларини таклиф этганда, Навоий фақат дўстининг истаги ва хотири учунгина эмас, балки халқ манфаати ва юрт тақдири, шунингдек, яна қанчадан-қанча хайрли мақсадларни ҳам кўзлаб ўша лавозимларни қабул қилган эди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



МИЛЛАТИМ ИШОНЧИ, ФАХРУ ҒУРУРИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучларини барпо этиш жараёнлари юртимиз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғлиқ. Тарих ўз бағрида жуда кўплаб воқеа-ҳодисаларни пинҳон сақлаб келади. Аммо шундай кунлар, жараёнлар борки, уларни ёддан чиқариш мумкин эмас.

Мустақилликнинг мустаҳкамлиги қудратли армия билан чамбарчас боғлиқ. Ота-боболаримизнинг асрий орзуси бўлган ҳеч кимга қарам, тобе бўлмай яшаш бахтини, яъни мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, четдан бўладиган ҳар қандай хатар ва тажовуздан мардонавор ҳимоя қила оладиган, ғанимларга қарши қақшатқич зарба бера оладиган қудратли Қуролли Кучларга эҳтиёж истиқлолнинг илк кунлариданоқ юзага келди.

Яқин ўтмишнинг дастлабки йиллар қийинчиликлари ҳали кўпчиликнинг ёдида, албатта. Мамлакатимиз армияси олдида турган энг мураккаб муаммо – бу кадрлар масаласи эди. Ўша даврларда офицерлар орасида миллатдошларимизнинг ниҳоятда озчиликни ташкил этганлиги сир эмас. Бу мураккаб муаммо мамлакат раҳбарияти томонидан ғоят оқилона тарзда ҳал қилинди. Бир қатор олий ҳарбий билим юртлари, Қуролли Кучлар академиясининг ташкил этилиши бу йўлдаги дастлабки дадил одимлар эди. Бундан ташқари ўзга давлатларда хизмат қилаётган асли ўзбекистонлик бўлган юзлаб юртдошларимизнинг Ватанга қайтишлари ҳам айни муддао бўлди.

(Давоми 8-бетда).

Муштарийларимизга

ҚАСАМЁД – МАСЪУЛИЯТ, ҚАСАМЁД – МАЖБУРИЯТ

Қаранг, Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йигитнинг кўксини фахр, ғурур тўлдириб турибди. Эр йигит Ватанига, Президентига, халқига тантанали қасамёд қилмоқда. Демак, ана шу кундан эътиборан унга бурч туйғуси куч беради, қувват беради. Қасамёд замиридаги сўзлар уни юрт тинчлиги, равнақи, фаровонлиги йўлида қалб амри билан интилишга ундайди.

Йигит қалбида мисоли бир оташ куч бор. Ватанимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, истиқлол сабаб гуркираб бораётган Ўзбекистонимиздан руҳланиш, ғурурланиш қасамёд қабул қилаётган ўғлондаги ана шу кучни янада алангалатади.

Эр йигит истиқлолни, халқининг тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакати равнақи ва истиқболини асраб-авайлашга онт ичади. Ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йигитнинг юраги депсиб, кўзлари чақнаб туриши ана шундан.

«Сўнгги нафасим қолгунча она Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.

Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан». Матнлардаги бу оташин сўзлар унинг моҳиятини акс эттириб турибди. Қалбдан отилиб чиқади, яна юракка сингади, бу каломлар.

Таъкидлаш лозимки, Ҳарбий қасамёд билан йигитнинг юрагидаги куч уйғонади. Бу кучнинг дамини на бир кескир қилич, на бир пўлат қалқон қайтара олади. Бу кучнинг замирида жасорат, матонат, садоқат деган туйғулар бор. Қудрати ҳам ана шунда-да.

Она юртнинг мард ўғлони! Билгинки, Ҳарбий қасамёд шунчаки бир матн ёки сўзлар шодаси эмас, у – масъулият, у – мажбурият, у – Ватан ҳимояси йўлида зиммага олинган устувор бир вазифалардир. Оналарнинг, оталарнинг «энг аввало қасамёдингга содиқ қол, болам», дея таъкидлаши, панд-насиҳат бериши бежиз эмас. Қасамёдга содиқлик, табиийки, Умумҳарбий низомларга оғишмай бўйсуниш, командир, бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажариш, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилиш, дегани ҳамдир.

Истиқлол сабаб, ислоҳотлар сабаб профессионал асосда шаклланган миллий армиямизнинг посбони бўлишдек бахтга муяссар бўлган аскар! Юракдаги кучинг уйғонаётгани, у садоқатинг, шижоатинг, матонатингга янгича ранг, янгича мазмун бераётгани муборак!

ТАҲРИРИЯТ

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



МАЪРИФАТ ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРАДИ

«Тарбия биз учун ё ҳаёт– ё мамот, ё нажот– ё ҳалокат, ё саодат– ё фалокат масаласидир». Маърифат орқали жамиятни ўзгартиришга жазм қилган буюк жадид бобомизнинг ушбу даъваткор сўзлари бундан юз йил муқаддам айтилган бўлса-да, илм-фан ва янги технологиялар юксак тараққий этган, кишилар дунёқараши, тушунча ва тасаввурлари кенгайган, таълим-тарбия тизими янги босқичга кўтарилган бугунги даврда ҳам заррача қимматини йўқотган эмас. Чунки жамият технологик жиҳатдан қанчалик тараққий этмасин, ҳар бир тарихий даврда инсон маънавий-маърифий камолоти, ёшлар тарбияси борасида янгидан-янги, мураккаб масалаларни кўндаланг қўяверади. Инсоният пайдо бўлибдики, бу муаммо барча даврларда олиму фузало, файласуф ва сиёсатшунос, тарбиячи ва мураббийлар диққат марказида қолиб келмоқда.

Қизиқ, бундан уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бирининг қабртоши устига «Ёшларимиз ўжар ва қайсар, кексаларнинг айтганини назар-писандга олмайди, аждодлар қадриятларини инсон этади» (Таранов П. Энциклопедия высокого ума. М., 1999, 16 бет) деган сўзларнинг битиб қўйилгани ҳам ёшлар тарбияси башарият тараққиётининг барча босқичларида асосий масалалардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди.

(Давоми 8-бетда).



2 СЛУЖБА В КАРАУЛЕ
ПРИОРИТЕТЫ ОХРАНЫ И ОБОРОНЫ



5 2006 ЙИЛ – ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ
ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКА ОШИРИШДИ



10 ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ
ОИЛАПАРВАР МИЛЛАТИМ ФАХРИ УЛАР



11 СИЗНИНГ ТЕНГДОШИНГИЗ
ҲАФТА ГЎЗАЛИ

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАР

Шу йилнинг 10 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида **«Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи!»** шиори остида ўтказилган ўқув йили машғулотлари якунларига бағишланган Ҳарбий кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгаш ишини Мудофаа вазири Р. Мирзаев бошқарди ва нутқ сўзлади.

Кенгашда таъкидланишича, ортда қолган ўқув йилида Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида, ўқув юрти ва муассасаларида шахсий таркибнинг жанговар шайлигини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир ҳарбий жамоа, ҳарбий хизматчининг ҳарб санъатини мукаммал эгаллаши, касбий маҳоратини ошириши, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида ўтказилган ҳар бир машқ, ҳар бир машғулот ўз ижобий натижасини берган. Ҳадемай янги ўқув йили машғулотлари ҳам бошланади. Кенгашда ўқув йилига тайёргарлик кўриш, ўқув йилида амалга ошириш зарур бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Мудофаа вазирининг буйруғига биноан ўқув йилида юқори натижаларни қўлга киритган ҳарбий жамоалар, бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар рағбатлантирилди.

ВОЕННОСЛУЖАЩИЕ ПОДТВЕРЖДАЮТ КЛАСС

В целях совершенствования порядка присвоения классной квалификации (квалификационной категории) военнослужащим по контракту рядового, сержантского и офицерского составов Министерства обороны и их материального стимулирования в зависимости от присвоенной им классной квалификации приказом министра обороны утверждена и введена в действие соответствующая инструкция. В ней регламентирован порядок присвоения классной квалификации военнослужащим органов управления и войск Министерства обороны. В эти дни проводятся испытания на присвоение (подтверждение) классной квалификации.

Испытаниям по огневой, физической подготовке и методом тестирования по специальностям первыми подверглись военнослужащие Центрального аппарата Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил, которые уверенно подтвердили свой высокий уровень профессионализма.

В настоящее время подобные же испытания проводятся в военных округах. Согласно соответствующему приказу начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил в органах управления военных округов, соединениях и частях испытания на присвоение (подтверждение) классной квалификации 1-го и 2-го класса решено провести Комиссией Центрального аппарата Министерства обороны и Объединенного штаба Вооруженных Сил. В примечании к приложению по данному приказу командующим войсками военных округов, командирам соединений и частей, начальникам учреждений поставлена задача: сдачу испытаний планировать погарнизонно с привлечением личного состава соединений и частей центрального подчинения, дислоцированных на территории военного округа.

К испытаниям на присвоение (подтверждение), повышение классной квалификации в конце учебного года допускаются: дисциплинированные военнослужащие, имеющие положительные оценки по основным предметам обучения, при этом учитываются результаты боевой и общественно-политической подготовки, состояние воинской дисциплины, службы войск, вооружения и военной техники подразделения, части (в зависимости от занимаемой должности военнослужащего) по итогам учебного года, знающие и содержащие вооружение и военную технику в технически исправном состоянии, не имеющие аварий и поломок при ее эксплуатации, добросовестно исполняющие свои обязанности.

Право присвоения классной квалификации (квалификационной категории) предоставлено: 3-й класс – командирам соединений и воинских частей, начальникам учреждений, предприятий и организаций Министерства обороны; 3-й и 2-й класс (2-й класс по согласованию с заместителем начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил по боевой подготовке) – заместителям министра обороны и начальнику Объединенного штаба, начальникам Главных управлений, отдельных управлений, отделов и служб Центрального аппарата МО и ОШ ВС, командирам частей и начальникам учреждений центрального подчинения, командующим войсками военных округов, начальнику Академии Вооруженных Сил; 1-й класс и мастер – начальнику Объединенного штаба Вооруженных Сил.

Военнослужащим по контракту рядового, сержантского и офицерского составов финансовой и юридической служб могут быть присвоены третья, вторая, первая и высшая квалификационные категории, приравниваемые к классным квалификациям 3-го, 2-го, 1-го класса и мастера соответственно. Такие же квалификационные категории могут быть присвоены и военнослужащим медицинской службы. Всем военным медикам эти категории присваиваются один раз в пять лет путем проведения аттестации комиссией Медицинского управления Министерства обороны.

Выпускникам, окончившим Академию Вооруженных Сил с отличием, присваивается квалификационная категория – 1-й класс.

Вот такой солидный стимул для дальнейшего роста своего профессионального мастерства получили наши военнослужащие в преддверии 15-летия Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Нет сомнений в том, что это станет серьезным стимулом для всего личного состава еще более напряженно трудиться над собой, добиваться новых успехов в ратном труде во имя укрепления оборонной мощи Родины.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Твои герои, Узбекистан!

ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ ТАНКАМ



В ноябре этого года исполняется двадцать шесть лет пребывания офицера Зокира Хаккулова в рядах Вооруженных Сил. Поскольку основная доля этого времени приходится на службу в танковых подразделениях, то можно с полным основанием утверждать: жизнь этого человека посвящена танкам. За самоотверженное и добросовестное служение Отчизне офицер З.Хаккулов Указом Президента Республики Узбекистан награжден медалью «Шухрат».

Решение стать офицером-танкистом созрело в душе молодого человека еще во время срочной солдатской службы. Поэтому он вместо возвращения к гражданской жизни домой в Пахтачинский район Самаркандской области влился в ряды курсантов тогда еще Ташкентского высшего танкового командного училища (ныне Чирчикское ВТКИУ). За время службы в танковых войсках прошел нелегкий офицерский путь.

Открытие в столице первой в регионе Центральной Азии Академии Вооруженных Сил побудило офицера к повышению уровня образования. Практического опыта ему было не занимать, однако очень хотелось вооружиться новыми знаниями в теории развития военной мысли, расширить свой кругозор. Хотя и нелегко было пройти очень жесткий отбор на право зачисления в первый набор. Напомним, что к «первым ласточкам» Академии Вооруженных Сил Узбекистана, получившим добрые напутствия Президента нашей страны, предъявлялись самые высокие требования.

Впрочем, и в дальнейшем выпускники того самого первого выпуска стремились так достойно служить каждый на своем участке, чтобы делом оправдать высокое доверие Родины. Вот и офицер З.Хаккулов сначала в должности заместителя начальника базы, затем ее начальника, позже заместителя начальника Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища (ЧВТКИУ) по вооружению постарался внести большой вклад в укрепление броневого щита Отчизны.

Развернувшаяся в национальной армии Узбекистана военная реформа потребовала от специалистов всех родов войск огромного напряжения сил, проявления в полной мере высокого уровня компетенции, постоянной работы над собой. Если даже не говорить о других заслугах героя этой публикации, то уж оснащение своего родного училища самыми современными тренажерными комплексами офицер З.Хаккулов считал для себя делом чести. В результате новыми компьютерными тренажерами обзавелись курсанты различных специальностей, многое сделано для усовершенствования учебно-материальной базы подготовки будущих офицеров-десантников.

В начале этой осени сообщалось о проведении успешных ракетных пусков в одном из отдаленных гарнизонов. Так вот, основная доля молодых офицеров, задействованных на этих боевых пусках ракет, проходили подготовку и обучение на панорамном тренажере по имитации стрельбы, изготовленном специалистами из НПО «Академприбор». Можно приводить еще много примеров плодотворного сотрудничества научно-производственного потенциала страны с военными, однако этот, самый последний, наиболее ярко проявил степень эффективности этой многотрудной работы во имя укрепления оборонной мощи нашей Родины.

– Наряду с ворохом забот о вооружении и учебно-материальной базе на плечи полковника Хаккулова ложатся вопросы тылового обеспечения, – говорит о коллеге офицер Шухрат Абдуллаев. – Благодаря высокому уровню его компетенции, организаторским способностям и хозяйской сметливости вся намеченная в учебных планах и программах боевой подготовки курсантов работа выполняется в установленные сроки и качественно.

О том, за счет каких усилий, нервов и душевного напряжения достигается этот результат, говорить не приходится. Главное – конечный результат, как в известной песне: «Броня крепка, и танки наши быстры». Автору этих строк дважды не удалось застать в кабинете офицера З.Хаккулова, настолько он был поглощен служебной деятельностью. Однако сослуживцы с удовольствием рассказали о нем, не жалея добрых слов и эпитетов. А значит – человек стоит этого. Человек на своем месте.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Кайрата АШИРКУЛОВА.**

Я познакомился с этим парнем, уже прощаясь с новобранцами осеннего призыва, проходящими сборы в одной из частей столичного округа. Рядовой Лазиз Акобиров призван в армию из Кашкадарьинской области. Он подчеркнул, что считает срочную солдатскую службу первым этапом на пути к профессии офицера. Ну что ж, время покажет, засверкают ли на его погонах лейтенантские звездочки, хотя само стремление похвально.
А как складывается служба у его сослуживцев? Посмотрим...

В строю – новобранцы

СОЛДАТ МЕЧТАЕТ О ЗВЕЗДАХ

В расположении взвода утром удалось встретить только командира капитана Анзора Юлдашева.

– Личный состав находится на занятии по военно-медицинской подготовке, – доложил офицер.

Фельдшеру взвода младшему сержанту Ойсулув Юлдашевой не составляло большого труда управлять вниманием аудитории. Во-первых, сама тема о личной гигиене привлекала интерес военнослужащих. Во-вторых, чувствовалось, что оратор основательно подготовилась, прочитав немало литературы. Наконец, опытному военному профессионалу, не первый год задействованному на сборах новобранцев, не понаслышке знакомы все проблемы бытового плана, с которыми они сталкиваются в первые дни службы. Поэтому выступление было выслушано очень внимательно, да и вопросов задано немало.

– Фельдшер постоянно контролирует наш режим питания, состояние здоровья, проводит в свободное от занятий время беседы по профилактике простудных заболеваний, – говорит рядовой Улугбек Урманов, призванный в армию из Маргилана. – Я сам увлекаюсь борьбой кураш, закончил факультет физического воспитания Ферганского госуниверситета. Поэтому меня особенно радуют занятия по физической подготовке, которые помогают поддерживать оптимальную спортивную форму. Хотя армейские сборы существенно отличаются от наших спортивных сборов при подготовке к соревнованиям. Во-первых, здесь более жесткий контроль над соблюдением распорядка дня. Во-вторых, немалый объем занятий по чисто воинской подготовке.

Небольшая встреча с новобранцами во время короткого перерыва между занятиями оставила приятные впечатления. Порадовало их искреннее желание извлекать максимум пользы для себя от каждого занятия, от каждого общения с более опытными военнослужащими. Рядовой Ботиржон Саидалиев из Риштанского района Ферганской области поделился сокровенной мечтой: устроиться на работу в местное подразделение службы Интерпола. Выпускник Узбекского государственного университета мировых языков (УзГУМЯ) имеет для этого неплохие шансы. Дипломированный переводчик-филолог, он владеет английским и японским языками. До поступления в университет с отличием закончил академический колледж с языковым уклоном.

– А я хочу остаться в армии на службе по контракту, – говорит рядовой Хуснитдин Тохиров из города Самарканда. – Имею высшее образование, закончил Каршинский институт менеджмента и экономики. Надеюсь, в Вооруженных Силах есть потребность в дипломированных специалистах по финансовой части.


Его земляк рядовой Мирсоди Урунов, сын подполковника милиции в отставке, видит свое будущее в органах МВД. Хотя и является дипломированным архитектором. Как видим, среди гражданских специалистов немало желающих пополнить ряды Вооруженных Сил, а это – свидетельство роста престижа армейской службы, авторитета профессии защитника Родины в среде нашей молодежи.

Сами новобранцы свои первые дни адаптации к армейской среде оценивают положительно. Для них созданы оптимальные бытовые условия, питание, на высоком уровне организован досуг. В частности, нашу газету «Ватанпарвар» ребята прочитывают буквально «от корки до корки». И еще их радует неподдельный интерес командиров, проявляемый к личности каждого нового члена воинского коллектива. Например, совсем недавно командир секции младший сержант Санжарбек Давлатов как раз проводил такую беседу с личным составом.

У помощника командира взвода по материальному обеспечению младшего сержанта Гафура Кунишева свой круг забот. Как бывалый солдатский старшина, он подробно инструктирует новобранцев, как правильно и быстро заправлять кровати, как подшивать подворотнички, как гладить обмундирование. Ведь ни в одном вузе не учат воина иметь молодцеватый, подтянутый внешний вид. Потому, наверное, армейская мудрость: «Красив в строю – силен в бою!» никогда не утратит своей актуальности.

...После очередного занятия взвод строится, чтобы убыть на плац. Близится день принятия Военной присяги, а ведь каждому из этих парней очень хочется выглядеть молодцом перед родными и близкими. Четко печатая шаг, колонны идут по аллее. Эхо солдатских шагов, раздаваясь по окрестностям, словно заявляет: эстафета по защите мирного труда в суверенном Узбекистане передана надежным преемникам.

Майор Рустам КУАТОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**



В данном воинском коллективе эти приоритеты расставлены четко, ведь личный состав, помимо обеспечения процесса боевой учебы, несет ответственность и за сохранность важных военных объектов и войскового имущества. Трехэтапная схема подготовки караульных нарядов здесь выдерживается очень строго, обеспечивая надежность.



Несение караульной службы – есть выполнение боевой задачи

ПРИОРИТЕТЫ ОХРАНЫ И ОБОРОНЫ

ПОДБОРУ – ПЕРВОСТЕПЕННОЕ ВНИМАНИЕ

Командир взвода охраны старший лейтенант Шерзод Сафаров собирает в комнате общественно-политической информации всех, кто имеет отношение к формированию мнений о заступающих в караул воинах. Это командиры групп, секций, актив взвода. Естественно, присутствует и помощник командира взвода по материально-техническому обеспечению младший сержант Шухрат Тешаев. И вовсе не потому, что будут решаться какие-то хозяйственные вопросы. Просто этому военнослужащему, отвечающему за обмундирование, питание, размещение личного состава, по долгу службы приходится больше всех общаться с солдатами, что дает возможность более детально изучить личностные характеристики каждого из них. Заботливое, как бы отеческое отношение этого опытного военного профессионала располагает к нему воинов.

– Если у человека, как говорится, душа не на месте, ему ни в коем случае нельзя доверять в руки оружие. В этом твердо убежден каждый в нашем подразделении, – говорит младший сержант Ш.Тешаев. – Отвлекаясь на мысли о своих проблемах, он не сможет бдительно нести службу. Подвергнет опасности себя и сослуживцев. А вот когда все благополучно разрешится, то тогда можно и в наряд заступить.

Этот принцип серьезного, вдумчивого отношения к морально-психологическому состоянию воинов, заступающих в караул, является надежной основой для выполнения боевой задачи во время несения службы.

ПРЕДУПРЕЖДЕН – ЗНАЧИТ СПАСЕН!

На втором этапе подготовки личный состав отобранных для заступления в наряд воинов занимается теоретической подготовкой. Помимо обязательного изучения обязанностей каждым лицом караульного наряда, сдачи зачетов по знанию соответствующих положений Устава гарнизонной и караульной служб, с ними занимается начальник штаба части или его заместитель.

– На макете охраняемой местности показываются границы постов, доводятся сигналы оповещения и взаимодействия, – рассказывает командир группы старший лейтенант Азиз Базаров. – То есть, в случае нападения на пост воин уже знает о том, как надо ему действовать в такой нештатной ситуации.

И действительно, прочная база теоретической подготовленности дает возможность при любой опасности действовать спокойно и хладнокровно, ведь сознание того, что товарищи по первому зову придут на помощь, вселяет дополнительные силы и уверенность. Умение часовых и караульных согласованно взаимодействовать только укрепляет качество охраны и обороны военных объектов. Однако одной теорией, конечно же, не обойтись. Ее обязательно надо закреплять на практике.

ОНИ ВООРУЖЕНЫ НЕ ТОЛЬКО ОРУЖИЕМ

На третьем этапе подготовки, уже непосредственно перед заступлением в караул, проводятся практические занятия. Ведь часового надо не только вооружить штатным оружием и экипировать бронежилетом с каской, но и проверить, насколько прочны практические навыки применения оружия, приемов рукопашного боя, умение строго в соответствии с мерами необходимой безопасности в установленных местах производить заряжание и разряжание оружия.

Вот и порядок смены часовых подолгу и тщательно отрабатывается разводящим и караульными именно из тех же соображений.

Рядовому Бекзоду Валиеву, призванному в ряды Вооруженных Сил из Сурхандарьинской области, за время службы не раз приходилось удостаиваться благодарностей командования именно за бдительность при несении службы часовым, разводящим. Опытный воин подтвердил, что вот такие практические занятия помогают образцово нести службу в карауле. У его сослуживца, рядового Нормурада Базарова, также имеются поощрения от командиров за проявленную настороженность и готовность уверенно отразить любую попытку несанкционированного проникновения на охраняемый объект.

ЧАСОВОЙ ПО КЛИЧКЕ «ГРАФ»

Еще одним немаловажным слагаемым успешного несения здесь караульной службы является помощь четвероногих друзей. Под началом командира секции вожатых караульных собак «служат» в питомнике части такие «часовые», как Граф, Миша, которые задолго до приближения к постам чуют незваных гостей. Характер у них своенравный. В отдельные вольеры никто, кроме вожатого, и войти не осмелится. Граф горд и неприступен. Зато у Миши характер более мягкий. Впрочем, эта доброта обманчива: стоит только к охраняемому объекту подойти незнакомцу, как этот приветливый великан встретит его злобным рычанием.

С такими партнерами, вооруженными природным чутьем, натренированными на задержание нарушителей границ поста, часовые чувствуют себя гораздо спокойнее.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.
Фото **Тимура КАРИМОВА.**

18 ноябрь – давлатимиз байроғи қабул қилинган кун

ЮРАК ТЎЛҚИНЛАНАР ҲИЛПИРАГАНДА

Бундан 15 йил муқаддам, яъни 1991 йилнинг 18 ноябрида Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари ўтказилган еттинчи сессиясида миллий рамзларимиздан бири бўлган давлатимиз байроғи тасдиқланди.

Давлат байроғи, Ватан байроғи… Яхши биламиз, бу рамз қадим-қадим давлатчилигимиз билан тарихан боғлиқлигимизни англатади. Бу рамз ўзида миллатимизнинг, халқимизнинг орзу-умидлари, қадриятлари, шонли анъаналарини жамлаган. Бу рамз истиқлолимизнинг, озод ва ҳурлигимизнинг, куч-қудратимизнинг тимсолидир. Шунинг учун ҳам у ҳилпираганда юраклар тўлқинланади, қалблар чексиз фахру ифтихорга, ғурурга тўлади.

Байроғимиз ҳам миллий давлатчилигимиз каби узоқ-узоқ тарихларга бориб туташади, дедик. Бу бежиз эмас. Масалан, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи устувор аҳамият касб этган. Ҳарбий юришларда, жангу жадалларда байроқ қўшинни олға бошлаган. Лашкарнинг маънавий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлаган. Шайх Нажмиддин Кубро давлат байроғини баланд кўтариб, мўғул босқинчиларига қарши жангга киради. Ҳатто у шаҳид кетганида ҳам панжалари орасидан байроқни олишолмаган, демакки Ватанга бўлган садоқатини енга олишмаган. Ҳа, байроқда миллат, халқнинг ўзи, ўзлиги бор. Ор-номуси, фахр-ифтихори, ғурури бор.

Нуфузли халқаро ташкилотлар биноси олдида тенглар ичра тенглигимизни англатиб, ҳилпираб тургани чексиз фахр эмасми?! Турли спорт мусобақаларида ғолиб ҳамюртларимиз шарафига баланд кўтарилганда қалбларимиз ҳаяжонга тўлиши ғуруримиз эмасми?! Бугун шуни баралла айта оламизки, давлатимиз байроғи халқимизнинг чексиз ифтихори, фахру ғурурига айланди. Байроғимизнинг ҳар бир ранги, рамзида миллатимизнинг қалби акс этади, гўё. Масалан, оқ рангда поклик, халқимизнинг орзу ва умидларидаги, буюк келажакка интилишидаги беғуборлик акс этган.

Дарҳақиқат, давлат рамзлари биз фуқароларнинг ғуруримизни тарбиялайди. Президентимиз Ислом Каримов бу хусусда шундай деган: **«Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир».**

Байроқ ҳақида тўхталганда, шоирнинг «Элнинг эрку ғурурин рамзи, бахт чироғи бу, озод юрт байроғи бу, обод юрт байроғи бу», деган гўзал мисралари хаёлга келиб, юрак тўлқинланади.

Ватанимиз байроғини баланд-баланд кўтарайлик, юртдошим! Токи дунёга айтар сўзимиз борлигини, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, кам бўлмаслигимизни, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизни билишсин. Ватанимиз байроғини юракларимизга қадайлик, юртдошим! Токи у эзгу орзу-ниятларимиздан, танлаган ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиздаги устувор мақсадларимиздан куч олиб, мағрур ҳилпирайверсин!

Сафар АЛИ.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ 15 ЙИЛЛИГИГА

ТОБЛАЙДИ ЎҒЛОННИ ҲАЁТ МАКТАБИ

Ҳаётнинг ўзи олдимизга чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўташнинг янги концепциясини ишлаб чиқишдек заруратни қўйди. Профессионал асосдаги миллий армияни шакллантиришимиз учун тизимда ислоҳотларни амалга ошириш зарур эди. Юртбошимиз мазкур долзарб масалани ўртага ташлагач, бу борада малакали экспертлардан иборат комиссия тузилди. Ўша тарихий сессияда – иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов тузилажак комиссиянинг вазифалари хусусида тўхталар экан, «…Шу билан бирга мазкур комиссияга мамлакатимизда Қуролли Кучлар захираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини топшириш керак. Ушбу концепцияда резерв хизмати самарали фаолият кўрсатаётган тараққий топган мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш асосида резервчилар тузилмасини шакллантириш принциплари, уларнинг мақоми, вазифалари, тинчлик даврида ҳам, уруш шароитида ҳам мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда улардан самарали фойдаланиш, усул-услублар белгилаб берилиши даркор», деди. Хуллас, мазкур сессия чақирув ва муддатли ҳарбий хизмат тизимини ўзгартириш борасида тамал тошини қўйди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлис ўнинчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» янги қонун қабул қилинди. Унга кўра, бир янгилик – сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳам жорий этилди.

Бу хизмат турини жорий этишдан мақсад нима, унинг ижтимоий аҳамияти борми, деган саволга шу ўринда жавоб бериб ўтайлик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур хизмат муддатли ҳарбий хизматга бормаган йигитларга ҳам тенг имкониятлар яратмоқда. Улар ҳам ўз конституциявий бурчларини адо этишмоқда. Бу нима дегани? Ахир, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда «Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли» деган жумлалар борлигини унутманг. Аниқроғи «Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар», дея қонунда ёзиб қўйилган. Яхши биламиз, тилга олинаётган янги қонун, ислоҳотлар сабаб муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб бораяпти. «Аскар бўламан», дея бир ўринга 4-5 йигит талабгор бўлмоқда. Сараларнинг сараси адолат мезонига асосланган кўрик-танловдан ўтиб, аскар бўлади. Қолганларчи? Улар ҳам соғлом, баркамол, Ватан ҳимоячиси бўлиш учун шижоат билан ёниб турибди-ку, ахир. Қайсидир маънода уларнинг ҳуқуқлари чекланадими? Таъбир жоиз бўлса, сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат бу саволга адолатли жавоб бўлди. Мазкур хизмат турига олинган йигит ҳам ўзини бемалол юрт ҳимоячиси санаши мумкин. Ахир у 27 ёшга тўлгунча ушбу хизмат сафида бўлиб, ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилиб, фавқулодда вазиятлар ёки мамлакатимизга ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин. Фақатгина 27 ёшга тўлганидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказилади. Ҳа, ҳа у ҳам тўлақонли посбон.

Энди масаланинг иккинчи томонига қарайлик. Одатда ҳуқуқ-тартибот органларига муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ўғлонлар олинади. Хўш, жорий этилган янги хизмат сафидагилар-чи? Айтиш лозимки, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаганлар ҳам олий ҳарбий билим юртларига, сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга киришга, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаши мумкин.

Санаб ўтилган бундайин имконият ва афзалликларни бугун кўпгина фуқароларимиз яхши билишади. Шу ўринда мазкур хизмат турига олинганларнинг ойлик йиғинлардан нима олишаётгани борасида фикр юритсак. Яқинда хизмат сафари билан офицер Алишер Бойшуаков хизмат қилаётган батальонда бўлганимизда йиғин иштирокчиларининг жисмоний машғулотларини кузатиш имкони бўлди. Самбо бўйича разрядга эга капитан Умид Исломов уларга машқ ўтаётган экан. Замонавий спорт тренажёрида шуғулланаётган ўғлонни суҳбатга тортаман. «Армияда спортга бўлган эътибордан жуда қувондим. Бу ердаги офицер, сержантларнинг бари спортнинг қайсидир тури билан шуғулланаркан. Бизга жисмоний машғулотлар ўтаётган офицер Исломов ҳеч бир спорт мураббийсидан қолишмайди. 2004 йилда Осиё чемпионатида эркин кураш бўйича кумуш медалга сазовор бўлдим. Доимо спорт билан шуғулланаман. Йиғинда бироз танаффус бўлса керак, дея ўйлагандим. Адашибман. Ҳатто баъзи нарсаларни армиячи спортчилардан ўрганяпман», – дейди спорт усталигига номзод Илья Мухамедшин.

Мушаклари тобланган, оғир атлетикага мосланган тренажёрда эркин ҳаракат қилаётган ўғлон Бадриддин Мусақулов пауэрлифтинг (оғир атлетика учкураши) бўйича спорт усталигига номзод экан. «Биз ёшларга миллий армиямиз сафларида ҳам улкан имкониятлар яратиб қўйилгани кўриб, кўнглим кўтарилди. Спортда бўладими, Ватан равнақи йўлидаги фидокорона хизматда бўладими, ўзлигимизни намоён этиб, Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтармоғимиз лозим», – дейди у.

– Навоий машинасозлик заводида муҳандис-конструкторман. Тошкент давлат техника университетини тугаллаганман. Бокс бўйича шаҳар биринчиликларида қатнашиб, ютуқларга эришганман. Мана, йиғинга келиб, деярли ҳар куни йўриқчилар етакчилигида спорт шаҳарчасида тренажёрда шуғулланяпмиз. Шаҳарда пулини тўлаб, бундайин замонавий спорт тренажёрида шуғулланишимиз мумкин. Бу биз, ёшларнинг соғлом, баркамол бўлишимизга қаратилаётган улкан эътибордир. Умуман олганда, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида армиядаги ишлар мени қувонтирмоқда, – суҳбатга қўшилади Акмал Жуманазаров.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, ойлик йиғин иштирокчиси машғулотлар давомида маънан шаклланиши, дунёқараши кенгайиши, ҳарбий соҳанинг илк билимларини эгаллаши билан бирга жисмонан шаклланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Ҳа, буни армия мактаби деб қўйишган. Уни бир йил бўладими, бир ой бўладими, ўтаган ўғлонларга таянишимиз, суянишимиз мумкин. Ислоҳотларимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шунда.

Майор Алижон САФАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.



Огоҳлик бизнинг қуролимиздир

САДОҚАТНИНГ СОҲИР ТИМСОЛИ

Истиқлол байроғи мағрур ҳилпираётган жаннатмакон она диёримизда осойишталик ва барқарорлик ҳукмрон. Диллари яратиш-яшнатиш, бунёдкорлик ҳислари билан тўлиб тошган меҳнаткаш халқимиз чўлларда баҳор, даштларда бўстон барпо этмоқда. Катталар ҳурматда, кичиклар иззатда. Кимдир фан билан машғул, бошқа биров ишлаб чиқаришда жавлон уради. Зиммаларида ана шу хотиржамликни асрашдек улкан ва шарафли масъулият ҳисси мужассам бўлган мардларимиз эса жанговар постларда туну кун бедор.

Гарчи жаҳон тинчликсевар халқлари мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, ҳар томонлама ривожу равнақ топишига хайрихоҳ эрса-да, аммо гуруч орасида курмак ҳам бўлгани каби айрим нопок, дили зулматдек қоп-қоронғу кимсалар тинчлигимизга ҳасад кўзи билан боқишдан ўзларини тия олишмаяпти. Ундайларнинг мақсади қабоҳат, кўзлагани ёвузликдир. Аммо бизга ёт нигоҳ билан боқувчи ҳар қандай ташқи кучларга қарши тура оладиган азамат ўғлонларимиз бор экан, ундайлар чучварани хом санаб қолаверади.

…Шу йилнинг 6 ноябрида тунги соат 2:45 лар чамаси ҳарбий қисм ёқилғи сақлаш омборида тунги навбатчиликда турган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Элёр Хидировнинг эътиборини кутилмаган шарпанинг ғалати хатти-ҳаракатлари тортди. Қоидабузар ёқилғи сақлаш омборига кириб боришга ҳаракат қиларди. Кўнглида қўрқув туйғусидан асар ҳам бўлмаган довюрак ўғлон дарров жанговар шайлиги-ю, ҳушёрлигини оширди. Номаълум шахснинг кимлиги, мақсади нималиги, ёнида қандай қурол-яроғи бор ёки ортида кимлар тургани бутқул қоронғу. Ҳар ҳолда тоза қалбли инсон эмаслиги кундай аён, акс ҳолда ўғри мушукка ўхшаб биқиниб омбор теварагида нега ўралашади?

Кўнглидан шундай ўйлар ўтди посбоннинг. Кейин тезда Низом қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда қоровуллик хизмати шартларига мувофиқ иш тутди. Қисқа фурсатлардан сўнг қоидабузар моҳир посбоннинг қатъий ва ўта тезкор ҳаракатлари туфайли қимир этолмай ётар, уни постда ҳушёр турган забардаст ўғлон «оҳ» дейишига ҳам улгурмасидан саранжом қилганди.

Тунги «меҳмон» қўлга олинди ва тегишли муассасага топширилди. Энди у қилмишига яраша жазосини олиши аниқ. Юз бериш эҳтимоли муқаррар турган жиддий хавфнинг олди олинди.

Довюрак посбонни сафдош дўстлари муваффақияти, мардлиги ва ғайратшижоати билан қутлашар экан, унга бўлган ҳавасларини эътироф этдилар. Командирлар Элёрни шахсий таркибга ўрнак қилиб кўрсатиб, барчани ундан ибрат олишга, ҳар доим ана шундай ишончли ва пухта ҳаракат қилишга чақирди. Гарчи муҳим вазифани садоқат билан кўнгилдагидек адо этган бўлса-да, кичик сержант Элёр Хидиров асло ортиқча ҳавойиликка берилгани йўқ. «Мен ўз бурчимни адо этдим, холос. Мендан бошқа посбон бўлганда ҳам ўша вазиятда ана шундай иш тутарди», деди у сиполик билан.

Кичик сержант Элёр Хидировнинг ибратли фазилатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. У машғулотларда фаол, дўстларга меҳрибон, билими, интеллектуал салоҳияти ва жанговар тайёргарлиги ҳамиша юксак кўрсаттичда бўлиб, бу каби жиҳатлари билан сафдошлари орасида алоҳида ҳурмат қозонган. Муҳими, у кимга ва нима учун хизмат қилаётганини, ўзига умид билан тикилиб турган яқинлари нигоҳида қандай ўй-фикрлар жо эканини жуда яхши билади. У бу соҳага катта иштиёқ билан кириб келган ўтюрак шунқорлардан. Ахир машаққатли ва масъулиятли, шу билан биргаликда шарафли ҳисобланган ҳарбийлик касбининг этагини тутаркан, посбон дилидан кўп нарсани ўтказганди-да! Муқаддас она тупроқ дахлсизлиги, пиру бадавлат отахонлару мунис ва мўътабар онахонлар, келажак ворисларимиз бўлган беғубор болажонлар, гўзаллик тимсоллари бўлган опа-сингиллар ороми, осойишталиги ҳамда ҳадиксиз турмуш кечиришларини таъминлаш, аждодлар анъанасини муносиб давом эттириш истаги уни айнан мардлар касби – ҳарбийликка даъват этганди. Посбонликка муносиб топилиб эгнига жанговар либосни илганида эса мақсад йўлидаги илк довонни муваффақиятли ошганидан ғоят шодланди. Бундан буён ҳар доим мардлик ва жасорат сари қадам ташлашга аҳд қилди. Мана, у мақсад йўлида собит қадам ташлаб, оғишмай олға бормоқда. Навбатчилик пайтида кўрсатган жасурлиги таҳсинга сазовор топилди. Бу эса унга янада ғайрат ва шижоат, дадиллик сари ундовчи илҳом бўлишига шубҳа йўқ.

Доимо жанговар шай, бурчига содиқ, муҳим ҳарбий объектни қўриқлашда кўрсатган матонати учун кичик сержант Элёр Хидиров Мудофаа вазирининг буйруғига биноан муносиб тақдирланди. Бундай мардлари бор юртга эса ҳеч ким дахл қилолмайди.

Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ.

Ҳизмат жойим – сафарбарлик чақируви резерви

БИЛИМЛАРИ ОРТМОҚДА

Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар хусусида гап кетганда, сафарбарлик чақируви резервидаги (СЧР) хизмат ҳам алоҳида тилга олинади. Бугун шуни таъкидлаб айтиш мумкинки, сафларига кўплаб йигитларни жалб қилган бу хизмат тури қисқа ва қулай эканлиги билан кўпчилик юртдошларимизга маъқул келмоқда. Ушбу хизмат тури, унинг имкониятлари, афзалликлари ҳақида фуқароларимизда етарлича тасаввур бор. Уни ортиқча таърифлашга ҳожат ҳам йўқ.



Офицер Баҳодир Жўраев хизмат қилаётган СЧР батальонида бўлиб, ойлик йиғинини ўтаётган фуқароларнинг хизмат фаолиятлари билан яқиндан танишдик. Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Муҳиддин Муҳаммадиев даставвал бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Ойлик йиғини давомида иштирокчиларга нафақат жанговар тайёргарликлардан сабоқ берамиз, балки уларнинг ақлий салоҳиятларининг янада ўсишига катта эътибор қаратамиз. Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан «Заковат», «Балли йигитлар» каби танловлар ўғлонларда улкан қизиқиш уйғотмоқда.

Ўғлонларга яратиб берилган шарт-шароитлар бизни қувонтирди. Кенг ва ёруғ ётоқхона, замон талабларига жавоб берадиган ўқув хоналари, дам олиш ва маиший хизмат кўрсатиш хоналари, тиббиёт пункти, кутубхона, спорт шаҳарчаси ҳамда спорт зали йиғин иштирокчилари ихтиёрида.

Жисмоний тайёргарлик машғулотлари ўтказилаётган спорт залида бўлганимизда офицер Алишер Ражабов ўз гуруҳидаги йигитлар билан миллий кураш машқларини олиб бораётган экан. Унга йиғин иштирокчиси Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидан хизматга чақирилган Жамшид Исаев яқиндан ёрдам бериб, юнон-рим кураши бўйича олган сабоқларини сафдошларига ўргатмоқда эди. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини аъло баҳоларга тамомлаган Жамшид спортнинг кураш, футбол каби турлари билан ёшлигидан шуғулланиб келар экан. У ҳозирги ўтаётган хизмати тўғрисида гапириб, келажакдаги ютуқларига замин тайёрлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик хонасига кирганимизда, взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Аҳмадали Артиқов гуруҳ посбонларига «Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат», «Ўзбекистон ва жаҳон» мавзуларида маъруза қилаётган экан. Ўқув хонаси барча зарур кўргазмали қуроллар, плакатлар ва техник жиҳозлар билан таъминланган.

– Йигитлар ҳар бир машғулотга диққат ва қизиқиш билан қарайдилар, – дейди офицер Даврон Жўрабоев. – Шунинг учун ҳам биз йиғинга юқори малакали офицер ва сержантларни жалб этганмиз. Улар йигитлар билан тактик, ижтимоий-сиёсий, саф, алоқа, муҳандислик, отиш, жисмоний тайёргарликлар каби машғулотларни юқори савияда олиб боришмоқда. Шунингдек, батальонимизда бир қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Ўғлонларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини янада шакллантириб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта урғу берилаяпти.

Биз ўқ отиш хонасида ўтказилаётган машғулотни кузатиб, ўғлонларнинг қисқа вақт ичида жанговар қуроллардан фойдаланиш сир-асрорларини пухта эгаллаб, компьютер тренажёрида нишонга бехато ўқ узаётганларининг гувоҳи бўлдик. Бунда уларга офицер Ойбек Каримов, ўқ отиш бўйича йўриқчи сержант Дилшод Сиддиқовлар яқиндан ёрдам бериб, ўз тажриба ва билимларини йигитларга сидқидилдан ўргатиб келишмоқда.

Батальон фельдшери шартнома асосидаги хизмат оддий аскари Жўрақул Турсунов йиғин иштирокчилари билан олиб бораётган машғулотлари ҳақида гапириб, ўзининг кундалик фаолиятига ҳам тўхталиб ўтди.

– Хизмат жойимга етиб келишим билан аввало, ўзимга бириктирилган гуруҳ посбонларини эрталабки кўрикдан ўтказаман, уларга керакли маслаҳатлар бериб, тозалик ва шахсий гигиенага эътибор қаратишларини қатъиян таъкидлайман. Шундан сўнг, уларнинг овқатланиш жараёнларини назорат қиламан.

Машғулотларнинг боришидан кўнглимиз тўлгач, йиғин иштирокчилари билан суҳбатлашишга ҳаракат қилдик.

Музаффар Файзиев, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидан, Тошкент Давлат Фармацевтика институтини тамомлаган:

– СЧРни ўтаганлар ҳам шартнома асосидаги ҳарбий хизматга олиниши менга жуда маъқул бўлди. Келажакда ҳарбий либос кийиб, шарафли касб эгаси бўлишни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Хайрулло Собиров, Юнусобод туманидан чақирилган, Тошкент Давлат юридик институтини тугатган:

– Хизматнинг бу тури жуда қулай экан, қисқа муддат ичида керакли ҳарбий билимларни эгалладик. Яратиб берилган шароитлар мени ва сафдошларимга ўта маъқул бўлди. Бу ерда олган билимларимни олий ўқув юртидаги сабоқларим билан умумлаштириб, келгусида Ватанимни ҳимоя қилиш, унинг гуллаб-яшнашига, ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

Рустам Бозоров, Чилонзор туманидан, Тошкент Давлат консерваториясини тугатган:

– Мазкур хизмат турига олинганимдан жуда хурсандман. Бу ерда жанговар қурол-яроғ, ҳарбий техникалар тўғрисида етарли тушунчага эга бўлдим. Ўзим эса, вақтдан анча ютдим. Ҳам конституциявий бурчимни ўтайман, ҳам соҳам бўйича изланишимни давом эттираман.

Ҳа, профессионал асосда шаклланаётган мустақил армиямиз узоқни кўзлаб ўз олдига қўйган мақсадларига эришмоқда. Биргина сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!



РЕСПУБЛИКАМИЗДА «ВАТАНПАРВАР» ГАЗЕТАСИГА 2007 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Газетанинг асосий мақсади мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар шайлиги ва қудратини мустаҳкамлаш, унинг нуфузини янада оширишга ҳар томонлама ёрдам бериш борасидаги чора-тадбирлар билан бир қаторда, юртимиз аҳолисининг барча қатламлари, айниқса ёшларни ватанпарварлик, Ватанга ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2006 ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгиланган устувор йўналишларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим мақсадли дастурларининг амалга оширилиши тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатди, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва 2006 йилнинг 9 ойи мобайнида белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш имконини берди.

I. Макроиқтисодий йўналишлар

2006 йилнинг учинчи чорагида **макроиқтисодий параметрларнинг** жадал ривожланиши ва реал тармоқнинг барча соҳаларида ижобий ўсиш суръатлари давом эттирилди. Бу жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоизга ошишини таъминлади (биринчи ярим йилликда бу кўрсаткич 6,6 фоизни ташкил этган). Иқтисодий ривожланиш инвестициялар ҳажмининг 10, пудрат асосидаги қурилиш ишларининг 10,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,2, қишлоқ хўжалиги 7,1, савдо 12,2, хизматлар 16,4 фоиз ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг ўсиши ҳисобидан таъминланди.

Пул-кредит сиёсати жорий йил учун белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ пул миқдорининг прогноз кўрсаткичларига қатъий риоя қилиш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш, миллий валюта барқарорлигини ошириш билан бир қаторда иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлади.

Натижада инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади ва 3,7 фоизни ташкил этди. Реал секторга кредит қўйилмалар қолдиқларининг умумий ҳажми жорий йил бошига нисбатан 15, банкларнинг умумий капитали йил бошидан буён 10,4 ва аҳолининг банклардаги депозитлари 42,4 фоизга кўпайди.

Бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтирган ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мутаносиблигини таъминлашга йўналтирилди. Иқтисодий ўсиш ва бизнесни легаллаштириш солиқ солиш базасини кенгайтирди ҳамда солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш чоралари билан бир қаторда Давлат бюджети даромадларининг (мақсадли фондлардан ташқари) прогноз кўрсаткичларга нисбатан 3,1 фоизга ошишини таъминлади. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,9 фоиз профицит билан бажарилди.

2006 йилнинг тўққиз ойида **ташқи савдо айланмаси** 7557,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 10,5 фоизга ошди. Экспортнинг умумий ҳажми 13 фоизга ўсди ва 4371,7 миллион долларни ташкил қилди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоиздан ортди, нохомашё экспорти 36 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг 1186,3 миллион доллар миқдоридаги ижобий сальдосига эришилди.

II. Таркибий инвестиция сиёсати ва реал сектор тармоқларини ривожлантириш

Инвестициялар. Инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2006 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида республика бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдори 2606,1 миллиард сўмни ёки йил прогнозига нисбатан 73,1 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш соҳасига барча капитал қўйилмаларнинг 64,1 фоизи йўналтирилди.

Капитал қўйилмаларни молиялаш манбалари таркибида марказлаштирилмаган инвестицияларнинг солиштирма салмоғи 73,8 фоизни ташкил этди. 2005 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 72,6 фоиз эди. Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий ўсиши корхоналар маблағлари (121,2%) ва тижорат банклари кредитлари (175,2%) ҳисобидан молиялаш орқали таъминланди.

Ҳисобот даврида Навоий кон-металлургия комбинатида гравитация технологиясига эга «Тигр» олтин ажратиб олувчи комплекс қурилиши якунланди. «Ўзметкомбинат» акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида мис ва унинг қотишмаларидан ўрама тасмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, Арис-Ўзбекистон темир йўл участкаси электрлаштирилди; тўқимачилик саноатида 11 та лойиҳа ниҳоясига етказилди (жумладан, Тошкент шаҳрида «Рамэл текстиль» корхонаси, «Марғилонтекс» қўшма корхонаси, Бухоро вилоятида «Асртекс» масъулияти чекланган жамияти ва бошқалар).

Ижтимоий тармоқда 50 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, 364 та мактабда капитал реконструкция ва 527 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Тошкентда 525 ўринга мўлжалланган Москва Давлат университети филиали биносининг қурилиши якунланди. 155 та болалар спорти объекти ишга туширилди.

Автомобиль йўлларини қуриш дастурини амалга ошириш давомида январь-сентябрь ойларида 656,2 километр автойўл фойдаланишга топширилди, 676 погон метр кўприк ва йўл ўтказгич таъмирланди.

Саноат. Саноатнинг юқори ўсиш суръати сезиларли даражада қайта ишловчи ва маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш, аҳолининг қўшимча даромад олиши учун қулайлик яратиш, қишлоқда ўзаро ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ва корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлашга доир қабул қилинган чоралар орқали қўллаб-қувватланди.

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё, нефть-кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат, ўнёрма, шиша, чинни, тиббий, матбаа ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал ривожланди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш ҳисобидан суюлтирилган газ (107,5), электр энергияси (103,9), кўмир (105,7), пўлат (102,1), цемент (107,6), автомобиль (132,7 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чоралар 2006 йилнинг январь-сентябрь ойларида истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,9 фоизга ошириш имконини берди. Музлатгич ва совутгичлар (7,1), телевизорлар (2), спиртсиз ичимликлар (2,1 баробар), мева шарбатлари (114,3), шакар (123,2), макарон маҳсулотлари (122,1), ўсимлик ёғи (112,8), гилам ва гилам буюмлари (122,4), чинни-фаянс идишлар (136,2 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортди.

2006 йилнинг январь-сентябрида **Маҳаллийлаштириш дастури доирасида** 1.135,8 миллиард сўмлик ёки прогнозга нисбатан 111,3 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2005 йилнинг шу даврига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш 1,6 марта кўпайди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб самарадорлиги 912 миллион долларни ташкил этди.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболи йўқларини тугатиш бўйича чоралар. Қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари билан қамраб олинган 632 та корхона мониторинги давомида уларнинг 247 тасига нисбатан қайта ташкил этиш ҳамда молиявий соғломлаштириш режалари ишлаб чиқилди, тўқимачилик саноатига қарашли истиқболи йўқ 217 та корхона бўйича банкротлик жараёни ўтказилди.

Кўрилган чоралар натижасида 486 та корхонада (умумий корхоналар сонининг 76,9 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичлари яхшиланди, 345 та корхона (ёки уларнинг умумий сонининг 54,6 фоизи) бир ойда ўртача ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирди ва маҳсулот сотиш миқдорини 20 фоиздан оширди, 110 та корхона (188 тадан) иқтисодий ночор аҳволдан чиқди, 62 та (92 тадан) корхона зарар кўриб ишлашга чек қўйди, қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг банд бўлмаган қувватлари асосида 97 та янги корхона ташкил этилди, 7274 та иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

Савдо ва хизматлар. Саноат ишлаб чиқаришининг юқори ўсиш суръати, биринчи навбатда, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш **чакана савдони** 12,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар тармоғи кенгайтирилди. «Ўзулгуржисавдоинвест» улгуржи савдо корхоналари уюшмаси томонидан республика ихтисослашган улгуржи савдо базалари ташкил этилди. Ҳудудларда товарларни сотиш бўйича 29 та вилоят туман ва туманлараро улгуржи базалари очилди.

Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2006 йилнинг 9 ойида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,4 фоиз ошди ва 1455,8 миллиард сўмни ташкил этди. Транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, коммунал-маиший хўжалик соҳасида хизматлар кўрсатиш даражаси ўсишининг юқори суръати кузатилди.

III. Хусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, иқтисодиёт хусусий секторининг ривожланиши

Ўтган даврда **давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига** мувофиқ 281 та объект хусусий мулк сифатида сотилди. Биржа, кимошди ва танлов савдоларида 239 та объект сотилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобидан тушган умумий маблағ 45,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг умумий айланмаси 2006 йилнинг 9 ойи якунларига кўра 277,2 миллиард сўмни ташкил этди ва 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 марта ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сони ҳисобот даврида йил бошидагига нисбатан 22,7 фоизга кўпайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 384,2 миллиард сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51,1 фоизга ошди.

Кичик бизнес соҳасида, жумладан, микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорлик ва фермер хўжаликларида 264 мингта янги иш ўрни яратилди.

Натижада кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз пунктига ўсди ва 39 фоизни ташкил этди.

IV. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг қўллаб-қувватланиши ва ривожланиши

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 107,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йилга қараганда пахта (101,8), ғалла (100,5), картошка(109,4), сабзавот (114,7), мева (123,1), полиз маҳсулотлари (119,8), узум (130), сут (106,9), гўшт (107,2), тухум (116 фоиз) кўп етиштирилди.

Тугатилган 666 та ширкат хўжалиги негизида 74 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари умумий сони 185,5 мингни ташкил этди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ҳукумат қарорига биноан 219 та ихтисослашган мева-сабзавотчилик ҳамда узумчилик қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) негизида 39 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларга 319,2 минг гектар ер ажратилди. Мева-сабзавот ва узум етиштириш ҳамда уларни тўлиқ қайта ишлаш, транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда маҳсулотларни қадоқлашга ихтисослашган 199 та агрофирма ташкил қилинди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантириш натижасида уларда қорамоллар сони 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 5 фоиз ўсди ва 6824,2 минг бошни ташкил этди.

166 та кимошди савдо пунктини ташкил этиш орқали аҳолининг қорамол сотиб олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Ушбу пунктларда 15388 бош наслдор мол сотилди. 362 та зооветеринария пункти, 122 та сунъий қочириш пункти ташкил этилди. Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини омухта ем билан таъминлаш учун 72,9 минг тонна ем сотилди.

2006 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун умумий қиймати 27,6 миллиард сўмга тенг (йиллик режага нисбатан 112,2 фоиз) микрокредитлар ажратилди. Ҳисобот даврида 38,2 минг оилага қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратилди. Шу йилнинг биринчи ярим йилида бундай оилалар сони 16 мингтани ташкил этган эди.

V. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши.

Аҳоли бандлиги. Ҳисобот даврида ҳудудий бандлик дастурларига мувофиқ 437,7 минг иш ўрни ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,4 фоизга кўпдир. Касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 114,6 минг иш ўрни ташкил этилди. Шунинг 40,6 мингтаси йирик корхоналар билан меҳнат шартномалари асосида яратилди. Ҳисобот даврида Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 10 мингта кам таъминланган оилага 6,2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу 21 минг нафар меҳнатга лаёқатли шахсга ўз даромадини кўпайтириш ва иш билан таъминланиш имконини берди.

Аҳоли даромадлари. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойида аҳоли жон бошига ихтиёрдаги реал пул даромадлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 20,1 фоизга ошди.

Педагогика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш натижасида 21 минг нафар бошланғич синф ўқитувчисининг тариф ставкаси 1,3 баробар, 435 минг нафар юқори синф ўқитувчисининг тариф ставкаси эса 1,2 баробар кўпайди.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир ишлар давом эттирилди. 2 ёшгача фарзандини парвариш қилаётган ва ҳеч қаерда ишламайдиган 292,2 минг нафар аёл, 18 ёшгача фарзанди бўлган 1123,5 мингта оила нафақа олмоқда, 179,4 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам берилмоқда. Эҳтиёжманд оилаларга бериладиган нафақалар ва моддий ёрдам миқдори ўртача 15 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг 1 июлидан 1 ноябригача бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи 1,44 мартага оширилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида 28,9 минг кам таъминланган оилага қорамол бепул берилди, кекса ёшдаги ҳеч кими йўқ 1,4 минг нафар кишининг уйи ҳомийлик ёрдами ҳисобидан таъмирланди (127,3 миллион сўм), 23 минг нафар ёлғиз кишига уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда, кам таъминланган ва ёлғиз кексаларга қарийб 3,4 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида дастурларни амалга ошириш давомида 176 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди, ночор ва самарасиз ишлаётган шаҳар ҳамда қишлоқ участка шифохоналарини қисқартириш ҳисобидан даволаш-профилактика муассасалари тармоғини қайта тузиш амалга оширилмоқда, амбулатория-поликлиника муассасалари сони 107 тага кўпайди, қишлоқ врачлик амбулаториялари сони деярли 2 бараварга камайди.

Ўтган даврда эришилган ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан пухта ишлаб чиқарилган бозор ислоҳотлари моделининг самараси ҳисобланади ва бу 2006 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини янада ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари
(ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги	2006 йилнинг 9 ойи
Ялпи ички маҳсулот	103,6	106,6	107,3
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,8	109,7	110,2
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	114,2	120,6	120,9
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,5	107,2	107,1
Қурилиш ишлари	103,6	106,1	110,7
Чакана савдо айланмаси	107,5	111,6	112,2
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	111,8	113,3	116,4

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг соҳалар бўйича ўсиш динамикаси
(Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-ярим йили	2006 йилнинг 9 ойи
Саноат маҳсулоти, жами шу жумладан	109,7	110,2
электр энергетика	107,6	106,3
ёқилғи	100,1	102,8
қора металлургия	106,8	107,4
рангли металлургия	100,8	98,4
кимё ва нефть-кимё	116,9	119,8
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	119,8	124,6
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз	118,0	121,7
қурилиш материаллари саноати	111,8	111,8
енгил	111,4	109,6
озиқ-овқат	129,2	129,8
бошқа соҳалар	121,3	121,7

ПУХТА ТАРАДДУД – ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ОМИЛИ

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

– Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик, унинг қандай ўтиши коммунал соҳадаги ислоҳотларнинг индикатори десак, асло янглишмаймиз, – дейди Мудофаа вазирлиги Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси бўлим бошлиғи офицер Шуҳрат Ашрапов. – Тизимимиздаги мавжуд объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари, лойиҳа-сметалаш ҳужжатлари тузилиши ва ҳоказоларга сарфланган маблағлар ўзини оқлади, дейишимиз мумкин. Қозонхоналар, иситиш, газ, сув, электр тармоқлари, ётоқхоналар, ошхоналар, тиббий муассасалар, ҳаммом ва кир ювиш хоналари, клублар, тура-жой биноларининг мавсумга тайёрлиги ҳақида доимий мониторинг олиб борилмоқда. Кўзланган мақсадга фақат Мудофаа вазирлиги тегишли буйруғида белгиланган чораларни амалга ошириш ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ишини яхшилаш билангина эришиб бўлмайди. Бу ишда бевосита ҳарбий жамоаларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишлари керак. Биргина мисол: Каттақўрғон гарнизонида қишки мавсумга тайёргарлик бўйича йиллик режа жорий йилнинг 1 сентябрига қадар тўлақонли бажарилди. Мавжуд 108 объектдан 52 таси капитал таъмирлашга, қолган 40 та объект эса йилнинг охиригача тугатилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Жиззах, Термиз гарнизонларида ҳам қишки тайёргарлик ишлари барвақт уддаланди.

Барча ҳарбий қисмларда мунтазам равишда ёнғинга қарши профилактика ва тушунтириш ишлари олиб борилиб, зарур чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси томонидан давлат техника назорати ва техник хавфсизлик идоралари, шунингдек, ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда ҳарбий жамоаларнинг уй-жойдан фойдаланиш хизмати ходимлари ўртасида ўқув-тайёргарлик ишлари ташкил этилди. Соҳага доир синовлар ўтказилиб, тегишли ҳужжатлар тарқатилди. Моддий-техник таъминот бўйича ётоқхона, турар-жойлар фонди ва коммунал хиҳозлашга сарфланган қурилиш анжомлари миқдори 451 040 412 сўмни ташкил этади.

Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра Уй-жойдан фойдаланиш бошқармасига қарашли ҳарбий жамоалари қозонхоналари 2760 тонна кўмир билан таъминланди ва қишки мавсумга шай қилиб қўйилди. Бу эса умумий эҳтиёжнинг 63 фоизини ташкил этади. Йил охиригача қозонхоналарни иситиш учун жорий йилда «Ўзбеккўмир» ва «Шарғунқўмир» ОАЖлари билан 4347 тонна кўмир етказиб бериш учун шартномалар тузилган.

Бир сўз билан айтганда, қишки мавсумга тайёргарлик якунига етганича йўқ. Уни муваффақиятли ниҳоясига етказиш ва муаммоларнинг олдини олиш йўлида тинмай изланаётган мутасаддилар масъулият ва назоратни оширишга обдон бел боғлашган. Ўйлаймизки, бу хайрли ишлар ижобий якун топади.

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

ВНИКАЯ ВО ВСЕ МЕЛОЧИ

Во всех частях и подразделениях идет деятельная подготовка к зиме. Не стоит в стороне от этого большого и важного дела и личный состав подразделения, где служит офицер М.Курбанов. Еще летом на офицерском совещании был разработан и составлен план работ, назначены ответственные, указаны сроки выполнения. А общее руководство было возложено на старшего лейтенанта Р.Кулдашева.

– У нас стало доброй традицией, – говорит старший лейтенант Р.Кулдашев, – заранее готовиться к зиме. Народная молва не зря гласит: «Готовь сани летом, а телегу зимой». Не стал исключением и этот год. С первых дней осени мы активно включились в работу и многое уже сделали.

Начали с наведения порядка на территории военного городка. Отремонтировали подъездные пути, заасфальтировали плац и пешеходные дорожки, обновили наглядную информацию. На этих участках плодотворно потрудились лейтенант А.Одилжонов, младший сержант К.Бекниязов, рядовые Д.Махкамов, Д.Шарафутдинов и другие.

Не забыты были солдатский клуб, библиотека. Ведь сюда с большим желанием идут воины. Поэтому ремонту этих очагов культуры было уделено особое внимание.

Стало уютнее в солдатских общежитиях. Преобразились спальные помещения, комнаты общественно-политической информации и бытового обслуживания.

Обращает на себя внимание внешняя и внутренняя отделка солдатской столовой. Оформление обеденного зала поднимает настроение и аппетит, оставляет у воинов хорошее впечатление. На кухне тоже устранены все недостатки. Так что повара рядовые А.Юльчиев и Б.Низомов могут спокойно проявлять свои кулинарные способности, радуя сослуживцев вкусными завтраками, обедами и ужинами.

Старший лейтенант Р.Кулдашев зарекомендовал себя настоящим хозяйственником. Любит, чтобы у него во всех делах был полный порядок. Службу начинал помощником командира взвода по материальному обеспечению. Здесь и приобрел опыт специалиста тыла. Затем учился на курсах младших офицеров. После их окончания его назначили в одну из частей начальником вещевой и продовольственной службы. А сейчас Рустам Ахматович уже несколько лет служит в этом подразделении заместителем командира по тылу.

Свои обязанности офицер хорошо знает и выполняет их добросовестно. А их у него немало. Это и забота о продовольственном снабжении, и о вещевом имуществе, и о доставке горючесмазочных материалов, и, конечно же, о создании нормальных бытовых условий для личного состава. И всюду надо успеть, за всем проследить. А если потребуется, то не только напомнить, но и строго спросить. Благо, что на всех участках его обширного хозяйства трудятся люди надежные, душой болеющие за свое дело, на которых можно положиться.

Сейчас здесь полным ходом идет заготовка овощей на зиму. Заключаются договора с военным хозяйством. Овощехранилище после проведенного ремонта заполняется картофелем, капустой, свеклой, морковью...

Зима не застанет врасплох этот воинский коллектив. Здесь делается все возможное для того, чтобы военнослужащие ни в чем не нуждались и успешно выполняли поставленные перед ними задачи, повышая боеготовность родного подразделения.

Сергей АЛЕКСАНДРОВ.

К КАЖДОМУ – ПОДХОД ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ

Опыт работы передовых офицеров показывает, что успех в обучении и воспитании воинов во многом определяется их умением выбрать соответствующие формы, методы и приемы воздействия на них. Сущность индивидуального подхода как педагогического принципа и состоит в необходимом выборе средств воспитания и обучения в соответствии с присущими тому или иному солдату чертами характера.

Определенный опыт приобрел за время службы в этом направлении заместитель командира взвода по воспитательной работе старший лейтенант Ш.Раззаков. Он добросовестно выполняет возложенные на него обязанности, постоянно пополняет свои знания, занимаясь в свободное от службы время самообразованием. Является активным читателем библиотеки.

Индивидуальная работа, считает офицер, – наиболее сложный вид воздействия на личный состав. Ее трудно спланировать и учесть. На практике он применяет различные проверенные жизнью формы и методы: убеждение, поощрение, личный пример, персональные поручения и задания, гласность в оценке результатов, создание общественного мнения, индивидуальные и коллективные беседы и т.д.

Умело организовал старший лейтенант Ш. Раззаков воспитательную работу в коллективе. Вместе со своими помощниками – командирами групп и секций лейтенантами А. Атамурадовым, М. Ашировым, младшими сержантами И. Усмоналиевым, Д. Шодиевым он проводит психолого-педагогические наблюдения, организует индивидуальную помощь воинам, привлекает их к участию в общественной жизни. Особое внимание уделяется тем солдатам, за которыми наблюдались случаи недисциплинированности, нерадивого отношения к выполнению служебных обязанностей. Совместными усилиями намечаются пути воздействия на таких военнослужащих. И воспитатели добиваются от них образцовой службы, неуклонного соблюдения ими требований уставов.

Большое внимание уделяется и тем, кто хорошо служит. Их усилия умело направляются на то, чтобы идти дальше, добиваться новых успехов, помогать сослуживцам в преодолении трудностей.

– Считаю, что индивидуальный подход нужен не только к трудновоспитуемым, – говорит офицер Ш. Раззаков, – но и ко всем солдатам. Ведь из поля зрения могут выпасть те, кто привык держаться в серединке. И тогда не исключены случаи самоуспокоенности, формального отношения к выполнению своих служебных обязанностей. Предупредить подобные срывы, недопущение таких просчетов считаю своим долгом.

Надежным методом в изучении подчиненных офицер считает индивидуальные беседы. Они дают ему возможность многое узнать о характере, взглядах, настроениях и интересах солдат и умело на них воздействовать.

Мне довелось присутствовать во время бесед, которые проводит старший лейтенант Ш. Раззаков. Он старается создать теплую, дружескую обстановку, располагающую к откровенности. Тон его разговора, как правило, спокойный, задушевный. И не случайно воины делятся с ним своими сокровенными мыслями.

– Бывает, что тот или иной солдат не сразу соглашается с моими доводами, – признается офицер. – В таком случае я проявляю терпение, спокойствие и выдержку. Разговор откладываю на другой раз, более тщательно продумываю доводы. И добиваюсь поставленной цели.

Искренность намерений офицера-воспитателя, тактичность, взаимная откровенность – эти моменты играют важную роль в ее достижении. Он заставляет нарушителя дисциплины задуматься над своим поведением, помогает другому солдату поверить в свои силы и способности, увлекает третьего на достижение новых успехов в ратном труде.

А это то, что как раз и нужно для повышения боевой готовности подразделения. Здесь нет грубых нарушений воинской дисциплины, все воины являются умелыми специалистами, способными всегда выполнить любой приказ командира. На справедливую требовательность и отеческую заботу, на искренность и уважение к себе они отвечают добрыми делами.

Борис СЕРГЕЕВ.

2006 ЙИЛ – ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

КАСБИГА САДОҚАТИ БАЛАНД

Навоий ҳарбий госпитали мамлакатимиз Қуролли Кучларида алоҳида ўринга эга. Айниқса, кейинги пайтда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланган ушбу шифо масканида, ҳарбийларга тез ва сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Бунинг учун эса госпиталь аҳил жамоасининг масъулиятли хизмати ҳақида ҳар қанча таъкидласа арзийди. Айни пайтда бу ерда тиббиёт соҳасида катта тажрибага эга бўлган шифокорлар билан бир қаторда, ёш, умидли тиббий хизмат ходимлари ҳам хизмат қилмоқда. Мана шулардан бири тиббий хизмат катта лейтенанти Қосимжон Жабборовдир. Тиббиётда ўта нозик бўлган йўналиш, яъни жарроҳлик бўлимида хизмат қилаётган изланувчан бу йигит ўзининг тиришқоқлиги, касбига садоқати билан сафдошлари орасида ажралиб туради.

– Инсонларга қайта ҳаёт бағишлашнинг ўзи бир бахт, – дейди офицер Жабборов. – Ушбу соҳани танлаб хасталар дардига даво бераётганимдан ниҳоятда хурсандман. Тўғри бизнинг касбимизнинг машаққатли томонлари жуда кўп. Масалан ҳаётдан бутунлай умидини узган беморни қайта оёққа турғазишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун шифокорда метиндай мустаҳкам ирода, бардош бўлмоғи лозим. Баъзан эса ўз ҳаловатингни бутунлай унутиб бемор олдидан жилмаслигингга тўғри келади. Худди ана шу пайтда аҳил сафдошларингнинг кўмаги билан мавжуд қийинчиликларни осонгина бартараф этасан.

Тушкунликка тушиш ёки қўпол сўзлашиш шифокор учун ҳеч ярамайди. Шу боис Қосимжон беморлар билан мулоқот қилганда ҳамиша ўзини самимий тутиб, уларнинг кўнглига қарашга ҳаракат қилади. Бу унинг устозларидан ўрганган илк сабоғи бўлиб, ёш шифокор мазкур сўзларни ўзи учун бир қоидага айлантирган десак, муболаға бўлмайди.

Самарқанд тиббиёт институтида таҳсил олган офицер Жабборов талабалик йилларидаёқ ҳарбийликка меҳр қўйди. Олий ўқув юртини тугатгач, икки йил Ғузор тумани болалар шифохонасида фаолият юритганидан сўнг йигит ўзи орзу қилганидек, ҳарбий шифокор сифатида хизматини давом эттирди. Кўп ўтмай жарроҳлик йўналиши бўйича тажриба орттириш мақсадида уни Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий клиник госпиталига юборишди. Табиатан тиришқоқ бўлган Қосимжон бу ерда беш ой мобайнида тиббий хизмат офицери Шавкат Очилов устозлигида бирламчи мутахассислик бўйича сабоқ олди ва ўзининг севимли ҳарбий жамоасига қайтди. 2003 йилдан бошлаб эса у Навоий ҳарбий госпиталининг жарроҳлик бўлимида хизмат қилмоқда. Унинг янги жамоада шаклланиб, қад ростлашида тиббий хизмат майорлари Рустам Жумаев, Серик Қорабековларнинг хизмати катта бўлди. Ёш шифокор тажрибали устозларидан анча билимларни ўрганди, кўникма ҳосил қилди.

– Катта лейтенант Қосимжон Жабборовнинг ҳар бир ўрганган янги билимларини амалиётда қўллай олиши ва ўз устида тинимсиз ишлаши билан сафдошларига ўрнак қилсак арзийди, – дейди шогирди ҳақида офицер Рустам Жумаев. – Касб машаққатларини ҳис қила оладиган бу саломатлик посбонига ҳар қандай вазиятда ишонса бўлади.

Қосимжон оддий қишлоқнинг фарзанди. У Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Чўмичли қишлоғида ишчи оиласида туғилган. Отаси Меликул ака ва онаси Ойтўла опалар ўн икки фарзандни дунёга келтириб,-уларни ҳалол, пок қилиб ўстириш, ўқитиш учун ҳаётларини бахшида этди. Ўз ўрнида мўмин, қобил бўлиб ўсган фарзандлар ота-она юзини ерга қаратишмади. Аксинча ўқиб, илм олиб қишлоқ ёшлари орзу қиладиган даражага эришди. Беш ўғил фарзандниг тўнғичи Аҳмаджон оилада биринчи бўлиб ҳарбий либос кийди. У ҳозир Қарши ҳарбий госпиталида жарроҳ бўлиб кўпгина беморлар оғирини енгил қилиб келмоқда. Билими ва тажрибаси Аҳмаджондан кам бўлмаган Жонимқул ҳам ҳарбий либос кийиб, айни пайтда Марказий ҳарбий клиник госпиталининг юқумли касалликлар бўлимида тажрибали шифокорлардан саналади. Оила қизларининг фақат икки нафари тиббиёт соҳасини танлади. Эгнига оқ халат кийган Меҳри ва Нигора ширинсўз ҳамшира. Меликул аканинг фақат беш нафар фарзанди халқ саломатлиги йўлида хизмат қилаётган бўлса, қолган болаларининг ҳам танлаган йўли уларники сингари масъулиятли. Юртга садоқат руҳида камол топган фарзандлар мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилишмоқда.

Қосимжоннинг рафиқаси Маъмурахон ҳам ҳамшира бўлиб, Навоий ҳарбий госпитали қабул бўлимида хизмат қилади. Инсонлар саломатлиги йўлида кечаю кундуз тиним билмай елиб-югураётган бу икки бахтиёр ёш айни пайтда уч нафар фарзандларини тарбиялашмоқда. Раъно, Сурайё, Камилла ҳам ажабмас бир кун келиб ота-онаси сингари юртпарвар, фидойи бўлиб етишишса!

Комилжон ҲАСАНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

АЁЛ БОРКИ, РУҲИЯТ МЕЪМОРИДИР



Одатда биз шифокорларга ишимиз тушиб қолганидагина уларнинг фидойиликларини теранроқ илғаб қоламиз. Аслидачи? Аслида ҳам шундай. Улар саломатлигимиз посбонларигина эмас, ҳаётимиз осойишталиги, оилавий тинчлигимизни қайсидир маънода таъминлаб турувчи нажоткорлар ҳам саналади. Наргиза Ҳайдарова 1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У болалигидан шифокор бўлишни орзу қиларди. Оппоқ кийинган дўхтирларни кўрса, болаларга хос қўрқувга тушмасдан уларга ҳавас билан тикилиб қоларди. Наргиза гарчи педиатрлик мутахассислигини олган бўлса-да, тўрт йилдирки, невропотолог сифатида фаолият юритаяпти. Мазкур соҳанинг сир-асрорларини чуқур эгаллаган Наргиза бугунги кунда Марказий ҳарбий госпиталда даволовчи шифокор бўлиб ишлаб келмоқда. Бу қисқа вақт ичида у меҳнат жамоаси ўртасида эътибор ва эъзоз топиб улгурди.

Наргизанинг отаси Темур Жамолов Микробиология институтида ишлаб, Фанлар академиясига аъзо бўлган, у киши оилада фарзандларига жуда талабчан ва ғамхўр бўлганликлари боис ўғил-қизларининг ўқиб, чуқур билим олишларига масъулият билан ёндашди. Онаси Адия опа эса қизларига остонани озода тутишдан тортиб, фарзанд тарбиясигача уқтирган. Шунданми, Наргиза ўғил-қизини ота-оналаридан узоқда яшаган кезларида ҳам чиройли тарбиялаб, тўғри йўлга сола билди. Сергайрат шифокор ўттиз саккиз ёш остонасида турибди, аммо фарзандлари лицей ва мактабларда аъло баҳоларга таҳсил олиш билан бирга-ликда, турли спорт тўгаракларида ҳам фаол қатнашадилар. Турмуш ўртоғи офицер Бахтиёр Ҳайдаров эса Наргиза билан ҳамиша ҳамнафас, ҳаммаслак бўлиб келаяпти. Ёш оила хизмат тақозоси билан турли гарнизонларда яшаб келишди. Аёл қалбини очадиган калит камдан-кам эркакларда бўлади. Ҳамма ҳарбийларнинг аёли сингари Наргиза ҳам тақдирнинг кўплаб синовларига бардош берди, улардан муваффақиятли ўтди. Бахтиёр ака уни ҳамма жабҳада қўллаб-қувватлаши, мадад бериши унга куч бағишлади. Меҳнат жамоасида ҳам уни маънан суяйдиганлар кўплигидан кўкси ғурурга тўлиб яшайди.

– Менга устозларим офицерлар – Иззатилла Сулаймонхўжаев, Шерали Кубаев, Эдем Ванеев, Шаҳоб Шукуров ва 41 йилдан буён мана шу даргоҳда заҳмат чекиб келаётган тажрибали ҳамшира Галина Сергеевналар яқиндан ёрдам бериб, малакамни янада оширишимга кўмакдош бўлиб келаётирлар, – дейди Наргиза биз билан суҳбатда. – Улар мени ҳамиша сабр-тоқатли, эътиборли бўлишга ундашади.

–Аёл борки, руҳият меъморидир. У ишдан бўш вақтларида вақтини кўпроқ оиласига, фарзандларига ва рўзғор ишларига сарфлайди. Мен фарзандларимнинг ўқишини доимий назорат қилиб бораман. Токи улар вақтнинг қадрига етишни ўрганишсин. Шунда билимлари мустаҳкам бўлади. Мен кўпроқ табиат қўйнида сайр қилишни яхши кўраман, аммо бунга вақтим етавермайди. Мумтоз мусиқа тинглашни яхши кўраман, асабларни тинчлантиради, руҳиятни тетиклаштиради. Мен беморларимга ҳам ана шуни таклиф этардим, чунки асабни тинчлантирувчи, кишини стресс ҳолатидан чиқарувчи, руҳий ҳолатига дам берувчи махсус мусиқа куйлари психологлар томонидан кенг қўлланилади. Соф ҳавода сайр қилиш соғликка фойдали, бунинг устига гўзаллик билан тўқнашасан. Фасллар фусункорлигидан баҳра оласан. Мен барча оналарнинг фарзандларига сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликларнинг қадрига етишни ўргатишларини истардим. Токи ўғил-қизларимиз она-табиатимизни асрашсин, ҳар битта гиёҳнинг фойдали томонларини англашсин.

Наргиза ҳар бир ишини режали бажаришни ёқтиради. Режа билан қилинган ишнинг натижаси бўлади. Оилада ҳам ҳарбийларга хос тартиб борлигини илғаш қийин эмас, Наргиза ҳам буни инкор қилмайди. Бу вақт борасида, албатта. Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар ҳамма сингари очиқлик ва меҳрибонлик билан кечади. Ҳар бир оила маълум ёшларда инқирозлардан ўтиши муқаррар эканлигини Наргиза шифокор сифатида яхши билади. Бунда ёшгами, қаригами яхши муомалада бўлишлик ғоят муҳим. Болага ҳам, каттага ҳам ширин сўз ва мақтовларда хасис бўлмаслик керак. Сўз қудратидан меҳр-оқибат, оила бахти ва шахс маънавияти манфаатида фойдаланиш лозим. Ширинсўзлик, очиққўнгиллик Наргизага хос бўлган фазилатлар эканлигини беморлар кўп марта таъкидлашди. Мавруди келганда шуни таъкидлаш жоизки, шифокорнинг бош қуроли ширин забонидир. Биз ҳам ўз касбининг фидойиси ва беморлар руҳиятининг меъмори бўлмиш Наргиза Ҳайдаровага келгуси ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Нигора ЖАЛОЛИДДИНОВА.
Комол ТЎРАЕВ олган сурат.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКА ОШИРИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология назорат марказида «Парранда гриппи, қуйдирги, оқсил касалликлари эпидемиологияси, клиник кечиши, диагностикаси, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусида уч кунлик ўқув-услубий йиғин бўлиб ўтди. Унда ҳарбий округ, гарнизон ва қисмлар тиббиёт хизмати бошлиқлари, инфекционистлар, санитария-эпидемиология отрядлари бошлиқлари ва бошқа мутахассислар қатнашдилар.

Йиғин аввалида тадбир қатнашчилари ўртасида мавзу бўйича тест синовлари ўтказилди. Шундан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи М. Мадаминов, Мудофаа вазирлиги бош инфекционисти А. Азимов, Санитария- эпидемиология назорат маркази бошлиғи офицер А. Хушвақтов, бўлим бошлиқлари, офицерлар – Б. Ҳолиқов, Б. Ҳакимов, А. Йўлдошев, марказ вирусолог врачи Г. Осипчуглар сўзга чиқишиб, «Парранда гриппи. МДҲ давлатлари ва республикамиздаги эпидемик ҳолатлар борасида олиб борилаётган профилактика ишлари», «Парранда гриппининг эпидемиологик ва эпизотологик текшируви», «Парранда гриппи ҳолатида касалликни зудлик билан аниқлаш ва хабарнома жўнатиш тартиби», «Ўткир юқумли нафас йўллари касалликлари ва парранда гриппининг лаборатория ташхиси асослари», « Парранда гриппи билан оғриган бемордан анализ олиш усуллари», «Оқсил касаллиги, унинг эпидемиологияси, клиникаси ва диагностикаси», «Қуйдирги касаллигининг эпидемиологияси, клиникаси, касалликнинг кечиши ва эпидемик тадбирларни ўтказищ» каби мавзуларда маъруза қилишди. Йиғинниг иккинчи куни барча тиббий хизмат бошлиқлари, инфекционистлар, санитария-эпидемиология отрядлари бошлиқлари парранда гриппи, оқсил, куйдирги ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ўзлари фаолият олиб бораётган даволаш муассасаларида қандай чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, умуман ушбу йўналишдаги ишлар таҳлили бўйича ҳисобот бердилар.

Йиғиннинг учинчи кунида иштирокчилар юқумли касаллик билан оғриган беморларни даволаш муассасасига олиб келиш, улардан анализ олиш ва даволаш усулларини амалий ўқув машғулотларида кўрсатиб бердилар. Уларнинг тайёргарлик даражаси назоратчи комиссия томонидан баҳолаб борилди. Шу куни қатнашчиларнинг йиғин мобайнида мавзу бўйича олган кўникмаларини синаш учун яна бир бор якуний тест синови ўтказилди.

– Марказимизда аскарлар ва ҳарбий хизматчиларнинг соғлиқларини сақлаш, улар орасида ҳар хил касалликларнинг тарқалишини олдини олиш учун 2003 йилдан буён тегишли режа асосида мана шундай йиғин ўтказилиб келинмоқда. Бу йилги йиғинимиз Мудофаа вазирининг қўшинларда юқори нафас йўллари ва парранда гриппи касалликларининг олдини олиш бўйича тегишли йўриқнома, буйруқ ва кўрсатмалари ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаяпти, – дейди, Санитария-эпидемиология назорат маркази бошлиғи, бош санитария врачи офицер Акром Хушвақтов, – Инсон соғлиғи учун энг катта хавф ҳисобланган парранда гриппи, куйдирги, оқсил каби юқумли касалликлар бутун дунёда муаммо бўлиб турибди. Шу сабабли биз ушбу юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш чора-тадбирлари бўйича йиғин қатнашчиларига тўлақонли маълумотлар бераяпмиз. Маълумки, ҳар қандай касалликни даволашдан кўра олдини олиш муҳимроқдир. Ҳарбийларимиз саломатлигини асраш бизнинг қўшинлар жанговар шайлигига қўшган ҳиссамиз дейиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, бу йилги йиғинимиз биз кутганимиздан ҳам аъло даражада ўтди. Йиғин қатнашчиларининг мавзу бўйича етарлича билим ва кўникмага эга эканлиги аҳамиятлидир. Буни якуний тест синови натижалари ҳам яққол кўрсатмоқда.

Гулнора ТУРСУНБАЕВА.
Тимур КАРИМОВ
суратга олган.



САЛОМАТЛИК ФИДОЙИЛАРИ

Шифокорлик – энг масъулиятли касб. Инсоният ҳаёти учун барча жавобгарликни ўз зиммасига оладиган, бемор қалбида ҳаётга, яшашга умид уйғотадиган мазкур касб ходимлари ҳар доим эл хизматида.

Жумладан, тиббий хизмат офицери Фахриддин Жабборов раҳбарлигидаги Қарши ҳарбий госпитали ҳам «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ишлаб чиқилган дастур бўйича кўпгина диққатга сазовор ишларни амалга оширди. Қарши гарнизонида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзоларининг соғликларини сақлаш, уларга тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда амалий ишларни олиб боришмоқда.

Шунингдек, Қарши ҳарбий госпитали ва «Шўртангаз» шўъба корхонаси ўртасида тузилган шартнома туфайли госпиталнинг жарроҳлик бўлими биноси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Яна шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу госпитал Қарши ҳарбий гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган шифокорлар учун методик марказ ҳисобланади. Ҳарбий шифокорлар бу ерда ўз малакаларини оширадилар. Шифокорлардан жарроҳлик бўлими бошлиғи тиббий хизмат майори Икромиддин Турсоатов, юқумли касалликлар бўлими бошлиғи тиббий хизмат капитани Олим Шаймардонов ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари Г.Жумаева, Д.Шодмоноваларнинг фидойи хизматлари доимо эътиборда, улар ҳақида беморлардан фақат ижобий фикрлар эшитасиз. Ҳарбий госпитал шифокорлари ҳақида сўз юритар эканмиз, шу баҳона уларни ва барча шифокорларни «Тиббиёт ходимлари куни» билан чин дилдан қутлаймиз. Ватанимиз ҳарбийларининг соғлиги учун масъул бўлган оқ либосли нажоткорларнинг заҳматли ва шарафли ишларида омадлар тилаймиз.

Сарвар ХУРРАМОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

Қарор ва ижро

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича республикамизнинг барча шаҳар ва туманларидаги мудофаа ишлари бўлимларида ёшларни ҳарбий хизматга чақирув ишлари қизғин олиб борилди.

Бунда чақирув комиссиялари соғлом, билимли ва ҳарбий хизматга лойиқ деб топилган ёшлар тантанали равишда ҳарбий хизматга юборилдилар.

Ёшларни ҳарбий хизматга тантанали равишда юбориш, бу тантаналарда ҳокимият органлари, маҳалла, хотин-қизлар ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотларининг иштирок этишлари, санъаткорлар томонидан куй ва қўшиқлар ижро этилиши сўнгги вақтларда яхшигина анъанага айланиб қолди.

Бу тантаналарнинг асосий мақсади юрт ўғлонлари яхши кайфият билан ҳарбий хизматга бориб, сидқидилдан Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш учун хизмат қилишлари ва бу воқеалар узоқ вақт давомида уларнинг ҳаётида ёддан чиқмайдиган кунлар бўлиб қолишига эришишдан иборатдир.

Ёшларни ҳарбий хизматга юбориш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш ва амалга оширишда туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимлари мансабдор ва жавобгар шахслари томонидан қонунларга оғишмай риоя қилишлари устидан доимий равишда ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда Республика ҳарбий прокуратурасининг жойлардаги ҳарбий прокуратура органлари ходимлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилиб келинди.

Хусусан, ҳарбий прокуратура органлари ходимлари туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларида ёшларни ҳарбий хизматга юборишга тайёрлаш жараёнларида қонунларга риоя қилиниши юзасидан доимий равишда назоратни амалга ошириш билан бир қаторда чақирилувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан ўтказилган учрашувларда иштирок этишиб, ҳарбий хизмат билан боғлиқ уларни қизиқтирган саволларга жавоблар бериб, тушунтириш ишларини олиб боришди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг соғлиги ва ҳаётини ҳимоялаш, уларни ижтимоий муҳофазалаш юзасидан ўтган давр мобайнида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони раҳбарлигида ҳукуматимиз томонидан қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилинди.

Ушбу қарор ва қонунларнинг ижроси Қуролли Кучларда бенуқсон таъминланиши бўйича ҳарбий прокуратура органлари томонидан доимий равишда назорат амалга оширилиб, аниқланган, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар бўйича жавобгар ва мансабдор шахсларга нисбатан таъсир чоралари қўллаш йўли билан қонун бузилишини бартараф этиш чоралари кўрилиб келинмоқда.

Хусусан, ҳарбий қисмларга келган янги аскарларни кутиб олиш, уларнинг ҳарбий кийим-кечак ва бошқа таъминотлар билан таъминланиши, уларнинг ҳарбий хизматга кўникма ҳосил қилиши билан боғлиқ тадбирларни ўтказилиши ҳамда, ҳарбий қисм қўмондонликлари томонидан муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлардан келиб чиқиб, тўланадиган пул маблағларининг тўланиши ва хизматдан сўнг олий ўқув юртига кириш истагини билдирган ҳарбий хизматчиларга ўқишга киришда умумий баллнинг 25 фоизи миқдорида берилган имтиёзлар бўйича Тавсияномаларни берилишида қонунларга қатъий риоя қилиниши устидан ҳарбий прокурорлар томонидан назорат ўрнатилган.

Бундан ташқари ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар хизматдан сўнг мустақил республикамиз учун зарур бўлган саноат, қурилиш корхоналари ва ташкилотларида, қишлоқ хўжалигида ўз ўриларини топишлари, қаерда бўлишларидан қатъи назар ҳар доим Ватан учун, унинг тинчлиги учун жон фидо этишга тайёр бўлишлари, ҳарбий сирларни ошкор этмасликлари, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фаоллик кўрсатишлари, ҳар қандай кўринишдаги жиноий гуруҳларга қўшилмасликлари ҳақида ҳарбий прокуратура органлари ходимлари томонидан тушунтириш ишлари ўтказилиб, келгусида жамиятда ўзларининг ўринларини эгаллашлари ҳақидаги самимий тилаклар билан тантанали равишда аскарларни уйларига кузатиш жараёнларида иштирок этишди.

Республика ҳарбий прокуратураси органлари томонидан бундай тадбирлар келгусида ҳам доимий равишда амалга оширилиб борилади.

Аҳлия подполковниги
Ёқубжон САДИҚОВ.

Ҳайдовчиларга тавсиялар

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ

Автомобиль ва агрегатларнинг хизмат муддати кўп жиҳатдан уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, ишлатилаётган ашёларнинг (ёнилғи, мой ва бошқалар) сифати, хизмат кўрсатишда қўлланиладиган мосламалар ва асбобларга боғлиқ.

Техник хизмат кўрсатиш автомобиль транспорти бузилишининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган тадбир бўлиб, автомобиль маълум йўлни босиб ўтгандан ёки муайян вақт ишлагандан кейин режа асосида мажбурий тартибда амалга оширилади.

Автомобилда қўлланиладиган кўпчилик ашёлар маълум даражада заҳарли ёки хавфли ҳисобланади. Шу сабабли уларни ишлатишда техник хавфсизлик қоидаларини билиш ва талабларга қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Бензин инсон учун заҳарли ҳисобланади. Аниқроғи бензин буғлари хавфли ҳисобланиб, у инсон ички аъзоларига нафас олиш йўллари орқали ўтади. Унинг оғиз ва овқат ҳазм қилиш тракти орқали ўтиши ҳам хавфлидир. ГОСТ 12.1.005-76га биноан иш жойидаги ҳавода бензин буғларининг миқдори 100 мг/м³ дан ошмаслиги керак. Ҳаво таркибида бензин буғларининг миқдори 500÷800 мг/м³ бўлса бу инсонларнинг заҳарланишига сабаб бўлади. Ҳатто инсоннинг иш фаолиятини йўқотишига, ўлимига ҳам олиб келиши мумкин. Бензин инсон терисига узоқ таъсир этганида ўткир шамоллаш ва экзема касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлади.

Этилланган бензин ўта заҳарли бўлиб, таркибида тетраэтилқўргошин мавжудлиги туфайли, инсон аъзосига тушгани йиғилиб боради ва оғир асоратли касалликларни келтириб чиқаради. Ҳаво таркибидаги бензин буғларининг 1,9÷5,1 % миқдорда бўлиши портлашга олиб келади.

Дизел ёнилғиси бензинга нисбатан камроқ заҳарли ҳисобланади. Ҳаво таркибида дизел ёнилғисининг буғлари 300 мг/м³ дан кўп бўлмаслиги керак. Дизел ёнилғиси ёки унинг буғларининг инсон аъзосига таъсири ҳам бензиндаги каби асоратларга олиб келади.

Газ ёнилғилари, яъни суюлтирилган углеводород газлари (пропан, бутан) ва сиқилган табиий газ (метан) ҳам хавфли ҳисобланади. Уларнинг ҳаво таркибида 1,8÷5,3 % миқдорда мавжуд бўлиши портлашга олиб келади. Қўшимча қийинчиликларни пропан ва бутан газларининг зичлиги келтириб чиқаради. Пропан газининг ҳавога нисбатан зичлиги 1,562, бутан газиники 2,09 ва метан газиники эса 0,67 га тенг. Шу сабабли сиқилган газларнинг буғлари ҳаводан оғир бўлганлиги туфайли юқорига кўтарила олмайди ва хонанинг полида йиғилади. Узоқ муддатга инсонни шу хонада бўлиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Двигателдан чиқариладиган чиқинди газларда кўп миқдорда заҳарли моддалар мавжуд бўлади. Бу газлардаги углерод оксиди, углеводородлар, азот оксиди, акролеин, концереген моддалар, тетроэтилқўргошин инсон ҳаётига хавфлидир. Инсоннинг бундай газлардан нафас олиши ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Ҳаво таркибидаги заҳарли газлар миқдори: акролеин – 0,2 мг/м³, углерод оксиди – 5 мг/м³, тетроэтилқўргошин – 0,005 мг/м³ дан кўп бўлмаслиги керак.

Мотор ва трансмиссия мойлари ҳамда сурков мойлари ҳам заҳарли ҳисобланиб, таркибида олтингугурт, цинк, барий, хлор ва бошқа қўшилмалар мавжуд бўлади. Инсоннинг мой буғларидан нафас олиши ўпка ва томоқ касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Иш жойида мой буғларининг миқдори 5 мг/м³ дан ортмаслиги керак. Мой маҳсулотларининг инсон аъзосига узоқ муддатли таъсири оғир асоратли тери касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Совутиш суюқликларининг таркибида этиленгликол мавжуд бўлганлигидан заҳарли ҳисобланади. Инсон аъзосига кам миқдорда бўлса ҳам антифризнинг тушиши марказий нерв тизими ва буйракни жароҳатланишига олиб келади. Беҳосдан 100 ё 150 грамм антифризни ичиб юбориш ўлимга олиб келади.

Тормоз суюқликлари ҳам заҳарли ҳисобланади. Кам миқдорда бўлса ҳам тормоз суюқлигини инсон аъзосига тушиши қаттиқ заҳарланишга, марказий нерв тизимини ва буйракни жароҳатланишига олиб келади.

Барча турдаги ёнилғи, мойлаш, техник суюқликлар, лак-бўёқ маҳсулотлари заҳарли, портлашга мойиллиги ва ёнғин хавфи юқорилиги сабабли, улар билан ишлаганда техник талабларга тўлиқ риоя қилиш талаб этилади.

Автотранспорт корхоналарида атроф-муҳитни ифлослантирувчи автомобиллар ҳисобланади. Ички ёнув двигателлари ёнилғини истеъмол қилиб атроф-муҳитга заҳарли газларни чиқаради. Ерга тўкилган ёнилғи, мой, тормоз ва совитиш суюқликлари тупроқни ва сув ҳавзаларини ифлослантиради. Битта енгил автомобиль бир йилда 10 000 км масофа босиб ўтиш учун тахминан 380 кг углерод оксидини, 110 кг углеводородларни, 20 кг азот оксидини ва чанг қурумларни ташқи муҳитга чиқариб ташлайди. Заҳарли моддалар атмосферани заҳарлабгина қолмай, биноларнинг, пластмасса ва резина маҳсулотларининг парчаланишини тезлаштиради. Айниқса қўргошин азот оксиди, олтингугурт бирикмалари ўсимликларнинг қуришига олиб келади. Шу нарса аниқланганки, ҳаво таркибидаги 0,08÷0,10 мг/м³ миқдорда олтингугурт икки оксидининг узоқ муддат дарахтларга таъсир этиши, уларнинг қуриб қолишига олиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, нафақат автокорхона ва бўлинмалар мутасаддилари, балки, барча ҳайдовчи ва автоҳаваскорлар ҳам автомобилларда қўлланиладиган ашёларнинг атроф-муҳитга, инсон соғлигига салбий таъсирини билишлари, техника хавфсизлиги билан боғлиқ талаб ва қоидаларга қатъий риоя қилишлари шарт.

Бахтиёр ТУРГУНБАЕВ,
техника фанлари номзоди.

ВНИМАНИЕ: КОНКУРС!

БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН НА ДОРОГЕ

Уважаемые читатели! Продолжается конкурс «Будь внимателен на дороге», организаторами которого являются ХАН Министерства обороны и редакция газеты «Ватанпарвар». Напоминаем, что участников, набравших наибольшую сумму баллов, ожидают поощрительные призы.

Ответы на конкурсные задания необходимо присылать по адресу редакции не позднее четверга следующей недели – 23 ноября. Дата отправления будет сверяться с почтовым штемпелем. Удачи вам, и ждем ваших писем!

ОРГКОМИТЕТ КОНКУРСА

ВОПРОСЫ ПЯТНАДЦАТОГО ТУРА

1. Должен ли водитель пропускать слепых пешеходов, подающих сигнал белой тростью?

а) Должен во всех случаях, в том числе и вне пешеходных переходов;

б) должен на регулируемом пешеходном переходе;

в) должен на любом пешеходном переходе.

2. Что обозначают желтый и красный сигналы светофора, включенные одновременно?

а) Можно начинать движение;

б) запрещают движение и предупреждают, что вскоре будет включен зеленый сигнал;

в) к перекрестку приближается транспортное средство, подающее специальные звуковые или проблесковые световые сигналы.

3. Кто регламентирует массу перевозимого груза и распределение нагрузки по осям?

а) Госавтоинспекция;

б) администрация автохозяйства;

в) предприятие – изготовитель транспортного средства.

4. В каком ответе указан правильный вариант включения световых приборов на буксируемом транспортном средстве?

а) Ближний свет фар в темное время суток или в тумане;

б) габаритные огни в любое время суток;

в) габаритные огни в населенных пунктах.

5. Когда водители транспортных средств должны уступить дорогу автобусу или троллейбусу?

а) Если он начинает движение от остановки;

б) если он движется по маршруту в часы пик;

в) в населенных пунктах, если он начинает двигаться от обозначенной остановки.

6. Вы остановились на подъеме в ожидании разрешающего сигнала светофора. При этом удерживать автомобиль на месте лучше всего:

а) стояночным тормозом;

б) за счет пробуксовки сцепления при включенной первой передаче;

в) рабочим тормозом.

7. В каких случаях допускается выезд велосипедистов на расстояние более одного метра от правого края проезжей части?

а) Для объезда; б) в разрешенных случаях для поворота налево или разворота; в) в обоих описанных случаях.

8. При ослеплении водитель должен:

а) принять как можно правее к краю проезжей части и остановиться;

б) включить аварийную сигнализацию, снизить скорость и остановиться;

в) не меняя полосы движения, снизить скорость или остановиться;

г) включить дальний свет и остановиться.

9. Как должен действовать водитель при обгоне другим автомобилем?

а) Не изменяя полосы движения, подать сигнал указателя правого поворота;

б) не препятствовать обгону повышением скорости движения или иными действиями;

в) снизить скорость движения, подать звуковой сигнал.

10. В каком случае Правила обязывают водителя предоставить свое транспортное средство в распоряжение работников милиции?

а) В любом случае;

б) для выполнения неотложных служебных заданий;

в) для следования к месту работы.

ОТВЕТЫ НА ВОПРОСЫ ЧЕТЫРНАДЦАТОГО ТУРА

1. 23 места.
2. 51 литр.
3. Устранить неисправность.
4. 10 мм.
5. 50 километров в час.
6. 0,25 – 0,30 мм.
7. Системы охлаждения, смазки, питания, зажигания (электрооборудования), выпуска отработавших газов.
8. 35 – 50 мм.
9. 0,3 – 0,4 мм.
10. 40 мм.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ГРИПП КАСАЛЛИГИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Грипп – вируслар келтириб чиқарадиган ўткир юқумли, тананинг умумий заҳарланиши, нафас аъзоларининг, асосан юқори нафас йўлларининг яллиғланиши билан кечадиган касаллик ҳисобланади. У баъзи ҳолларда эпидемияга айланиб, ҳар йили миллионлаб одамларни шикастлайди.

Статистик маълумотларга кўра, шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб грипп касаллиги мавжуд вазиятни мураккаблаштириши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса айниқса тиббиёт ходимларини, шу жумладан эпидемиологларни янада ҳушёрликка чорламоқда.

Республикамизнинг кўпгина хорижий мамлакатлар билан кенг иқтисодий-сиёсий алоқаларини, аҳоли миграциясини ва бошқа шунга ўхшаш омилларни ҳисобга оладиган бўлсак, касалликнинг тарқалиш хавфи янада ойдинлашади.

Бугунги кунда гриппнинг бир неча турлари аниқланган. Соғлом одамга касаллик ушбу касал билан оғриган бемор аксирганда, йўталганда, гапирганда, ўпишганда ва у фойдаланган буюмларни ишлатганда юқади. Вируслар ҳаво орқали 2-3 метр масофагача тарқалиб, ўз таъсирини ҳавода тупук ва сўлак томчиларида 4-5 соат, буюмларда эса 3-4 кун давомида сақлаб қолади.

Касалликнинг яширин даври жуда қисқа бўлиб, бир неча соатдан 1-2 кунгача давом этади. Бошланишида беморнинг кайфияти ёмонлашади, бадани увишиб, умумий дармонсизлик пайдо бўлади, танаси, шунингдек қўл ва оёқлари зирқираб оғрийди.

Грипп баъзан енгил формада ўтади, тана ҳароратининг кўтарилиши, лоҳаслик, кейинроқ эса йўтал ва тумов белгилари пайдо бўла бошлайди.

Айрим беморларда касаллик бош оғриши, тана ҳароратининг меъёрида бўлиши, ўткир шамоллаш (тумов) белгиларисиз кечади. Бу хил беморлар атрофдагилар учун ўта хавфли ҳисобланади, чунки улар жамоа ичида юради. Оқибатда гриппнинг тез тарқалишига ва кўплаб кишиларнинг касалланишига сабаб бўлади.

Баъзи ҳолларда эса касалликнинг биринчи соатларидан бошлаб қалтираш, иситманинг кўтарилиши, бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши, қусиш, кўз олмасининг оғриши, ёруғликка қарай олмаслик, терлаш каби белгилар ҳам пайдо бўлади. Иситма 39 С ва ундан ҳам юқорига кўтарилиб кетиши мумкин.

Вақтида даволанмаган беморларда грипп касаллигидан кейин ўпка, юрак қон-томир ва нерв системалари фаолиятларининг бузилиши каби асоратлар юзага келади. Шунингдек, ўпка сили, ревматизм ва бошқа касалликларнинг қайталанишига сабаб бўлади.

Грипп билан курашишда касалликни эрта аниқлаш, эрта ташхис қўйиш ва жамоадан алоҳидалаш муҳим аҳамият касб этади.

Одам ўзини ва атрофдагиларни гриппдан ҳимоя қилиш учун:

– грипп ва ўткир шамоллаш (тумов) белгилари пайдо бўлганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиши;

– йўталганда ва аксирганда оғиз ва бурунни тоза дастрўмол билан беркитиши;

– беморлар билан ёнма-ён ўтирмаслик ва яқиндан гаплашмаслик;

– танасини совқотишдан сақлаши, айниқса, кийим-кечакларни ва оёқни қуруқ, иссиқ тутиши зарурдир.

Ҳарбий қисмларда эса юқорида қайд қилиб ўтилган амаллардан ташқари қуйидаги чора-тадбирларга риоя қилиш муҳим ҳисобланади:

– аскарлар ётоқхонасини шамоллатиш;

– ухлаш хоналарида уйқудан кейин, синф хоналарида машғулотлардан олдин ва улар орасида (танаффусларда) хоналарни шамоллатиш;

– пол, дераза токчалари, иситиш батареялари, мебеллар ва кроватларни зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида намлаш усулида ҳар куни ювиш ва артиш;

– грипп касаллиги қайд этилган эпидемик ҳолатларда шахсий таркибни аҳоли билан учрашувини кескин камайтириш, мулоқот қилишини тақиқлаш;

– овқатланиш учун сафга турганда бўлинмаларни бир-бирига қўшмаслик;

– ёпиқ хоналарда ўтказиладиган йиғинларни (мажлисларни) камайтириш;

– шахсий таркибни техникада ташишда, ҳаммомда ювингандан кейин, қоровуллик хизматида ва дала шароитидаги машғулотларда совқотишдан сақлаш;

– казармаларда қуритиш хоналари, хизмат жойларида исиниш пунктларини ташкил қилиш ва уларни доимий ишлашини назорат остига олиш;

– шахсий таркибнинг мавсум бўйича кийинтирилишини назорат қилиш;

– аскарлар таомномасида саримсоқпиёз, пиёз каби фитонцидларни доимий бўлиши;

– савдо, озиқ-овқат тармоқларида, даволаш-профилактика муассасаларида докали маска тақишни ташкил этиш ва уларда дезинфекцион-эпидемик тартибга риоя қилинишини таъминлаш;

– ҳарорати кўтарилган офицерларга, шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларга, ишчиларга тиббий ёрдам кўрсатишни беморларнинг уйида ташкил этиш, уларни ўз уйларида алоҳидалаш;

– барча даволаш-профилактика муассасаларида ўткир респиратор касалликлари аломатлари билан мурожаат этадиган беморларни қабул қилиш учун алоҳида хоналар ажратиш;

– организмни чиниқтиришга, бадантарбия-физкультура билан мунтазам равишда шуғулланишга, тоза ҳавода сайр қилиш ва тоза ҳаводаги эрталабки бадантарбияга алоҳида эътибор қаратиш;

– ҳарбий қисмларда, корхона ва муассасаларда вентиляция ва иситиш тизимларининг бенуқсон ишлашини таъминлаш талаб этилади.

Ушбу муҳим тадбирлар Мудофаа вазирлиги тегишли буйруқ ва кўрсатмаларида ҳам ўз аксини топган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тавсияларга тўла-тўкис амал қилсак грипп касаллигининг юқиши ва тарқалишининг олдини олган бўламиз.

Тиббий хизмат подполковниги Қаҳрамон ХОЛИҚОВ, Мудофаа вазирлиги бош эпидемиологи, Санитария-эпидемиология назорат маркази эпидемиология бўлими бошлиғи.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ҚАЧОН ЎРГАНАМИЗ?

Бугунги кунда дунёдаги барча давлатларни чуқур ўйлашга ва огоҳликка чорлаётган шундай бир долзарб масала борки, у ҳам бўлса, экологик муҳитни сақлаш билан боғлиқ муаммодир.

Албатта мазкур муаммонинг ечимини топиш учун юртимизда истиқболли ҳаракат ва изланишлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Шундай экан, ўзимиз истиқомат қилаётган ҳудуднинг экологик муҳитини сақлаб қолиш мақсадида шаҳар, маҳалла ва кўчаларни, сайлгоҳ ва истироҳат боғларини, умуман олганда, барча жамоат жойларининг озодалигини таъминлаш учун барчамиз бирдек масъулиятни ҳис қилишимиз ва унга риоя қилишимиз зарур. Табиийки, кўпинча бунинг акси бўлади. Эътибор берганмисиз, айрим ёшларимиз кўчада, транспортда кетаётганда музқаймоқ ёки бирор егулик нарсаларни истеъмол қилиб бўлгач, улардан қолган чиқиндиларни жойларда ўрнатилган махсус ахлат қутиларига ташламасликлари оқибатида шаҳар ҳудудларининг ифлосланишига олиб келмоқда. Арзимас бўлиб кўринган бу нуқсонлар ҳам шаҳримиз тозалигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бундай салбий ҳолатларга жамоат жойларида, ўқишда ёки ишда кўпроқ дуч келишимиз мумкин. Бу каби хунук ҳолатларни кўрганингизда уларга нисбатан қандай муносабатда бўласиз? Агар, бефарқ бўлмасангиз, албатта.

Бу каби фикрларимизни асослаш мақсадида пойтахтимиз кўчаларидаги ўзимиз кўриб, гувоҳи бўлган бир ҳолатни олсак. Транспорт тўхташ бекатларида одамлар гавжум бўлади. Бекат атрофларида хусусий тадбиркорларнинг савдо расталари ташкил қилинган бўлиб, у ерда кундалик эҳтиёж учун керакли бўлган кўпгина нарса ва буюмлар сотилади. Харидорларни жалб қилиш мақсадида замонавий мусиқа марказларидан кўпчилик севиб тинглайдиган мусиқа оҳангларини баланд овозда қўйишади ва яхшигина даромад олишади. Бундан харидор ҳам, савдо қилаётган тадбиркор ҳам манфаатдор.

Шундай бекатларнинг бирида, кўпчилик сингари биз ҳам замонавий чет эл мусиқасини тинглаб турибмиз. Автобуснинг келишини сабрсизлик билан кутаётган эдик. Мазкур бекат йўловчилар билан тўлиб-тошарди. Шунда беихтиёр диққатимизни биздан 3-4 қадам узоқликда турган йигитнинг ўринсиз хатти-ҳаракати ўзига жалб қилди. Унинг қилган хунук иши, шу бўлдики, музқаймоқни ея туриб, мусиқа оҳангига мос ҳаракатлар билан ҳаракатланар эди. Музқаймоқни еб бўлгач, ундан қолган чиқинди қоғозини нарироқда турган ахлат қутисига эмас оёқ остига ташлагани бўлди. Бу ҳам етмагандек чўнтагидан писта олиб чақиб, пўчоғларини ерга ташлай бошлади. Шу онда кўпчилик йўловчилар унга нафратланиб қаради. Буни йигит сезганми ёки эътибор бермаганми ҳеч нарсани билмагандек турарди. Шу пайт бир кекса киши келиб йигитнинг қўлидан маҳкам ушлаб, силтаб ўзига тортди:

– Бу нима қилганинг? Ахлат қутисига ташласанг бўлмайдими? – деди, асабийлашган ҳолда.

Шунда йигит бир чўчиб тушиб:

– Тортинг қўлингизни, нима ҳаққингиз бор? – деди шоша-пиша қўлини торта туриб.

Бу жавобдан янада асабийлашган киши жиддий оҳангда давом этди:

– Саводинг борга ўхшайди, ўз ҳақ-ҳуқуқингни талаб қилиб қолдинг. Аммо юриш-туришингга келсак, тозаликка умуман риоя қилмас экансан, маданият борми ўзи сенда?!

Бу манзара кўпчилик қаторида бизнинг ҳам кўнглимизни ҳижил қилди.

– Шундай чиқиндиларнинг кўпайиб кетаётганлигидан бедаво касалликлар келиб чиқишини наҳотки билмасанг, унинг устига экология ҳам бузилиб кетаётган бўлса? – дея кекса киши сўзини давом эттираётган ҳам эдики, ўша йигит тескари бурилиб, бирор сўз демай тез юриб, бекатдан узоқлашиб кетди.

Йигитнинг бу хатти-ҳаракатига нисбатан кекса кишининг қалбида қанчалик даражада нафрат уйғонганлигини тасаввур қилиб кўринг-а?!

Мазкур ҳолат барчамизни чуқур ўйлашга чорлайди. Ахир, ўзимиз истиқомат қилаётган шаҳар, маҳалла, кўча ва бундан ташқари қандай ҳудудий бирлик бўлмасин, у ернинг тоза ва озодалиги учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Шундай экан, пойтахтимизнинг кўча ва хиёбонларининг тоза ва озодалиги ҳамда ҳавосининг мусаффолигини таъминласак, унинг экологик муҳитини сақлаб қолган бўлармидик. Бу эса барчамизнинг экологик муҳитни сақлаш, унинг софлигини таъминлаш учун қўшган ҳиссамиз бўларди.

Зеро, сизу биз юксак маънавият ва маданиятнинг бешиги бўлган юртнинг фарзандларимиз-ку, азизлар!

Баҳодир ХОЛМАТОВ, Муборак БЎРИЕВА.

ВЫСОКОКУЛЬТУРНЫЕ ЖИВОТНЫЕ

Исследования, проведенные в университетах Эмори (США) и Сент-Эндрюс (Шотландия), показали, что шимпанзе передают культуру потомкам, формируя и поддерживая культурную традицию, а также обладают здоровым конформизмом, препятствующим передаче «чего попало» – навыков, полученных случайным, не обусловленным социальной структурой образом. Впервые ученым удалось доказать, что у высших приматов, как и у людей, также имеется так называемое «поведение обучения». Оказалось, что шимпанзе не просто подчиняются нормам поведения, принятым в их группе в текущий момент, но и могут передавать свой опыт и традиции другим особям и делают это. Тем самым обнаружилось, что шимпанзе не только формируют свою собственную традицию – цепочку, связывающую поколения, но и целенаправленно подготавливают потомство к вступлению во взрослую жизнь. Более того, по разнообразию культурные формы, выявленные учеными в мире шимпанзе, уступают лишь человеческой культуре.

САМЫЙ МАЛЕНЬКИЙ

Заявка непальского мальчика на признание его самым маленьким человеком в мире отклонена редакцией Книги рекордов Гиннесса из-за слишком юного возраста претендента.


Четырнадцатилетний Кхагендра Тхара Магар, рост которого составляет всего 50,8 сантиметра, а вес – 4,5 килограмма, должен подождать четыре года, прежде чем он сможет считаться кандидатом на звание самого маленького человека на планете.

Тхара Магар родился в 1992 году в 220 километрах западнее столицы Непала Катманду. Еще ребенком он был очень невысокого роста, и родители, стыдясь этого, пытались спрятать мальчика. Достигнув одиннадцати лет, мальчик вообще перестал расти.

Родственники устроили подростку турне по Непалу, во время которого проводился сбор средств на его образование и закупку лекарств. В интернете был создан веб-сайт, где размещена подробная информация о нем. Семья и друзья мальчика надеялись, что признание в Книге рекордов Гиннесса позволит им найти материальные средства для его дальнейшего образования и лечения.

В настоящее время звание самого маленького человека в мире принадлежит иорданцу Йонису Эдвану, рост которого составляет 64,77 сантиметра, а вес – 10 килограммов.

СКАНВОРД



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

СИРЛИ ОЛАМ

РАҚАМЛАР ГАПИРГАНДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Рақамларга сиғиниш ва рақамларни тимсоллаштириш жаҳоннинг барча халқлари орасида кенг тарқалган анъаналардан биридир. Айрим рақамларга илоҳий тус бериб, турли-туман иримсиримларга ўраб ташлаш рақам магияси ёки рақам мистикаси дейилади. Азиз-авлиёлар ёки илоҳий шахслар фаолиятида муҳим роль ўйнаган «сеҳрли» рақамларнинг «мўъжиза»лари ҳақидаги фантастик уйдирмалар асосида халқ орасида тилсимлаштирилган рақамлар тўғрисидаги ғайриилмий, диний эътиқодлар пайдо бўлган.

Рақам магияси қадимги замонлардан то ҳозирги давргача турли эътиқодий қарашлар тарзида яшаб келган. Лирик адабиётимизда, халқ оғзаки ижодиётида «сеҳрли» рақамлар ранг-баранг образлар, бирнинг минг турфа оламини намойиш қилувчи рамзларни яратган. Халқимиз «сеҳрли» рақамлар воситасида олмос қатраларидек бебаҳо бадиият дурдоналарини яратганлар.

Маълум бўлишича, рақам мистикаси, яъни «сеҳрли» рақамларни тилсимлаштириш анъанаси қадимги Бобил афсоналарига бориб тақалар экан. Милоддан аввалги 626-538 йилларда ҳозирги Ироқ ҳудудида гуллаб-яшнаган Бобил давлатида 7 рақами «муқаддас» сон сифатида жуда қадрланган. Бобилликларнинг ёзма манбаларида етти донишманд, етти ёвуз руҳ, етти бошли илон, жаннат йўлидаги етти тўсиқ, жаннатнинг етти дарвозаси каби ибора ва тушунчалар кўп учрайди. Шунингдек, улар 3, 1, 2, 60, 360 рақамларига алоҳида аҳамият беришган.

Бобилликлар ҳар бир ҳудонинг ўз севимли рақами бўлади деб ўйлаганлар. Манбаларда кўрсатилишича, қуёш тангриси Синнинг рақами 30, оламни яратган худо Белнинг «ардоқли» сони 20 бўлса, Зуҳал сайёрасининг рамзи ҳисобланган Мардук 2 рақамига ўзгача «ихлос» қўйган. Афсоналарда қайта-қайта такрорланадиган 653 рақами эса бутун олам рамзи сифатида тушунилган.

Рақамларни тимсоллаштириш анъанаси, айниқса, диний эътиқодлар билан қўшилиши одамларнинг рақам сеҳрига қаттиқ ишонишларига сабаб бўлган. Жаҳоннинг асосий динлари таълимотига кўра, худолар тасвири ўзига хос рақам белгилари билан одамлар назарида ғаройиб мўъжиза бўлиб кўринган. Жумладан, шундай ҳолатни ислом динининг худоси – Оллоҳ талқинида ҳам кўриш мумкин. У ўн саккиз минг оламни эгаси, сарвари ҳисобланади.

Ҳатто, «сеҳрли» рақамлар ҳақидаги афсонавий қарашлар Пифагор, Платон, Гиппократ каби машҳур олимларнинг ҳам эътиборидан четда қолмаган экан. Хусусан, ҳаммамизга мактаб дарсликларидан жуда яхши таниш бўлган машҳур теореманинг ижодкори, улуғ олим Пифагорнинг ўзи етук математик бўлатуриб, рақамларда яширинган ғайритабиий «қудрат» ва «мўъжиза» ларга чиппа-чин ишонган экан...

Кунлардан бир куни шогирдларидан бири Пифагордан сўрабди:

– Айтингчи, устоз! Дўст нима-ю, дўстлик нима?

– Дўст – бу иккинчи «мен», дўстлик эса 220 ва 284 рақамларидир, – деб жавоб берибди Пифагор.

Шу-шу Пифагор мактаби вакиллари 220 ва 284 рақамларини бахт ва дўстлик рамзи деб эълон қилишган экан. Хўш, бу рақамлар қандай қилиб «дўстлашиб» қолишган ўзи? Текширишлар шуни кўрсатадики, бу сонларнинг тимсоллаштирилишига оддийгина бир арифметик қонуният сабаб бўлган экан. Агар 220 нинг ўзидан бошқа барча бўлинувчи рақамларни аниқлаб, уларни қўшиб чиқилса (1+2+4+5+10+11+20+22+44+55+110) натижа 284 чиқади. Мабодо 284 рақами бўлинадиган сонларни бир-бирига қўшиб чиқсак, (1+2+4+71+142) натижа 220 чиқади. Ана шу арифметик «мўъжиза»нинг сирини тушунмаган қадимги дунё олимлари 220 ва 284 рақамларини «дўстлаштириб» қўйишган дейишмоқда мутахассислар.

Этнограф В. А. Мезенцевнинг ёзишича, агар икки қоғозга 220 ва 284 рақамларини ёзиб бир аёл ва бир эркак чўнтагига солиб қўйилса, улар тез кунда бир-бирларини севиб қолишади деб ўйлаганлар. Рақамларни муҳаббат магияси (любовная магия) да қўллаш ҳам ҳеч қандай илмий асосга эга бўлмай, Ғарб астрологлари томонидан ўйлаб топилган фирибгарлик кўринишларидан биридир.

Қизиғи шундаки, сонлар оламидаги бундай «аҳил» рақамлар танҳо эмас экан. А. И. Борсдиннинг таъкидлашича, ҳозирги кунда ЭҲМ ёрдамида ана шундай «бир-бирига мойил бўлган» 236 жуфт рақам мавжудлиги аниқланган экан.

Пифагорчиларнинг фикрича, «уч ўлчовга эга бўлган математик бирликдан кейин келадиган нарса тўртликда мужассамлашган, мавжуд табиатнинг сифати ва ранги – бешликда, жонланиш – олтида, ақл, соғлик ва нур – еттиликда, булардан сўнг... севги, дўстлик, донолик ва зукколик – саккизликда мужассамлашган». Мукаммалликнинг энг олий намунаси эса «табиий ва энг муқаддас» ҳисобланган 10 рақами эмиш.

Бинобарин, пифагорчилар ҳар бир рақам ўзига хос хусусиятга эга бўлади, уларнинг айримлари бахт рамзи бўлса, бошқаси адолат, дўстлик тушунчалари билан боғлиқ, учинчиси эса эзгулик белгиси бўлади деб таълим беришган.

Аҳрор ОЧИЛОВ тайёрлади.

(Давоми бор).

20 НОЯБРЬ, ДУШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Табиат тилсими».
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Ака-ука Гримм эртаклари».
10.15 «Оналар мактаби».
10.35 «Одами эрсанг...»
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Олтин бешик».
11.45 А. Қассона асари. «Етти фарёд». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.35 «Дил таронаси».
12.45 ТВ-анонс.
12.50 «Етти фарёд». Спектакль. 2-қисм.
13.45 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
Ҳужжатли телесериал.
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «Ватанпарвар».
16.15 «Қишлоқ ҳаёти».
16.35 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.35 «Рангин дунё».
17.55 «Агар Сиз».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки...»
22.00 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Ақула йиртқичми ёки беозор?»
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастур очилиши.
18.00 Ракурс.
18.15 UzEX.
18.25 Юртим юраги.
18.30 «Камолот» қурултойи олдидан.
18.35 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Радиодан кўрсатамиз.
20.35 UzEX.
20.40 Наво-SMS.
20.55 Эълонлар.
21.05 Омон бўлинг!
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «YOSHLAR»ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.
00.00 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

18.00 Мультфильм.
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
20.15 «Анонс».
20.20 «Эрудит».
20.35 Ҳайвонот дунёси: «Анаконда қароғроҳи».
21.00 «Интервью».
21.10 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Ёлғиз йўл».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус.).
22.45 «Анонс».
22.50 «Очиқ денгиз».
00.05 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 20 ноябрь куни «Sport» телеканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Мени кутгил». Сериал.
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Азазель». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Футбол шарҳи».
22.10 «Проф-РИНГ».
23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

21 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Ақула йиртқичми ёки беозор?»
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
10.15 «Остонаси тиллодан».
10.35 «Агар Сиз...»
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ёввойи табиат тилсими». «O'zbektelefilm».
12.25 «Рангин дунё».
12.45 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.05 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
15.15 «Интеллектуал ринг».
16.00 «Бир ўлка-ки...»
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 «Ақл ва идрок».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.35 «Оҳанглар оғушида».
17.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан. «Ҳаётимиз қомуси».
18.00 «Умр мазмуни».
18.20 «Виждон». Телесериал.
19.05 «Сизнинг адвокатингиз».
19.10 «Банк ва мижоз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.00 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Маржон қоялар».

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
8.40 Қадимий қўшиқлар. Лапар.
9.55, 21.05 Омон бўлинг!
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Япония: руҳият ва макон.
14.00 «Шимол тафти». Сериал.
14.30 Интерфутбол.
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». Мультсериал.
17.20 Эврика.
17.35 Болалар табассуми.
17.40 Истиқбол тимсоллари.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан: «Қомусим — номусим!»
17.55 Тафаккур нури.
18.00 «Саломея». Сериал.
18.30 «Камолот» қурултойи олдидан.
18.35 Дилрабо.
18.45 Давр-репортаж.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Сериал.
20.10 JOKER телелотореяси.
20.15 CINEMANIYA.
20.45 ТВ-дорихона.
20.55 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.20 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Аёл қалби».
10.15 «Саломат бўлинг».
10.25 «Туризм ҳақида».
10.55 «Интервью».
11.10 «Эрудит» (рус.).
11.25 «Очиқ денгиз».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Эрудит».
20.35 Ҳайвонот дунёси.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Бахтли бўлинг».
22.50 «Тезлик иштиёқида».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

Бадиий фильм.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Типпи билан олам бўйлаб».
19.15 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.00 «Вести».
20.20 «Азазель». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Спорт — менинг ҳаётим».
22.05 Чемпионлар лигаси қундалиги.
22.35 «Баҳодирлар ўйини».
23.00 «Клон». Бадиий фильм.
00.45 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Арсенал» — «Гамбург». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
2.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

22 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Маржон қоялар».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
10.05 ИИВ хабарлари.
10.20 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.40 «Сизнинг адвокатингиз».
10.45 «Банк ва мижоз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Қизилқум санъат ғунчалари». Мусиқий дастур.
12.25 «Одамлардан бири».
12.45 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «50x50». Ток-шоу.
16.05 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 «Тарих кўзгуси». 1-қисм.
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Саломатлик» дастури.
18.00 «Бизнинг қутубхона».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Виждон». Телесериал.
18.55 «Бир жиноят изидан».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Мусаввир ҳаёт йўли».
23.50 Тунги наволар.

ЁШЛАР

6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
8.40 Сув — ҳаёт манбаи.
8.55 ВАТАНПАРВАР.
9.55, 21.05 Омон бўлинг!
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Япония: руҳият ва макон.
13.50 Давр-репортаж.
14.00 «Шимол тафти». Сериал.
14.30 CINEMANIYA.
15.00 «Олис осмон». Видеофильм.
16.00 Давр.
16.15 Ватан мадҳи.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». Мультсериал.
17.20 Шум болалар.
17.30 Болалар табассуми.
17.35 Қадр.
17.40 Қизил ҳудуд.
17.55 Тафаккур нури.
18.00 «Саломея». Сериал.
18.30 «Камолот» қурултойи олдидан.
18.35 Дилрабо.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 Автопатруль.
20.35 Ватаним!
20.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан: «Давр мавзуси».
20.55 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.20 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Ҳимоя».
9.45 «Репортаж».
10.15 «Бахтли бўлинг».
10.40 «Эрудит».
10.55 «Тезлик иштиёқида».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Эрудит».
20.35 Ҳайвонот дунёси.
21.00 «Интервью».
21.10 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Таҳдид». Ҳужжатли фильм.
22.50 «Чидаб бўлмас қаҳр».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
9.50 «Детективлар».
10.20 «Кучли бешлик».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Вилоят спорти» (Бухоро).
19.10 «Олам бўйлаб».
20.00 «Вести».
20.20 «Гет-а-тет».
20.30 «Азазель». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Форт Боярд».
23.10 «Ёмон, яхши одам».
Бадиий фильм.
00.45 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Ливерпуль» — «ПСВ Эйндховен». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
2.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

23 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Мусаввир ҳаёт йўли».
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
10.25 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
10.45 «Бизнинг қутубхона».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 «Дил таронаси».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тошкент гуллари». «O'zbektelefilm».
12.20 «Бир жиноят изидан».
12.45 «Сарой жавоҳири».
13.50 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.00 «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 «Тарих кўзгуси». 2-қисм.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Эски альбом.
17.20 «Сиёсат оламида».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Бир асар тарихи».
18.25 «Виждон». Телесериал.
19.15 «Сизнинг адвокатингиз».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Ёшлар — келажагимиз».
22.10 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
23.20 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.30 «Олам ва одам» дастури: «Денгиз тошбақалари».
23.55 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
8.40 Ватаним!
8.45 ДаврА.
9.15 Қомусим — номусим!
9.20 Радиодан кўрсатамиз.
9.40 Қадр.
9.45 ТВ-дорихона.
9.55, 21.05 Омон бўлинг!
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Япония: руҳият ва макон.
14.00 «Шимол тафти». Сериал.
14.30 Автопатруль.
14.50 Жаҳон операси.
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». Мультсериал.
17.20 Полапон.
17.35 Чемпион сирлари.
17.55 Тафаккур нури.
18.00 «Саломея». Сериал.
18.30 «Камолот» қурултойи олдидан.
18.35 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Сериал.
20.10 Ватаним!
20.15 Меъёр — соғлиқ гарови.
20.35 Наво-SMS.
20.55 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.20 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.10 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Муқаддас қадамжолар».
9.45 «Интервью».
9.55 «Таҳдид». Ҳужжатли фильм.
10.40 «Эрудит».
10.55 «Чидаб бўлмас қаҳр».
18.00 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Эрудит».
20.35 Ҳайвонот дунёси.
21.00 «Интервью».
21.10 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Юртим жамоли».
22.50 «Тўртта такси ҳайдовчиси ва ит».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 Кураш. Ўзбекистон биринчилиги.
9.50 «Детективлар».
10.20 «Теннис».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультсериал.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Мониторинг».
19.20 «Гейм-Сет-Матч».
19.35 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Вести».
20.20 «Беллашув». Дам олиш дастури.
21.30 «Хабарлар» (ўзб тилида).
21.50 «Азазель». Сериал.
22.50 «Кучли бешлик».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

24 НОЯБРЬ, ЖУМА

УЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Денгиз тошбақалари».
«Болалар сайёраси»:
9.15 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
10.00 «Бир асар тарихи».
10.20 «Ёшлар — келажагимиз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.15 «ТВ-шифокор».
11.20 «Оила ришталари».
11.55 «Мақом оқшоми».
12.20 «Ҳажвия бисотидан».
12.45 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
13.50 «Зилол». Фольклор қўшиқлар.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Экспедиция».
15.05 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
15.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» хазинасидан.
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.40 «Меҳр кўзда». Хатларга шарҳ.
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Бизнес янгиликлари».
17.35 «Яхшилар ёди».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
18.20 «Виждон». Телесериал.
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Муқаддас қадамжолар».
22.05 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
23.15 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.25 «Олам ва одам» дастури: «Илоҳий нафас».
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
8.40 Чемпион сирлари.
9.00 Давр мавзуси.
9.15 Мухлис-шоу.
9.55, 21.05 Омон бўлинг!
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Истиқбол тимсоллари.
13.25 Ватаним!
13.30 Орзулар майдони.
14.00 «Шимол тафти». Сериал.
14.30 Т. Минуллин. «Алла» спектакли.
16.00 Давр.
16.15 Ватан мадҳи.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». Мультсериал.
17.20 У ким? Бу нима?
17.40 Сув — ҳаёт манбаи.
17.55 Тафаккур нури.
18.00 «Саломея». Сериал.
18.30 «Камолот» қурултойи олдидан.
18.35 Дилрабо.
18.45 Сифат белиси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Сериал.
20.10 Спортлото.
20.15 «Моя мечта». Дунё таомлари.
20.45 Наво-SMS.
20.55 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.20 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 18.10 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Санъат гулшани».
9.50 «Юртим жамоли».
10.35 «Интервью».
10.45 «Иқтисод-ревю».
11.00, 20.20 «Эрудит».
11.15 «Тўртта такси ҳайдовчиси ва ит».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.35 Ҳайвонот дунёси.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Қалтис йўл».
22.45 «Анонс».
22.50 «Омадсизлар».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 «Ҳайвонот олами».
9.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
9.20 «Снукер».
10.00 «Детективлар».
10.30 «Ринг».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Эфирда «Машъал».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
19.00 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Вести».
20.20 «Дув-дув гап». Шоу дастури.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Кулгули кино: «Энг мафтункор ва жозибали».
23.10 «Кучли бешлик».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

25 НОЯБРЬ, ШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Олтин тож». Телеўйин.
9.25 «Ҳидоят сари».
9.45 ТВ-анонс.
9.50 «Шифокор қабулида».
10.15 1. «Чинсен». 2. «Маврид».
10.55 «Оналар мактаби».
11.15 «Оила ришталари». Телесериал.
11.50 «Заковат».
12.50 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Шоҳидамас баргида». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»:
16.00 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Шахсий фикр».
17.35 ТВ-анонс.
17.40 «Минг бир маслаҳат».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.15 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик сирлари».
18.35 «КулдиРИНГ».
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Суперлото». Телелотерея.
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Янги оҳанглар». Шаҳнозабону Йўлдошева.
22.05 «CINEMA.UZ».
22.30 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.40 «Вир ва Зара». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
00.10 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 «Муҳаббат дардлари».
8.40 Ватаним!
8.45 Нафосат олами.
8.55 Қадр.
9.00 Гап йўқ.
9.35 Меъёр — соғлиқ гарови.
9.55 Омон бўлинг!
10.00 Давр.
10.15 Тафаккур нури.
10.20 «Муҳаббат қаҳваси».
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Бола тилидан.
13.45 Сув — ҳаёт манбаи.
14.00 «Шимол тафти». Сериал.
14.30 ВАТАНПАРВАР.
15.30 «Моя мечта». Дунё таомлари.
16.00 Давр.
16.15 Ёшлик наволари.
16.30 «Сеҳрли тош». Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 «Селестин». Мультсериал.
17.20 У ким? Бу нима?
17.35 Болалар табассуми.
17.40 Истиқбол тимсоллари.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги олдидан: «Қомусим — номусим!»
17.55 Тафаккур нури.
18.00 «Саломея». Сериал.
18.30 «Камолот» қурултойи олдидан.
18.35 Дилрабо.
18.45 Давр-репортаж.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Сериал.
20.10 JOKER телелотореяси.
20.15 CINEMANIYA.
20.45 ТВ-дорихона.
20.55 Эълонлар.
21.10 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 Дилрабо.
22.45 «Саломея». Сериал.
23.20 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.30 «Дилкаш наволар».
10.00 «Саломат бўлинг».
10.10 «ММ-шоу».
10.50 «Нақшлар жилоси».
11.20 «Репортаж».
11.40 «Қалтис йўл».
12.05, 20.20 «Эрудит».
12.20 «Қутлуғ қадам».
18.10 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Гвадалупе». Телесериал.
19.45 «ИИВ хабарлари».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.35 «Камин олдида суҳбат».
21.05 «Интервью».
21.15 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Истеъдод».
22.50 «Чарли ҳақида ҳақиқат».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
9.00 Мультфильм.
10.10 «Смак».
10.30 «Фазенда».
11.05 «Иқтидор». Интеллектуал шоу дастури.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 Мультфильм.
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Военное дело».
19.10 «Файзли ошхона».
19.35 «Тақдир чизгилари».
20.00 «Вести».
20.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд». Шоу дастури.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Мусиқий марафон».
22.30 «Катта пойга».
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

26 НОЯБРЬ, ЯКШАНБА

УЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
9.25 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили». «Саломатлик сирлари».
9.45 «Оила ришталари». Телесериал.
10.20 «Меҳр кўзда».
11.00 «Ҳажвия бисотидан».
11.20 «Ҳамон ёдимда».
12.05 «Сизга мактуб».
Бадиий фильм. 1-қисм.
13.05 ТВ-анонс.
13.10 «Сизга мактуб».
Бадиий фильм. 2-қисм.
14.10 «Янги оҳанглар».
Саврвара Одилова.
14.40 «Ҳаёт давом этади».
15.00 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
15.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
«Болалар сайёраси»:
15.55 «Олтин тож». Телеўйин.
16.30 «Одами эрсанг...»
16.50 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
17.20 «Оҳанглар оғушида».
17.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
18.35 «Интеллектуал ринг».
19.20 «Дунё иқлими».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «50x50». Ток-шоу.
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Кўҳна оҳанглар». Гулзода Ҳудойназарова.
22.10 «Вир ва Зара». Бадиий фильм. 2-қисм (Ҳиндистон).
23.45 Тунги наволар.

ЁШЛАР

5.55 Дастур очилиши.
6.00 Ҳинд киноси: «Севишганлар».
9.20 Оҳанрабо.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 «Болалар — болалар учун!»
12.20 «Камолот» хабарлари.
12.30 «YOSHLAR»ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.
14.00 Жаҳон киноси: «Ғаройиб энага».
15.30 Қадр.
15.35 Ёшлик наволари.
15.45 Ринг қироллари.
16.35 Интерфутбол.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 «Камолот» қурултойи олдидан.
18.35 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 Эълонлар.
19.35 Қилни қирқ ёриб.
20.20 Ватаним!
20.25 «Ортиқ»ча клиникаси.
20.55 Оқшом қўнғироқлари.
21.00 «Дилроз». Алишер Рўзиметов.
21.25 Эълонлар.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 Жаҳон киноси: «Тумор».
23.45 Тафаккур нури.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 15.50 «Телекурьер-маркет».
9.30 «ИИВ хабарлари».
9.50 «Интервью».
10.00 «Энг жозибали ва латофатли».
11.20 «Истеъдод».
12.15 «Камин олдида суҳбат».
12.45 «Чарли ҳақида ҳақиқат».
14.20, 20.25 «Эрудит».
14.35 Мультфильм.
16.10 «Жозиба».
16.35 «Мушкетёр».
18.15 «Санъат гулшани».
18.35 «Мулоҳаза учун мавзу».
19.30 «Дилкаш наволар».
19.55 «Нима учун?»
20.45 «Туризм ҳақида».
21.15 «Африка армонлари».
23.05 «Хайрли тун, шаҳрим».

СПОРТ

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.15 «Қувноқ стартлар».
9.55 «Рақибингиз гроссмейстер».
10.15 «Табассум».
10.25 «Файзли ошхона».
10.55 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
11.10 «Ҳамма уйдалигида».
12.00 «Аптека эшитади».
12.45 «Проф-РИНГ».
18.00 Мультфильм.
18.10 «Халқ ўйинлари».
18.30 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Келин-куёв». Шоу дастури.
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Тенгдош».
22.20 «Юлдузлар муз устида».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Астрологический прогноз

ОВЕН — На этой неделе возможно

МАЪРИФАТ ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиш билан бирга маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳасини ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган, юксак ақл-заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келди. Шу йиллар мобайнида юртимида дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилган таълим-тарбия тизимининг янги уч босқичли модели яратилиб, амалиётга татбиқ қилинди, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ва замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган 45 та академик лицей ва коллежлар барпо этилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ўрта таълим соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, аввало, мактабларни таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуна, компьютер техникаси ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда кўплаб янги ўқув масканларини қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун давлат харажатларининг каттагина қисми шу соҳага йўналтирилаётгани ҳам, унинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия тизими ривожига катта эътибор кўрсатилаётганидан далолатдир.

Буларнинг барчаси – юртимизда фарзандларимизнинг ақл-салоҳияти, қобилияти ва иқтидорини рўёбга чиқариш, уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб-эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини қондиришга қаратилган.

Хўш, унда даставвал оилада, кейин эса ўқув даргоҳида таълим-тарбия олган, шу юртнинг нон-тузини еб улғайган айрим ёшларнинг ғайриинсоний хатти-ҳаракатларини, Ватани ва халқига хиёнат йўлига кираётгани, азалий қадриятларимиз, муқаддас динимизни оёқости қилиб, ўз юртига, ватандошларига азият етказаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Бу муаммонинг илдизи қаерда ўзи? Биз бу кенг қамровли, мураккаб масаланинг фақат биргина жиҳати: глобаллашув жараёнининг ёшлар тарбиясига салбий таъсири хусусида фикр юритмоқчимиз.

Бу жараён ҳақида сўз кетганда, кўпинча турли мамлакатларнинг иқтисодий, илмий-техникавий, сиёсий интеграциялашуви, бу жараённинг ижобий ва салбий жиҳатларига эътибор қаратилади. Лекин нима сабабдандир унинг маданий-маънавий соҳа ривожига таъсири, умуминсоний ҳамда миллий урф-одат ва анъаналарнинг, хусусан, оилавий қадриятларнинг ўзаро муносабати масаласига етарли эътибор берилмайди. Ваҳоланки, айрим тараққий этган давлатлар сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали ўз турмуш тарзи, дунёқараши ва қадриятларини тарғиб этишга интилаётгани, бу ҳол бошқа халқларнинг миллий урф-одат ва анъаналарига путур етказаётгани, асрлар давомида шаклланиб, тажрибада синалган тарбия усулларининг фақат ғарбона андозалар билан баҳоланаётгани кўзга ташланмоқда. Кейинги вақтда бутун дунё Ғарб раҳнамолигида бирлашуви, келгусида ягона ҳукумати бўлган битта давлат ташкил топиши, пулга сиғиниш ва индивидуализм фалсафасини тарғиб этаётган қарашлар тизими вужудга келаётирки, улар дунё қиёфасини қай тарзда ўзгартириб юбориши мумкинлигини ҳеч ким башорат қила олмайди. Шунга қарамай, бундай қарашлар барча воситалар ёрдамида, хусусан, оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ҳатто Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кинофильм ҳамда видеофильмлар орқали зўр бериб тарғиб этилмоқда. Лекин бундай қарашлар миллий тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизга қанчалик мос келади? Биз глобал интеграцияга эришиш учун ўзига хослигимиз анъана ва қадриятларимиздан воз кечишимиз керакми? Унда мустақиллигимиз, миллий ўзлигимиз ва халқимиз тақдири нима бўлади? Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ана шу масалалар хусусида фикр юритиб, бундай деган эди: «... сир эмас, баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади» (Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» 1998 йил, 2-сон, 6-бет).

Чиндан ҳам биз ўта мураккаб, зиддиятларга тўла ахборот асрида яшаяпмиз. Бугун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Албатта, унинг кишилар дунёқараши, билими ва савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, худди шу тизим орқали оддий ахлоқий меъёрларга зид порносайтлар ўрин олгани, ушбу замонавий ахборот технологияси маҳсулидан трансмиллий жинояткорона гуруҳлар, террорист ва ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганини кўздан қочириб бўладими? Ёки Ўзбекистон телевидениесининг айрим каналлари орқали ғарб компаниялари маҳсулотлари узлуксиз тарғиб этилаётгани қандай мақсадларни кўзлайди? Тўғри, бугун юртимизда бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳаётимизнинг барча соҳаларига жорий этишга ҳаракат қилиняпти. Шундай экан, ҳар қандай ташкилот фаолияти бозор механизмлари асосида ташкил этиши хусусан, турли маҳсулотлар рекламаси орқали маблағ топиши айб эмас. Аммо асосан хорижий компаниялар маҳсулоти тарғиб этиладиган бўлса, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ким қўллаб-қувватлайди?

> ЁШЛАРИМИЗ ЭРКИН ВА МУСТАҚИЛ ФИКР ЮРИТАДИГАН, ИЙМОН-ЭЪТИҚОДЛИ, АҚЛ-ЗАКОВАТЛИ, ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ, БИЛИМЛИ ВА ДОНО БЎЛИШИ, ЎЗ ЮРТИНИНГ ТАРИХИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ВА БУЮК АЖДОДЛАРИ ҚОЛДИРГАН БЕБАҲО ИЛМИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ОНГИ ВА ҚАЛБИГА ЖО ЭТМОҒИ ДАРКОР.

Қолаверса, бугун нафақат шаҳарда, балки қишлоқ жойларда ҳам кабел телевидениеси ёки махсус антенналар воситасида Россия ва бошқа мамлакатлар телевидениесида шарқона ахлоқ-одобга зид фильмлар, бепарда кўрсатувларни кўраётган ёшларимизда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғулари шаклланиши, уларнинг илм-маърифатга рағбати ошиши мумкинми? Аксинча, бундай ахборот хуружи юртимиз, миллатимиз ва қадриятларимизга қаратилган ғоявий-мафкуравий терроризм дея баҳоланмоғи лозим.

Бир тасаввур қилиб кўринг. Ғарб оммавий маданияти, баъзан инсонининг туban илатларини жунбушга келтирадиган поп ва рок-мусиқага маҳлиё бўлган айрим ёш йигит-қизларимиз халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдоналари, дунёда қиёси йўқ мумтоз қўшиқ санъатимиз, лапар ва айтишувлар, бетакрор мусиқавий оҳангларимизни тинглармикан? Бугун ёшларимиз Ғарб эстрадасининг «юлдуз»ларигина эмас, ҳатто «юлдузча»ларининг ҳам исм-шарифи, ҳаётий кечинмаларини беш қўлдай билади, аммо «Шашмақом»дан биргина куйнинг номини сўрангиз ёхуд Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий каби улуғ аждодларимиз жаҳон илм-фан ва маданияти ривожига қандай ҳисса қўшганини билмоқчи бўлсангиз, ер чизиб тураверади. Афсуски, маданий ҳаётдаги айрим ноқисликлар, хусусан, театрларимизда қўйилаётган спектакллар савиясининг талаб даражасида эмаслиги, миллий эстрадамизда ғарбона андозаларга тақлиднинг кучайиб бораётгани, газета дўконларини кўплаб олди-қочди нашрлар босиб кетаётгани ҳам ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади деб бўлмайди.

Хўш, бундай вазиятда ёшларимиз онгига Ватанга садоқат, аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросга юксак ҳурмат туйғуларини шакллантириш, бор куч ва салоҳиятини мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига тўлиқ сафарбар этиш учун нималар қилиш лозим?

Биринчидан. Таълим-тарбия тизимида ўқитишнинг янги, изчил ва самарали услублари жорий этилиши даркор. Сирасини айтганда, мактаб, лицей ёки коллеж учун янги бино қуриш, уни замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш мумкин, аммо ўқитишда сифат ўзгаришларига эришмасдан, юксак малакали, касбини жони дили билан севган фидойи муаллимларни тайёрламасдан, кўзланган мақсадларга эришиш қийин. Бизнингча, педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиши ана шу мақсадга йўналтирилиши лозим.

Иккинчидан, фарзандлар таълим-тарбияси борасида фақат ўқув юртининг эмас, ота-она, маҳалла-кўй ва кенг жамоатчилик масъулияти ҳам оширилиши шарт. Айрим ёшларимизнинг ақидапарастлар таъсирига берилаётгани, гиёҳвандлик ва жиноятчилик йўлига кириб қолаётгани таълим-тарбия жараёнида жиддий нуқсонлар мавжудлиги, ўқув юрти, ота-она, кенг жамоатчилик, сайловлар пайтидагина жонланиб қоладиган сиёсий партиялар, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган ташкилотлар фаолиятидаги номувофиқликдан, улар ўртасида изчил ва самарали ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганидан дарак беради. Бизнингча, тадбирбозлик ва ваъзхонлик амалиётидан воз кечиб, мамлакат миқёсида миллий истиқлол ғояси концепциясига таянган ҳолда ҳамда ёшлар таълим-тарбиясига алоқадор ташкилот ва муассасалар фаолиятини уйғунлаштиришни назарда тутган умуммиллий ҳаракат дастурининг яратилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши юқорида тилга олинган муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашган бўлур эди.

Учинчидан, биз ахборот асри, мафкуравий тўқнашувлар кучайган, Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсири» доимий равишда сезилиб турган даврда яшаётган эканмиз, аввало, ёшлар онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун уларда ташқи ғоявий таъсир ва хуружлардан ҳимоя қиладиган мустаҳкам иммунитет шакллантирилиши лозим. Бунинг учун эса ёшларимиз эркин ва мустақил фикр юритадиган, иймон-эътиқодли, ақл-заковатли, иродаси мустаҳкам, билимли ва доно бўлиши, ўз юртининг тарихи, миллий қадриятлари ва буюк аждодлари қолдирган бебаҳо илмий ва маънавий меросни онги ва қалбига жо этмоғи даркор. Бу ўринда тараққийпарвар инсоният эришган жамики ютуқлар, миллатимиз ривожига хизмат этадиган умуминсоний қадриятлар ва демократия тамойилларини инкор этишдан йироқмиз. Биз фақат асрлар оша сайқал топиб келган миллий урф-одат ва анъаналаримиз умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашуви лозимлигини таъкидламоқчимиз, холос. Аниқроқ айтганда, демократия тамойиллари миллий қадриятларимиздан воз кечишга эмас, аксинча, уларнинг янада такомиллашуви ва гуллаб-яшнашига хизмат қилмоғи даркор. Шунингдек, халқимизнинг неча асрлик маънавий-маърифий мероси, урф-одат ва анъаналарини тарғиб этибгина қолмай, бошқа миллату элатлар қадриятлари ва оилавий анъаналарини ўрганиш, ўзга халқлар таълим-тарбия тизимида юз бераётган ижобий ва салбий ўзгаришларни таҳлил этиш ҳам юртимизда оила институтининг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш, ёшларимизни зийрак, ақлфаросатли, доно, илм-маърифатли, Ватанимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашига фидокорона хизмат қиладиган этиб тарбиялашга замин яратган бўлур эди.

Баҳодир ЗОКИР.

ЭЛ ҲОМИЙСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳақда унинг ўзи «Вақфия» асарида ёзади: «...мен ҳақири нотавон дағи ақл гириҳкушойлиғи ва тавфиқ раҳнамойлиғи билан (яъни ақлнинг йўл кўрсатиши ва мақсаднинг мувофиқ келиши билан) ул ҳазратнинг (яъни Ҳусайн Бойқаронинг) қуллиғида неча навъ хизматким, дунё суди андин пайдо ва охират беҳбуди андин ҳувайдо бўлғай, ўзумга лозим тутгум ва неча навъ ишким, халойиқ дуосиға боис ва халойиқ ризосиға сабаб бўла олғай, қошимда муқаррар қилдим. Ва тенгри иноният-идин ул ишлар муяссар бўлди...»

«Вақфия» асарини ўқиб чиққан киши Навоийнинг ана шу халойиқ дуосига ва холиқ ризосига сабаб бўлган хайрли ишлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Биз эса бу ўринда улуғ Амирнинг ушбу соҳадаги фаолияти ҳақида унинг замондоши Хондамир берган маълумотларни келтиришни маъқул топдик.

Хондамир ўзининг Навоий ҳаёти ва фаолияти ҳақида яратган асари «Макорим ул-ахлоқ» («Гўзал хулқлар») асарида ёзади: «...бу каромат эгаси Амир (яъни Навоий) мансабдорлик кунларида фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги ғариб ва мусофирларнинг фароғати учун Хуросон атрофларида кўп миқдорда хонақоҳ, работ (карвонсарой, мусофирхона – Ю.Т.), ҳовуз, ҳаммомлар қурган».

Хондамирнинг санаб кўрсатишича, Навоийнинг раҳбарлиги ва ҳомийлигида ўн икки хонақоҳ, эллик уч работ, йигирма ҳовуз, ўн олти кўприк ва ўнга яқин ҳаммом бунёд этилган.

«Ҳар вақт, – деб ёзади Хондамир, – Амир Алишернинг шарафли суҳбатига етишган азизлар муҳтож кишилар номини арз қилар, ул ҳазрат ҳам аҳволига қараб инъомлари емишлари билан шундай кишиларни баҳраманд қиларди.

Шу билан бирга, отда кетаётган пайтда бирор муҳтож кишига кўзлари тушганда, унга эҳсон қилиш мумкин бўлсин учун, ҳар вақт катта миқдордаги маблағни ёнларида юрадиган ишончли мўлозимларидан бирига бериб қўярди».

Навоийнинг шаҳзодалардан бирига йўллаган мактуби унинг ана шундай инсонпарварлик билан йўғрилган фаолиятидан бир лавҳани намоён этади. Мактуб мазмунидан маълум бўлишича, Навоий одатдагидек ҳукумат ишлари тақозоси билан тобеъ вилоятлардан бирига борган ва у ерда ҳокимлик қилаётган шаҳзода ҳамда унинг қўл остидаги амалдорлардан иймон ва диёнат кўтарилганлигининг ва бунинг оқибатида номақбул ишлар содир этилаётганлигининг гувоҳи бўлган. Қайтаётиб эса, Панждеҳ деган жойда шаҳзода навкарлари фуқарога жабр етказаётганлигининг устидан чиқади. Шундай кейин у ҳукмдорга мактуб ёзиб, уни ҳушига келтиришга қарор қилади.

«...салотинға (султонларга – Ю.Т.) ваъда будурким, ҳақ субҳонаҳу ва таоло адлдин сўрғусидир. Бас, подшоҳға вожибдур барча халойиқдин воқиф бўлмоққим, алардин бир фақирга зулм ўтмагайким, тенгри таоло подшоҳдин сўрғусидир ва бу бобда ҳадиси саҳиҳ бор. Банда қуллуқдин ёниб Панждеҳға келганда бир киши бу фақирға додхоҳлик қилдиким (у ердан қайтаётиб Панждеҳға келганимда бир киши менга арз қилдики), Мирзо навкарлари усрук ани ўқлаб эрдилар (шаҳзода навкарлари мастлик билан уни жароҳатлаганлар) ва хотунин чопиб эрдилар. Фақир (мен) аларга таскин бериб, жузъий (оз-моз) жарима бериб ўттум. Чоғир ичмак авом орасида шойиъ бўлса бу нав ишлар ажаб эрмас (Омма орасида шароб ичиш тарқалган экан бу каби ишларнинг юз беришига ажабланмаса ҳам бўлади)...»

Навоий ҳукмдорларга, хусусан тобеъ вилоятларнинг ҳокимлари бўлмиш шаҳзодаларга адолат ва ҳушёрлик билан иш кўришни қайта-қайта маслаҳат бериб келган. Айниқса, унинг Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич фарзанди Бадиуззамонга ёзган хатлари орқали берган насиҳатлари диққатга сазовордир.

«Аммо бировниким, – ёзади Навоий, – тенгри таоло бир сурук бандалари устига ҳоким қилди – анга ҳеч амр итоати адлча бўлмас (у ҳукмдорга ҳеч бир яхши ишга амал қилиш адолат билан иш юритишчалик бўлмайди) ва ҳеч наҳйдин ижтиноб (тақиқланган нарсадан ўзини тортиш) чоғир таркича (ичкиликдан воз кечишчалик) бўлмас... Ва чоғирни «умм-ул-ҳабоис (ярамасликлар онаси) дебдурлар. Борча яхшилик ва ямонлик бу икки нима зимнида мундариждур (яхши ишлар ҳам, ёмон ишлар ҳам ана шу икки нарса – адолат ва ичкиликка муносабатнинг қандайлигига боғлиқ). Ва илтимос улким, агар муяссар бўлур куллий (агар имкони бўлса – буткул) ва агар муяссар бўлмаса, улча миқдордур (имкон қадар), бу ишда кўшиш (ҳаракат) қилғайсиз».

> «ЮЗ ЖАФО ҚИЛСА МАНГА,
> БИР ҚАТЛА ФАРЁД АЙЛАМОН,
> ЭЛГА ҚИЛСА БИР ЖАФО,
> ЮЗ ҚАТЛА ФАРЁД АЙЛАРАМ»

Ҳазрат ўгитларини мактуб сўнгида рубоий орқали яна бир бор таъкидлайди:

Ҳақ амрию наҳйини кетур яхши бажо,
Ўткарма қадам шаръ набийдин қатъо.
Шоҳ хизматини тузлик ила айлагил адо,
То икки жаҳонда бўлғайсен комраво.

Навоий Астроободдалик чоғида ана шу мазмундаги маслаҳатларини шоҳ ва шаҳзодаларга йўллашни канда қилмаган. «Ҳеч вақт, – деб ёзади ўша ердан жўнатган хатларидан бирида, – кўнгулни тенгри таоло ёдидин ғофил ва мусулмонлар додидин отил (четда) қилманг. Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жойиз эрмас. Ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас».

Оқил давлат арбобининг ана шундай куюнчаклик билан баён этган сўзлари тўғри эканлиги кўп ўтмай мамлакатда ўз тасдиқини топди – Ҳусайн Бойқаронинг ичкиликка андармон бўлганлиги ва душманлар макридан бепарволиги оқибатида суюкли набираси Мўъмин Мирзонинг ёш умри завол топди.

Демак, Навоий адолатни биринчи навбатда иймон-эътиқод ила яшанда, ёмонликлардан, шариатан манъ этилган ишлардан йироқ туришда, деб биладики, унинг қанчалик ҳақ эканлигини қадим тарих, бугунги алғов-далғов дунёда рўй бераётган воқеалар мисолида аниқ кўришимиз мумкин. Қолаверса, гап адолат туйғусини қандай англашда ҳам эмас, балки у қай йўсинда қарор топар экан, бундан энг аввало, оддий фуқаролар, аҳолининг муҳтож қатлами манфаатдор эканлигини кўра билишдадир. Буюк шоир асарларида зикр этилган

«Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам»

каби шоҳсатрларни, халқ, юрт қайғусини ана шу маънода тушунмоқ керак.

Юсуф ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

МИЛЛАТИМ ИШОНЧИ, ФАХРУ ҒУРУРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг муҳими, 1992 йил 14 январь куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли Кучларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида ҳукуматимиз қабул қилган қарор бошланган улкан ишни мантиқан якунига етказди. Мазкур тарихий қарорга асосан мамлакат ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар, ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди.

Булар ўз навбатида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги тарихий қонуннинг 6-моддасига мувофиқ халқаро ҳуқуқ субъекти сифати ўз Қуролли Кучларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлгани ва бу ҳуқуқни изчиллик билан амалга ошираётганини англатар эди.

Ўтган кунлар миллий армиямизнинг шаклланиш тарихида ўчмас саҳифалар билан муҳрланиши табиийдир. Мустақил юртнинг эндигина шаклланиш йўлида турган Қуролли Кучлари олдида ҳали бажарилиши лозим бўлган улкан вазифалар турар эди.

Ҳа, дастлабки йиллар армиямиз халқнинг қўллаб-қувватлашига ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезарди. Одамлар собиқ шўро армиясида, тизгинсиз катта армияда юз берган бебошликлар, даҳшатлар асоратидан ҳали қутулганлари йўқ эди. Чунки тинчлик даврида бир йилнинг ўзида беш юзга яқин йигитнинг нобуд бўлиши биргина республика учун даҳшатли йўқотиш эди. Бунинг оғриқли асорати одамлар онгида эндигина шаклланаётган миллий армиямизга нисбатан бироз ишончсизлик билан қараш кайфиятини юзага келтирди. Аммо олиб борилган улкан маънавий-маърифий ишлар натижасида қўлга киритганимиз улуғ истиқлолнинг нақадар узоқ кутилган тотли неъмат эканлигини халқимиз тез орада англаб етди. Олиб борилган улкан ишларда мамлакатимиз раҳбарининг қуйидаги даъвати ўз аксини топган: **«...халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлмиш армиямиз ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат борасида ҳеч кимдан кам бўлмаслиги лозим».**

Ғоят қисқа фурсатда оқилона изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ стратегик ва тактик вазифаларни бугунги кун талаблари даражасида ҳал қила оладиган, мамлакатимиз ва бутун минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай хатар ва хуружларни бартараф этишга қодир бўлган ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий Қуролли Кучлар шаклланди. Ҳарбий хизмат нуфузи салмоқли даражада ошди. Фарзандларини армия сафларига кузатаётган ота-оналар кўнгли хотиржам. Нафақат кўнгиллари хотиржам, балки ғурур ва ифтихор ҳислари билан лиммо-лим. Айни кунларда профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш мамлакатимизнинг танланган ёшлари учун шараф ишига айланди. Минг-минглаб ёшларимиз ҳаётларини армия билан боғлашга астойдил интилмоқдалар.

Ҳеч кимга сир эмас, кейинги вақтларда мамлакатимиздаги тинч ривожланиш йўлини кўра олмайдиган, юртимиздаги барқарор вазиятни бузишга интилувчи ташқи кучлар томонидан ўз стратегик мақсадларига жавоб берадиган тараққиёт моделини зўравонлик билан жорий этишга уринишлар бўлди. Демократия ниқоби остидаги ташқи ёвуз кучлар ўз манфаатлари йўлида бир дам бўлсин таҳдидли ҳаракатларини тўхтатган эмас. Улар бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Ҳозирги замон курашининг энг синалган воситаси ахборотлар хуружидан фойдаланмоқдалар. Аммо мамлакатимиз ва халқимиз танлаган тараққиёт йўлини ҳеч қандай куч ўзгартириб юборишга қодир эмас.

Минтақамиздаги жиддий сиёсий вазият барчани огоҳликка даъват этиш билан бир қаторда Қуролли Кучларимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш муҳим ва долзарблигини кўрсатмоқда.

Қуролли Кучларни қайта ташкил қилиш ва ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган Давлат дастури ҳам Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг чуқур таҳлилига, хавфсизлигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган мавжуд хатарларни ҳисобга олишга, мамлакат мудофаа қобилиятини кучайтиришга қаратилган истиқболли чоратадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Армиянинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлар ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уларнинг маънавий тарбиясига улкан аҳамият қаратилади. Юксак ақл-заковатли, интеллектуал салоҳиятли, садоқатли, онгу тафаккурига миллий истиқлол ғояси тамойиллари сингдирилган Ватан ҳимоячиларини етишга қодир куч йўқдир. Айни кунларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ана шундай юксак вазифани амалга оширишга қаратилган.

Бугунги миллий Қуролли Кучларимизга халқимизнинг ҳурмати, ишончи баланд. Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик машқларида миллатдошларимиз, юртимизнинг шерюрак фарзандлари бир неча бор ўзларининг ҳеч кимдан кам бўлмаган, аждодларига муносиб алп ўғлонлар эканликларини намойиш қилдилар. Профессионал миллий армиямиз ҳақида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қуйидаги баҳосидан юксакроқ эътироф йўқдир: **«Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади».**

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.



«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»

ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК

Ўзингизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан 2006 йилнинг 10 ноябридан 10 декабригача мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу ўта муҳим тадбирда Мудофаа вазирлиги Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими ходимлари, жойлардаги ёнғин хавфсизлиги хизмати нозирлари фаол иштирок этмоқдалар. Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи асосида қиш мавсуми олдидан барча ҳарбий қисм ва муассасаларда хавфсизлик чораларини янада кучайтириш, шахсий таркиб билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказиш, бирламчи ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилаяпти.

Ойлик давомида амалга оширилиши мўлжалланган кенгқамровли ишларнинг ўз вақтида, кўнгилдагидек ижро этилиши албатта ҳарбий қисм ва муассасалар командирлари, ички текширув комиссиялари, ҳар бир хизматчининг шахсий масъулиятига, ташкилотчилик фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ эканлигини асло эсимиздан чиқармаслигимиз лозим. Қолаверса, халқ, давлат мулки бўлмиш ҳарбий иншоотларни, биноларни, сафдошларимиз, оила аъзоларимиз хавфсизлигини таъминлаш бизнинг кундалик ишимиз ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳарбий қисм ва муассасаларда, хонадонларда ёнғин чиқишининг олдини олиш бўйича қуйидаги тавсияларга риоя этишингизни маслаҳат берамиз.

– Электр тармоғига уланган дазмол, иситиш асбоб ва ускуналарини ишлатишда белгиланган қоидаларга риоя қилинг;

– Агар электр улагич симлари эскирган, розетка ва патронлар носоз ҳолатда бўлса, тезда электромонтёрни чақириб, бу камчиликларни бартараф қилинг;

– кимёвий воситалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлинг. Улар тез ёнувчан ва портловчи моддалар ҳисобланади;

– газ плитаси устида кир қуритиш ва унинг яқинида тез ёнувчи ёнилғиларни сақлаш ёнғинга олиб келади;

– газ ҳидини сезиб қолсангиз тезда дераза дарчаларини ҳамда эшикни очиб хонани шамоллатинг, асло очиқ алангадан фойдаланманг. Бу портлашга олиб келади. Газ асбобларини созлашни дуч келган шахсларга ва болаларга ишониб топширманг;

– биноларнинг мўрилари атрофида тез ёнувчан буюмларни сақлаш тақиқланади;

– телевизор, радио ва бошқа электр анжомларни назоратсиз қолдирманг;

– уйда ёш болаларни ёлғиз қолдирманг ва гугурт билан ўйнашига йўл қўйманг;

– хоналарда ҳамда тўшакларда ётган ҳолда сигарет чекманг;



– қўлбола электр иситиш ускуналаридан фойдаланманг. Бу ҳаётингиз учун жуда хавфли.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш орқали сиз ёнғин келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингизни ва атрофингиздаги кишилар ҳаётини сақлаган, муҳофаза этган бўласиз.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этинг!

Полковник Жўра ҲАМРОЕВ,
Мудофаа Вазирлиги Ёнғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими бошлиғи.

Шахсий фикр

ЕТУКЛИККА ИНТИЛИБ

Теварак-атрофингизга бир назар солинг. Кўпинча ёшларимиз ўз қобилиятларини ортиқча баҳолаб, олдиларига эришиб бўлмайдиган мақсадларни қўйиб оладилар. Натижада охирини ўйламай қилинган ишлардан пушаймон бўлишлик ҳолатлари юзага келади. Психологик етук шахс эса аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ҳамда усулларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича назорат қила билишлиги, яъни ички интизоминнинг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Тан олиш керак, бу тоифа ёшларимиз ҳам кўп. Уларнинг оқилона хатти-ҳаракатлари нафақат оиласига, балки жамиятга ҳам ҳаловат бағишлайди. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан эркин ва мантиқли муносабатда бўла олиш – шахс психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир.

Ёшлар оила қураётганларида бу хусусиятлар ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади. Албатта, бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Балки тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади. Бундай етуклик шахс хулқини турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқаларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири – шахсда оилавий муаммоларни адолатли ҳал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил ва холис фикри, қараши, позициясининг бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида ҳимоя қила олишида ҳам акс этади. Шунинг учун ёшларимизнинг психологик етуклигини ошириш йўлида ҳам бош қотиришимиз керак, деб ўйлайман.

Бугун аскар бўлишга интилаётган ёш ва навқирон йигитларимизда ана шундай фазилатлар шаклланса гина, улар эртанги кунимизнинг ишончли таянчлари бўлиб етишишлари аниқ. Ватанпарварлик туйғуси инсонда шаклланиши учун бу муҳим. Шу боис аскарликка шайланган йигитларнинг нафақат жисмоний бақувватлигини, балки интеллектуал салоҳияти юксаклиги ва психологик етуклигини ошириш ўта муҳимлигини таъкидлаш лозим.

Аъложон ҚЎЧҚОРОВ.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўз нутқида: «бугун эркин, барқарор ва фаровон ҳаёт кечиришни истар эканмиз, бунинг энг муҳим, энг зарур гарови – юртимиз хавфсизлигини, чегараларимизнинг дахлсизлигини, кўп миллатли Ўзбекистон фуқароларининг тотувлигини сақлаш, мустаҳкамлашдир» дея гапирган эдилар. Дарҳақиқат, бугунги вазият барчамизни огоҳ ва ҳушёр бўлишга, фавқулодда турли вазиятларнинг содир бўлишининг олдини олишга чорлайди. Бу эса фавқулодда вазиятлар бошқармаларига жуда катта масъулият юклайди. Бу борада Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг ҳам салмоқли ўрни борлиги диққатга сазовор. Биз мазкур бошқарма бошлиғи полковник Эргаш Икромов билан ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик:

– Эргаш Жумабоевич, Тошкент шаҳар ҳудудида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилишидан мақсад нимадан иборат?

– Шаҳар ҳудудида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларининг амалга оширилиши Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат ҳудудий қуйи тизими ваколатига киритилганлигини инобатга олган ҳолда тизим фаолиятининг асосий вазифаларидан бири шаҳар аҳолисини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкин бўлганда ёки юзага келганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишдан иборат.

– Машғулотлар қандай кўрсатмалар асосида ўтказилади?

– Машғулотларимизни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2005 йил 29 декабрдаги буйруғи, Фавқулодда вазиятлар Вазирининг 2005 йил 31 декабрдаги буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2006 йил учун Ташкилий кўрсатмасидаги талабларга асосланиб амалга оширилади.

– Бошқарманинг фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш бўйича асосий вазифалари хусусида ҳам сўзласангиз.

– Аввало аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш борасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ҳар бир олий ўқув юртлари , коллежлар, лицейлар, умумтаълим мактабларида Фуқаро муҳофазаси бўйича ўтказилаётган машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Фуқаро муҳофазаси ўқув синфлари ташкил этиш, Фуқаро муҳофазаси дарсликлари ва плакатлари билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек, кимёвий, ёнғин-портлаш хавфи мавжуд объектларда аҳолини кенг жалб қилган ҳолда ўқув машқлари ўтказиш, аҳоли ва ҳудудларни қўпорувчилик-террорчилик хуружларида тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш борасидаги моддий ўқув базани такомиллаштириш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини амалда бажарилишини назорат қилишдир.

– Мудҳиш террористик хуруж содир этилганда, зудлик билан террорчиликка барҳам бериш машқларининг ҳам ўтказилиши замон тақозосидир.

Дарҳақиқат, бошқармамизда бу борада ҳам бир қанча амалий ишларни амалга оширдик. Ҳар хил махсус-тактик машғулотларини олиб бордик. Масалан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчисига Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Халқлар Дўстлиги» ва «Миллий боғ» метро бекатида «шартли» электро поезд вагонининг портлаши натижасида ёнғин содир бўлганлиги ҳамда «Тошкент метрополитени» бошқармасида «шартли» террористик хуруж содир этилганлиги тўғрисида «Тошкент метрополитени» бошқармасининг навбатчисидан «хабар» берилгач, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти бошчилигида бошқарманинг 4 нафар ҳарбий хизматчилари, 2 нафар хизматчилар ва «Қутқарув хизмати»нинг 12 нафар қутқарувчилари махсус жиҳозланган автоуловларда режа асосида кўрсатилган жойга зудлик билан етиб боришди. Тошкент шаҳар Миллий хавфсизлик хизмати, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Шайхонтоҳур туман Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган махсус-тактик машғулотнинг биринчи босқичида Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси томонидан вагондаги ёнғин бартараф этилди. «Қутқарув хизмати» қутқарувчилари томонидан портлаш содир бўлган электропоезд вагонларидан 6 нафар «шартли» жароҳат олганларни булардан, 5 нафар жасадлар тиббий экспертиза кўригига, 1 нафари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига ётқизилди.

Махсус-тактик машғулотнинг иккинчи босқичида «Метрополитен» бошқармаси ҳудудида террористлар томонидан гаровга олинганларни озод қилиш» мавзусида ўқув сигнали олинди. Олинган сигнал бўйича гаровга олинганлар озод этилди ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Радиацион Кимёвий Биологик (бактериологик) Муҳофаза разведка гуруҳи томонидан ҳудуд ва бино радиацион, кимёвий, биологик ва бактериологик моддалар бор ёки йўқлиги бўйича текширув ўтказилди.

– Ўқув машқларида айниқса, хавфсизлик чораларини ташкил қилиш ва таъминлаш учун раҳбарнинг масъулияти нимадан иборат?

– Бунда маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, ўтказилиши керак бўлган ўқув машқида хавфсизлик чоралари бўйича йўриқнома ишлаб чиқилиб, барча шахсий таркиб томонидан унинг ўрганилишини ташкил этиши шарт. Тошкент шаҳар Фуқаро муҳофазаси хизматларининг бошлиқлари хавфли жойларда ёнғинлар, вайроналар, ҳаёт маромини таъминловчи тармоқлардаги «ҳалокат»ларни белгилаши, бу ҳудудларни қуршаб қўйиши керак. Ўқув машқида қатнашаётган Фуқаро муҳофазаси хизматлари тузилмалари эса йўриқномани ўрганиб, техника ва транспорт воситаларини соз ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилишлари шарт.

Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни
Хусниҳон ТОЖИБОЕВА
олиб борди.

В РАССУЖДЕНИЯХ О ВОЙНЕ И МИРЕ «У КАЖДОГО СВОЙ УРОВЕНЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО НАПРЯЖЕНИЯ»

ИДЕОЛОГИЯ ТЕРРОРИЗМА

Ощутимый дух глобальной агрессии джихадистов, основанный на пропагандируемой обязанности «полюбить сражение и не искать мира», имеет свои особенности. По мнению зарубежных экспертов, «джихадисты не единодушны в квалификации основных препятствий и форм их преодоления на пути к созданию глобального исламистского мироустройства».

Одни из них видят основное зло в появлении секуляризованных мусульманских государств, таких, как Турция, Египет и Пакистан, и государств Центральной Азии, чьи светские лидеры стремятся к интеграции с другими не исламскими культурами и политическими системами.

Другие считают, что стратегически важно ослабить физически и морально именно США и Западную Европу, для снижения или исключения их поддержки светской власти в странах исламского мира.

Но даже при этих расхождениях во взглядах джихадисты едины в промежуточной цели – провозглашение в любой из стран исламского мира плацдарма, консолидирующего жаждущих достижения мирового господства пропагандируемой ими жесткой трактовки ислама. Их главный аргумент – Мухаммед был последним из пророков, соответственно и переданные через него божественные откровения окончательны в своей истинности. Следовательно, и не проецируемы на современные реалии развития исламской религии. Только безоговорочная вера в доктрину единовластия и подчинения им. И гибель тем из нас, кто не примет это приглашение.

Чего уж тут говорить о разуме и логике. И тем не менее, насколько сегодня джихадисты успешны и не успешны в продвижении к своей цели?

В Афганистане и Ираке «пылающий» плацдарм создан, и пылает он ярким пламенем. Его жертвами становятся как военные, так и мирные граждане. По данным Международной кризисной группы (International Crisis Group), в Ираке действуют более 20 тыс. боевиков (в западной политической лексике – инсургентов). По оценкам (май 2006 года) исследователей из Brookings Institution, в заключении находятся примерно 14 тыс. боевиков и террористов. От 800 до 2 тыс. из них являются иностранцами. Ежемесячно, по данным «Washington Post», иракские войска и военнослужащие коалиции арестовывают или уничтожают около 2 тыс. боевиков. В 2004 году было совершенно 24496 атак, в 2005-м – 34131. В 2004 году 133 боевика подорвали себя, в 2005 году – 411. В 2004 году было взорвано 5607 бомб, заложенных на улицах или дорогах, в 2005 году – 10953.

В АФГАНИСТАНЕ И ИРАКЕ «ПЫЛАЮЩИЙ» ПЛАЦДАРМ СОЗДАН, И ПЫЛАЕТ ОН ЯРКИМ ПЛАМЕНЕМ. ЕГО ЖЕРТВАМИ СТАНОВЯТСЯ КАК ВОЕННЫЕ, ТАК И МИРНЫЕ ГРАЖДАНЕ.

В Центральной Азии «пылающим» плацдармом после неудач и промахов в девяностых годах в Таджикистане должен был стать Узбекистан. Точнее, его часть Ферганской долины с последующим распространением этого процесса по всей республике, далее в Таджикистане, Кыргызстане и Казахстане. Последним примером этих усилий стал сценарий исламистов из течения «акромийлар». По приказу своего лидера Акрама Юлдашева, призвавшего своих «мирных мусульман-коммерсантов» к джихаду, они преобразились в вооруженных джихадистов, инициировав Андижанские события весны 2005 года. И тем не менее, даже в провале задуманного джихадисты, скорее всего, считают успехом ощутимое «охлаждение» отношений между республикой и США. Не говоря уже о закрытии для американцев аэродрома «Ханабад», играющего важную роль в деятельности антитеррористической коалиции в Афганистане, не равнозначного по ряду возможностей с авиабазой в Кыргызстане.

На Ближнем Востоке стабильным и уже традиционно «пылающим» плацдармом, даже без упоминания Ирака, остается территория Палестинской автономии, с которой идеологи джихада планомерно делегируют своих зомбированных посланцев-смертников на территорию Государства Израиль, отрицая общечеловеческие права евреев на собственную идентификацию. Отрицая, доходят до полного абсурда, манипулируя как историей мировых религий, так и текстами священного Корана. Один из примеров – книга «Коранические истины по палестинской проблеме», написанная неким Салахом Абдель Фаттах аль-Халиди (изд. «Мусульманская Палестина»). В ней, мягко говоря, ссылки типа – «Государство Давуда **(прим. А.Г. – Давид)** и Сулеймана **(прим. А.Г. – Соломон)** в Палестине было исламским государством, а не еврейским», – вызывают массу ироничных вопросов.

Впрочем, как говорят сами евреи, «у каждого свой уровень интеллектуального напряжения». Но в данном случае ирония, скорее, грустная: уровень зомбирования смертников Палестинской автономии имеет свои сложившиеся традиции уничтожения и статистику жертв мирного населения как среди израильтян, так и палестинцев.

Нет необходимости далее перечислять все географические точки, где джихадисты пытаются или уже организовали плацдармы, «пылающие гневом и ненавистью к врагам». Они известны, а жар, исходящий от них, давно ощутим.

Айдын ГУДАРЗИ.

(Продолжение в следующем номере).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Израиль ответил на удар

Израильская авиация совершила налет на сектор Газа после того, как накануне израильская женщина была убита во время ракетного обстрела израильского города Сдерот с палестинской стороны. Председатель Палестинской национальной администрации Махмуд Аббас обратился к израильскому руководству с призывом возобновить переговоры о всеобъемлющем мирном урегулировании.



Военные контакты заморожены

Турция заморозила свои военные контакты с Францией, объявил главком турецких Сухопутных сил. Это решение военного ведомства стало ответом на принятие в октябре Национальным собранием Франции в первом чтении законопроекта об уголовном преследовании за непризнание геноцида армян. Официальная Анкара пригрозила Парижу экономическими и политическими санкциями, сообщает РИА Новости.



Выселение должников из квартир

Муниципалитеты серьезно взялись за граждан, не оплачивающих услуги ЖКХ. Уже выселено несколько десятков должников, а в 2007 году лишиться квартир могут сотни неплательщиков. Возможность выселять должников муниципалитетам дал новый Жилищный кодекс, вступивший в силу в России в 2005 г., напоминают «Ведомости». Лишиться квартиры могут живущие в муниципальном жилье граждане с просроченной задолженностью от шести месяцев. Освобожденные муниципальные квартиры власти могут передавать очередникам.



«Серхио» повернул к суше

Ураган «Серхио», продвигающийся вдоль тихоокеанского побережья Мексики, вопреки прогнозам, повернул к суше. Стихия, достигшая 2-й категории опасности по 5-балльной шкале Саффира-Симпсона, слегка отклонилась от первоначальной траектории на восток. «Серхио» сопровождается ветрами силой 177 км в час.



Декларация наличной валюты

С 15 июня 2007 года все пассажиры при въезде и выезде в страны – члены Евросоюза должны будут в обязательном порядке декларировать наличную валюту в сумме свыше 10 тысяч евро, сказал госсекретарь Бельгии по борьбе с уклонениями от уплаты налогов Эрве Жамар, сообщает РИА Новости. «Главной целью этого регламентационного требования, которое было принято по рекомендации Европы, является борьба против терроризма и отмывания денег», – заявил чиновник.



Найдены работы художника Возрождения

Две небольшие панели работы великого итальянского мастера Возрождения фра Анжелико (1395–1455 гг.) найдены в Великобритании в частном доме, сообщает ИТАР–ТАСС. Их стоимость, по оценке специалистов, превосходит миллион фунтов стерлингов (около 2 млн. долларов). Панели являются частями алтаря флорентийского монастыря Сан-Марко, разграбленного во время наполеоновских войн, и считались бесследно пропавшими.



Мария Шарапова обезвредила грабителя

Во время итогового турнира Женской теннисной ассоциации в Испании Мария Шарапова решила посетить мадридское кафе «Starbucks». Уже находясь в заведении, теннисистка заметила, что к ней направляются несколько тинейджеров. Один из ребят, приблизившись к ней, одной рукой накрыл газетой ее мобильный телефон, лежавший на столе, и незаметно второй рукой забрал его. Спортсменка бросилась вдогонку и с помощью одного из сотрудников «Starbucks» вернула телефон.




«Бабл-гама» на 400 млн. евро в год

Российский рынок жевательной резинки составляет 23 тыс. тонн в натуральном и 400 млн. евро в стоимостном выражении в год, сообщил генеральный директор компании «Perfetti van Melle» Фолкерт Зайлстра. По его словам, на кондитерском рынке России жевательная резинка является одним из лидеров в сегменте «продукции без сахара», передает Интерфакс. Отметим, что работающая почти в 140 странах компания «Perfetti van Melle» имеет две производственные площадки в России – в Московской и Ленинградской областях.

(www.NEWSru.com).

ОИЛА – ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

ОИЛАПАРВАР МИЛЛАТИМ ФАХРИ УЛАР



Оилавий бахтга эга бўлиш ҳар бир инсон учун муҳим. Бироқ бу осонгина қўлга киритиладиган омад эмас. Турмуш остонасига қадам қўйдингизми, энди ўзингиздаги бор ижобий хислатларни намоён эта олишингиз шарт. Меҳр-муҳаббат, сабр-қаноат, ҳурмат ва садоқат каби эзгу хислатлар оила иқлими учун зарур фазилатлардир.

Бағрингизни бирин-кетин тўлдирадиган фарзандлар келажаги эса сизнинг қўлингизда. Хуллас, бу борада ҳаёт синовлари бисёр. Жамшид билан Гулбаҳорни мана шу турмуш синовларида тобланишаётганига ўн йил бўлаяпти.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик билим юртини битирган офицер йигитдан Гулбаҳорга совчи келганида унинг қай ҳолатга тушганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Эгнида ҳарбий либос, келишган, қатъиятли йигит ҳар қандай қизнинг орзуси шубҳасиз. Шундай қилиб икки ёш ўзбекона анъаналаримизга кўра совчилар орқали топишишди. Орадаги меҳрли учрашувлардан сўнг юлдузи юлдузига тўғри келган ёшлар ўртасида ҳаёт ришталари боғланди.

Самарқандлик келин-куёвлар тўйдан сўнг Жамшидбекнинг офицерлик хизмати сабаб Термизга отланди. Энди уларнинг ҳаётида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек турмуш синовлари бошланди. Бундай довонлардан енгилмай ўтишнинг муҳим шартларидан бири меҳр-муҳаббатдир. Сизда жуфтингизга нисбатан шундай хислат мавжудми, демак турмуш шартларини уддалай оласиз. Гулбаҳор ҳам ҳарбий оилага сабрли ва садоқатли гўзал бека бўла олди. Дастлаб ҳарбий ётоқхонада истиқомат қилишди. Қизлари Амира улар ўртасида бебаҳо ришта бўлиб дунёга келди. Ёш оилага қўмондонлик томонидан уй берилди.

Мен ҳарбий оила бекалари билан суҳбат давомида улар учун сабр-қаноатнинг ўрни нақадар муҳим эканлигини чуқур ҳис қилиб тураман. Чунки аёл зоти борки насиб этган гўшасини гуллаб яшнаттиси келади. Турмуш ўртоғининг касби сабаб, турли жойларда, турли шароитларда яшовчи бу бекалар эса ҳар гал янги шароитга мослашишга мажбурлар. Ҳозирда капитан Жамшид Умаров ва шартнома бўйича хизмат оддий аскари Гулбаҳор Каримовалар Самарқанд шаҳридаги ҳарбий шаҳарчанинг бахтли оилалари сафида. Йиллар давомида биринкетин оилани тўлдирган Азиза, Фотима ва Зуҳралар уларнинг чинакам бахти. Шунингдек, оила бекаси Гулбаҳор ҳам 2005 йили ҳарбий либос кийишга муваффақ бўлди. У энди Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли ҳарбий жамоада алоқа хизмати оператори. Жамшидбек ҳам шу йиллар ичида автомобиль хизмати бошлиғи, штаб бошлиғи, дивизион командири, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари хизмати бошлиғи каби бир қатор масъулиятли вазифаларда фаолият юритиб келаяпти. У тажрибали офицерлар сафида бўлиш билан бирга намунали оиласи билан ҳам барчага ўрнак эканлигини тарбиячи офицер Шавкат Пардаев алоҳида таъкидлаб ўтди. Намунали оила бошлиғи эса ўз фикрини қуйидагича изоҳлади:

– Ҳозирда турмуш ўртоғим билан бир жойда хизмат қиламиз, – дейди капитан Умаров суҳбат чоғида. – Унинг ҳарбий либос кийиш ҳақидаги истагини қўллаб-қувватладим. Аёл киши учун тўрт фарзандни дунёга келтириб, оёққа турғазишнинг ўзи бўлмайди. Шу сабабли унга ҳар томонлама меҳр кўрсатишга ҳаракат қиламан. Хизмат чоғида бирга тушлик қиламиз. Ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилишда деярли фикримиз бир жойдан чиқади.

Оила бошлиғига бир оз ҳазил тариқасида рашк ҳақида савол берган эдик: «Муҳаббат бор жойда албатта рашк бўлади. Бироқ бизда ҳар қандай ҳиссиётдан кўра ишонч кучли», деган жавоб олдик. Хўш, бу борада хонадон бекасининг фикри қандай?

– Ҳарбий либос кийишга орзуманд аёлларни кўп учратаман. Аммо турли тўсиқлар, муаммолар сабаб орзуларига етиша олмайди, – саволларимизга босиқлик ила жавоб қайтаради Гулбаҳор. – Бироқ, менга бу борада турмуш ўртоғим катта ёрдам берди. Ҳарбий хизмат қонун-қоидаларини эгаллашимда ҳақиқий жонкуяр устоз десам ҳам бўлаверади. Рашк ҳақида тўхталадиган бўлсам, бу ҳиссиётни ўз ўрнида бўлгани маъқул деб ўйлайман. Менинг назаримда бу жуфтига нисбатан эътибордай гап. Лекин ҳар нарсанинг меъёри яхши. Аёл сифатида мен ҳаётимдан мамнунман. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Биз оилага эътиборли миллат сифатида қанча фахрлансак арзийди. Чунки оилапарварлик бизга бобою момоларимиздан мерос. Жамшидбек ва Гулбаҳорнинг ота-оналари Баҳром ака ва Офтобхон опа, Ҳожиқурбон ака ва Маликахон аяларнинг доно ўгит ва сабоқлари, қолаверса эл назаридаги ўрнакли ҳаётлари сабаб барча фарзандлари оилавий бахтга мушарраф. Ўйлаймизки, бизнинг лавҳамиз қаҳрамонлари ҳам ота-оналарининг муносиб издошлари бўла олади.

Зулфия ЮНУСОВА.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

К ВАШЕМУ СТОЛУ

ХЛЕБ С ИЗЮМОМ



Ингредиенты:
100 г изюма, 2 ст. л. рома, 500 г муки, 30 г дрожжей, 50 г сахара, 1/4 л теплого молока, 100 г размягченного масла, 2 яйца, 1 ч. л. соли, натертая цедра от 1 лимона, масло – смазать форму и хлеб.

Способ приготовления:
Промытый и стекший изюм полить ромом и дать настояться. Муку просеять в чашку, раскрошить в нее дрожжи и с небольшим количеством сахара, молока и муки замесить опару. Затем добавить остальной сахар и молоко, масло, яйца, соль, лимонную цедру и замесить тесто. Месить до тех пор, пока оно не перестанет приставать к стенкам посуды. Вымешанное тесто поставить на 40 минут подходить.

Затем замесить в него изюм, переложить в форму и дать еще 15 минут подходить.

Духовку разогреем до 200 градусов. Хлеб выпекать 50–60 минут на нижнем уровне духовки.

МИНДАЛЬНОЕ ГРЕЧЕСКОЕ ПЕСОЧНОЕ ПЕЧЕНЬЕ



Ингредиенты:
200 г сливочного масла комнатной температуры, 1 стакан сахарной пудры, 1 ч. л. мелко натертой апельсиновой цедры, 1 яйцо, 1 желток, 2,5 стакана муки, 1,5 ч. л. разрыхлителя, 1 ч. л. молотой корицы, 250 г миндаля, сахарная пудра для посыпки.

Способ приготовления:
Предварительно нагреть духовку до 160 градусов. Противень смазать маслом, выстелить пергаментом, смазать маслом. Взбить масло, сахар и цедру до воздушной массы. Добавить яйцо и желток. Выложить смесь в большую миску. Замесить тесто, добавить разрыхлитель, корицу и миндаль, все перемешать. Взять 1 ст. л. теста и сформировать полумесяцы, выложить на противень и поставить в духовку на 15–20 минут, и печенье готово. Обсыпать горячее печенье сахарной пудрой – немного, а второй раз обсыпать, когда печенье уже остынет.

КЕКС «СОЧЕЛЬНИК»



Ингредиенты:
250 г муки, 250 г сливочного масла, 250 г сахарной пудры, 5 яиц, 100 г изюма, 20 мл рома или коньяка, сок лимона, 1 ч. л. соды, 100 г различных сухофруктов – яблоки, чернослив, курага, инжир, финики, груши.

Способ приготовления:
Масло с сахарной пудрой растереть добела, добавить желтки, ром или коньяк, измельченные цукаты, изюм, соду, сок и натертую цедру лимона, все перемешать. Затем всыпать муку и ввести взбитые в стойкую пену белки, быстро замесить легкое воздушное тесто, перемешивая сверху вниз. Тесто быстро выложить в обильно смазанную размягченным маслом и подпыленную мукой форму для кекса, поставить в духовку и выпекать при температуре 180 градусов в течение примерно 1 часа. Готовность проверить деревянной шпажкой.

ДОМАШНИЕ КОНФЕТЫ



Ингредиенты:
200 г сгущенного молока с сахаром, 250 г темного шоколада, 60 г жареного фундука, 15 мл коньяка или бренди, какао-порошок, белый шоколад.

Способ приготовления:
Подготовим все продукты. Орехи измельчить. Шоколад поломать на кусочки, растопить на водяной бане. Снять с огня и смешать со сгущенкой и орехами. Добавить бренди и размешать. Охладить. Руками скатать из полученной смеси шарики размером примерно с грецкий орех, обвалять в какао, еще раз раскатать. Тогда шарик приобретает интенсивный коричневый цвет. Выложить каждый шарик в бумажную формочку. Белый шоколад растопить на водяной бане. С помощью корнетика из пергамента украсить конфеты по своему вкусу.

Ҳарбий либосдаги маликалар

ДАДАСИГА ЎХШАГАН ҲАРБИЙ ҚИЗ



Ольга дадасини жуда яхши кўрарди. Айниқса, дадаси уйда бўлганида, у билан кўчада сайр қилишни, тўғироғи, ўртоқларига кўз-кўз қилишни ёқтирарди. Қолаверса, бу атрофда фақатгина унинг дадаси ҳарбий. Шу боис, ҳатто мактабдаги ўртоқлари ҳам унга ҳавас қилади.

Дадаси билан худди катталардек суҳбатлашиш ёшгина қизалоққа олам-олам қувонч бахш этарди. У билан гаплашиш жараёнида Ольга ўзини худди катталардек тутарди. Бир кун ота қиз ўртасидаги суҳбат мобайнида Ольга:

– Дада, мен ҳам катта бўлганимда сизга ўхшаб ҳарбий бўлмоқчиман. Қанийди, тезроқ мактабни тугата қолсайдим. Менга ўшанда ёрдам берасиз-а. Сиз ҳам синфимиздаги Владикка ўхшаб қиз бола қўрқоқ бўлади, деб ўйламанг, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман Ҳатто, кечқурун қоронғу ҳовлида бир ўзим юра оламан.

Шунда Пётр Коновалов орзулари олам-олам бўлган жажжигина қизалоғининг пешонасидан ўпаркан, «Бунинг учун фақатгина жасурликнинг ўзи етмайди. Сен ҳали кўп ўқишинг керак», деган эди.

Ольга мунис онасининг бағрига бош қўйиб, кўзда ёш билан шулар ҳақида ўйлади. Сўнгра чуқур нафас олиб хўрсинганча, «Албатта дадажон айтганингиздек кўп ўқиб, худди сизга ўхшаб ҳарбий бўламан», деди.

Орадан йиллар ўтиб, кичкина қизалоқ улғайиб мактабни ҳам тугатди. У энди худди дадаси сингари ҳарбий бўлишга қаттиқ аҳд қилганди. Ўқитувчиларининг «Ҳарбийлик жуда машаққатли соҳа, айниқса, қизлар учун. Бундай оғир хизматга сенинг нозик гарданинг дош беролмайди», деганига қарамай ўз сўзида туриб олди.

– Ҳаётнинг тез ўтишини қаранг, мана шунга ҳам йигирма йилча бўлди, – дея ёшлик йилларини хотирлайди суҳбатдошим. – Ортда қолган йиллар давомида жуда кўплаб лавозимларда ишлаб, ҳарбийликка янада меҳрим ортди. Айнан ҳарбийлар орасида бахтимни топганман, десам хато қилмайман. Чунки шу ерда офицер Пётр Устинов билан танишиб, оила қурдик. Ҳозир уч яшар Юля исмли қизчамиз бор. Биз турмуш ўртоғим билан танлаган йўлимиздан, ҳаётимиздан жуда мамнунмиз.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ольга Захарченко айни пайтда офицер Шавкат Пардаев хизмат қилаётган ҳарбий қисмнинг етакчи посбонларидан. Ҳар қандай вазиятда сафдошларини қўллаб, керак пайтда улардан ўз ёрдамини аямайдиган кичик сержант номи бугун ҳарбий қисмда ҳурмат билан тилга олинади.

– Касбига садоқатли бўлган кичик сержант Захарченко, тиниб-тинчимай ўз устида муттасил билимини ошириши билан алоҳида эътиборга сазовордир, – дейди офицер Пардаев. – Қатъиятли, талабчан бўлган бу посбон доимо ҳарбий қисмда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Ҳа, ҳарбий қисмда ўз ўрнига эга бўлганлиги учун ҳам унга қўшимча иш тариқасида хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасида фаолият юритиш бежиз ишониб топширилмади. Қатъиятли бўлган посбон ҳар қандай муаммони бартараф этишда у қадар қийинчиликка учрамайди. Шу боис ҳарбий шаҳарчада истиқомат қиладиган оилалардаги муаммолар тезда унинг кўмаги билан ҳал қилинади. Бу ишда унга хизматдош дугоналари кичик сержантлар – Наталья Лисунова, Светлана Кошуба, Недли Талиулина, Татьяна Пак яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ҳар ойда ўтказиладиган йиғинларда шаҳарчада яшовчи оилалар муаммолари ўрганилиб, имкон қадар улар бартараф қилинади.

Бугун миллий армиямиз сафларида Ольга Захарченко сингари нозик гарданларига оила билан бир қаторда ҳарбийликдек шарафли ва айни дамда масъулиятли вазифани олган қизларимиз кўплаб топилади. Уларнинг жанговар сафларда эришаётган ютуқларини кўриб қувонасан, киши.

Сейман НАЗАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

СЕВИШ ВА СЕВИЛИШ БАХТИ

«Икки инсон ботиний уйғунлик билан муомалада бўлгандагина муҳаббат туғилади ва айни шу боис ҳар иккаласи шундай уйғунликни чин дилдан ҳис этади. Фақат айни шундай «теран ботиний самимийликда» инсоний моҳият, ҳаётийлик, муҳаббат негизи мавжуд. Шу асно ҳис қилинган муҳаббат – доимий даъват, бу роҳат-фароғат манбаи эмас, балки саъй-ҳаракат, ривожланиш, ҳамкорликдаги фаолият ва ҳатто шундай жуфтлар муносабатларида уйғунлик ёки зиддият, шоду хуррамлик ёки қайғу-ҳасрат ҳукмронлик қилишдан қатъи назар, ҳар иккаласи ўзлигидан қочмасдан, аксинча, аслияти билан муштарак бўлгани туфайли бир тану бир жон бўлганликлари, иккаласи ҳам ҳаётий теранлик нуқтаи назаридан ўзларини ҳис қилганлари, яъни муҳим жиҳатга нисбатан иккиламчи аҳамиятга эга. Муҳаббатнинг атиги битта исботи – ўзаро муносабатларнинг самимий теранлиги, ҳар иккаласининг ҳаётийлиги ва куч-қувватидир: айни мана шу самара – натижага асосланган ҳолда муҳаббат аниқланади», – деган эди машҳур Ғарб файласуфи Эрих Фром (1900-1980).

Ҳа, ҳақиқатан ҳам чин муҳаббат – ҳис-туйғунинг ўзигина эмас, балки севмоқ учун, севимли бўлиш учун ҳаракат қилиш ҳамдир. Зеро, севгида инсон ўзи учун энг бебаҳо бўлган ҳаётининг бир қисмини – ҳиссиёти, билими, кечинмаларини ўзгага бағишлайди. Ва буни у ниманидир олиш учун қилмайди, чунки ана шу «бағишлашнинг» ўзи бир лаззатдир.

Инсон руҳининг олий зуҳури бўлган муҳаббат жамият маънавиятининг таркибий қисмларидан ҳисобланади.Никоҳ ҳам айни муҳаббатга асосланмоғи даркор. Шундагина у мустаҳкам, ҳар қандай ҳолатда бардошли ва барча қийинчиликларни осон енга олиш қудратига эга бўлади. «Никоҳ мутахассислари» эр ўз рафиқасини тушуниши ва унга кўмаклашишга ҳамиша тайёр туриши керак, дея таълим берадилар. Агар инсон ҳақиқий муҳаббат қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтиб ўз «ярмини» топиш ва севиш бахтига эришса, у бошқа жуфт излашга ҳеч қачон интилмайди, бутун борлиғини севиклисига бўлган муҳаббатига бағишлайди. «Муҳаббатнинг кўзи кўр» деганларидек, чин дилдан севган ошиқка севиклисининг камчиликлари, айбнуқсонлари ҳам ёқимли кўринади. Яъни у маъшуқасини қандай бўлса шундайлигича қабул қилади. Билмаганларини талаб қилишга, ёқтирмайдиганларини ёқтиришга мажбур қилмайди. Аксинча қийин вазиятларда унга ҳақиқий суянчиқ, ўртоқ, ҳамдард ва керак бўлса устоз бўлади.

1079 йилда туғилган француз файласуфи Пьер Абеляр ва парижлик ибодатхона хизматчиси Фульбернинг жияни Элоизанинг муҳаббат тарихи Европадаги неча-неча авлодлар тилидан тушмай келади. Буни мисол келтираётганимдан асосий мақсад, Элоиза билан Абеляр ўзаро хат ёзишиб турардилар, ана шу хатдан бир парча келтириб ўтиш эди. Унда қуйидаги сўзлар битилган:


«Менинг қалбим мен билан эмас, сенинг билан эди! Сенсиз, менинг қалбим, руҳим, жоним йўқ. Илтимос, у сен билан бўлсин. Севгимга севгинг ила жавоб бер. Мендан узоқлашиб кетма. Агар сени йўқотсам, нимага ишонаман? Бу заминда мени ушлаб турадиган нарса қолмайди. Мен ўзимни фақат бир ўй билан овутаман – сен ҳаётсан. Демак, мен ҳам тирикман!» Айниқса, унинг қуйидаги сўзлари севишган қалбларнинг шиори бўлиб қолди:

«Мен сени севаман, дейиш – сен ҳеч қачон ўлмайсан, деганидир!».

Истаймизки, севиш ва севилиш бахти ҳаммага насиб этсин! Ва ана шундай чин муҳаббат ҳар бир бошланаётган янги ҳаёт, яъни турмуш пойдевори бўлсин!

Дурдона ҚОДИРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

SHIRINTOY



“Quyon” boshqotirmasi

Ushbu berilgan so‘zlarni bo‘sh kataklarga joylashtirib chiqing.
Fan, non, yil, sham, opa, mashq, nota, aniq, o‘roq, qora, olacha, qarich, limon.

Topishmoqlar

Yozda qush bo‘lib uchsa,
Qishda tosh bo‘lib qolar.
Odamu qush, o‘t, o‘rmon,
Undan ko‘p rohat olar.


(Ans)

Olovsiz qaynab turar,
Qo‘ling tiqsang kuymaydi.
Qishda ham qaynashini,
Yozdagidek qo‘ymaydi.

(boinq)

Labirint

Mushukning qorni juda och. U tuzoqqa tushib qolgan sichqonni yemoqchi bo‘lyapti. Lekin sichqonning oldiga olib boradigan yo‘l oson yo‘l emas, shuning uchun mushuk o‘ylanib yotibdi. Siz mushukka to‘g‘ri yo‘lni topishda yordam bering va har bir burilishni sanab chiqing.





ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Ҳарбий либосдаги бу гўзал қиз шартнома бўйича хизмат оддий аскари Рохиля Муминова. Уни Самарқанд гўзали десак ҳам бўлади. Чунки у Самарқанд шаҳрида туғилиб вояга етган. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ҳарбий либос маликасининг орзулари ўзи сингари беғубор ва гўзал.

– Танлаган касбим умримнинг мазмуни, – дейди у фахр билан. – Шунинг учун хизматдаги ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга тайёрман. Орзуим офицер унвонига эга бўлиш.

Ўз касбига фидойи бўлган Рохиляни эзгу мақсадларига эришишига ишонамиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

ФЕСТИВАЛЬ ПРОДОЛЖАЕТСЯ

В столице проходит Фестиваль областных театров, организованный Министерством по делам культуры и спорта и объединением «Узбектеатр». На этот раз на сцене Узбекского национального академического драматического театра свое искусство демонстрирует коллектив Сурхандарьинского областного театра музыкальной драмы имени Маннона Уйгура.

– В течение трех дней вниманию жителей и гостей Ташкента – поклонников театрального искусства – мы представим три спектакля, – сказал художественный руководитель театра заслуженный деятель искусств Узбекистана Мансур Равшанов. – Это «Шах и поэт» – повествование о святой любви к Родине и волшебной силе поэзии, «Проделки упрямого старца» – прославление человечности, верности, любви и искренности, и постановка по мотивам народного фольклора «Папа, ты хочешь жениться?»

Б.МАНСУРОВ, корр.УзА.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Юрт байроғи ҳамиша элнинг шони, ғурури бўлиб келган. У қўшиққа солиб куйланса, улуғвор жаранглаши, қалбларга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этиши аниқ. Зулфия Юнусованинг байроқ ҳақидаги ушбу шеъри ҳам гўзал қўшиққа айланса ажабмас.

ЮРТИМ БАЙРОҒИ

Ҳурлик тимсолидан яралган туғим,
Улуғ аждодлардан қолган чин мерос.
Сен-ла юксакларни қучар довруғим,
Ғурури, шуури миллатимга хос,
Орим, шоним эрур юртим байроғи.

Бағрида порлайди ою юлдузлар,
Яшнаган замину осмон рамзи бор.
У даъват, у қудрат, у олға бошлар,
Қалбларга тўлдириб фахр-ифтихор,
Бахт нишоним эрур юртим байроғи.

Сен эрк маёғисан мағрур, мардона,
Кўкда ҳилпирашинг улуғвор бир шаън,
Жангу жадалларда ҳуррият дея,
Боболарим тўккан, норларим тўккан –
Шаҳид қоним эрур юртим байроғи.

Бу юртда букилмас яловбардорлар,
Бор неки саждаси азиз жойига.
Керак чоғ жазм айлаб ёвқур сардорлар,
Истиқлол пойига, Ватан пойига –
Тиккан жоним эрур юртим байроғи.

Ҳеч кимдан кам эмас эл ялови бу,
Неки синовларда бир жону бир тан.
Ватан шавкатини асрабон мангу,
Юксак туғлар билан бир сафда турган,
Марду майдон эрур юртим байроғи.

ҲАРБИЙЛАР САНЪАТКОРНИ РУҲЛАНТИРДИ



Санъат йўлидаги илк қадамларини «Булбулча» номли болалар хор дастасида бошлаган ва ҳозирга қадар эстрада ҳамда мумтоз йўналишдаги турли қўшиқларни ижро этган хонанда Дилфуза Абдуазимова Мудофаа вазирлиги Маданият ва маърифат маркази ташаббуси билан Офицерлар марказий саройида дам олиш куни ўтказилган навбатдаги кўнгилочар тадбир меҳмони бўлди.

Тошкент шаҳрида таваллуд топган, пойтахтдаги маданият ўқув юртини тамомлаган санъаткорни «Сиз ўпами?» қўшиғи халққа танитди, десак муболаға бўлмайди. Дарвоқе, мазкур ижод намунасига Алишер Расулов куй басталаган бўлса, мати муаллифи Иброҳим Жияноддир.

Муҳташам саройга йиғилган ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз хизматчилари санъаткорга ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат қилдилар. Очиқ мулоқот ва самимий тарзда кечган тадбир давомида Дилфуза Абдуазимова ўзининг «Девона», «Афсона», «Ўғил бола», «Ёлғиз ёрим» сингари ва албатта, юқорида номи тилга олинган қўшиғини ижро этди.

Ижодий учрашув сўнгида Офицерлар марказий саройи бошлиғининг ўринбосари офицер Содиқ Ортиқов ташрифи ҳамда қизиқарли суҳбати учун хонандага миннатдорчилик билдириб, Мудофаа вазирлиги номидан «Фахрий ёрлиқ» ва эсдалик совғаларини топширди.

– Ҳарбийлар даврасида илк бора бўлишим, – дейди Дилфуза тадбирдан кейинги таассуротлари билан ўртоқлашар экан. – Ушбу касб вакиллари орасида ҳам санъат ихлосмандлари кўплигидан жуда хурсанд бўлдим. Чунки ҳар қандай ижодкор учун томошабинининг олқиши, самимий қўллаб-қувватлаши ниҳоятда муҳимдир. Айнан тингловчининг кайфияти, қўшиқни ҳис этиши ва қабул қилиши-қайсидир маънода, хонандага ҳам таъсир этади. Бугунги учрашувдан, бевосита мулоқотдан сўнг, олдингдан режалаштириб юрган ниятимни тезроқ амалга оширишга аҳд қилдим. Бу ҳам бўлса, Ватан ҳақида янги қўшиқ яратишдир. Тўғри, ушбу мавзули қўшиқлар талайгина. Лекин ўйлайманки, типимсиз меҳнат маҳсули бўлувчи мазкур ижод намунаси мухлисларга манзур бўлади.

Маълумки, бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад томошабинларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, уларнинг маънавий озуқа олишлари, кўнгилли дам олишларига хизмат қилишдан иборатдир. Тўла ишонч ила айтиш мумкинки, кўзланган мақсадга эришилмоқда.

Қуролли Кучлар хизматчиси Навбаҳор ЖАЛИЛОВА.
Капитан Дилявер АБЛАЕВ суратга олган.

УСТАНИНГ ЎҒЛИ

Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанни севишларидир.
(Шарл-Луи Монтескьё)

Ҳаммаси ўша спорт мусобақасидан сўнг бошланди. Музаффар билан Шокир тенгқур эдилар. Қўшнилар мактабга бирга келиб-кетишар, бир синфда ўқирдилар. Музаффарнинг аъло ўқишини айтмаса ораларида гўё фарқ йўқдек эди.

Ўша кунги мусобақа тантанали тарзда бошланди. Бу вақти-вақти билан ташкил қилинадиган одатдаги мактаб ўқувчилари беллашуви эди. Югуриш, турникда тортилиш, футбол, баскетбол, хуллас барчаси жуда қизиқарли ўтди. Ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди. Мактаб чемпиони деб Музаффарни тан олдилар. 12 яшар чемпионнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Муаллим Рустам полвон: ғолибни табриклаш учун синфдошлари нима деркин, дея тизилиб турган ўқувчиларга мурожаат қилди. Шу пайт болалар орасидан: «Кейинги гал мусобақада йиртиқ кроссовкасини бизга ҳам бериб турсин, биз ҳам...» кейинги сўзлар гурр этиб кўтарилган кулгудан эшитилмади. Бу Шокирнинг овози эди. Музаффар секин оёқларига қаради ва... ранги униқиб, титилиш арафасида турган кроссовкасига энди кўраётгандек тикилиб қолди. Боягина ғурурдан порлаб турган кўзларда ёш ҳалқаланган эди. Қулоғига «йиртиқ кроссовка-ю» кулгудан бошқа нарса кирмасди. Рустам полвон ҳеч нима бўлмагандек уни қўлини сиқиб, совға топширди ва елкасидан қучоқлаб, мусобақани кузатиб турган ҳурматли меҳмон олдига етаклаб келди. Меҳмон ҳам қачонлардир шу мактабда ўқиган, эндиликда кўпнинг ҳурматини қозонган таниқли Нуриддин полвон экан. Бола шундай инсоннинг у билан тенгма-тенг суҳбатлашганидан кўнгли яна тоғдек кўтарилди.

Ҳалигина юз берган кўнгилсизлик унутилгандек эди. Аммо уйга қайтаётиб Шокир яна бошлаб қолди:

– Музап, даданг уста-ку, оёқ кийимингга ейилмайдиган тахта қоқиб беришсин, тақиллаб югураверасан, – деб ўз гапига ўзи ҳузурланиб кулди.

Негадир бу сафар беш-олти боланинг бирортаси ҳам кулгуга қўшилмади. Чунки, маҳаллада ёғоч оёқли устани ҳамма ҳурмат қилар, уруш кўрган деб авайлардилар. Шокир бу ҳазили билан қандайдир оддий ва шу билан бирга муқаддас чегарани босиб ўтганини ўзи ҳам сезмай қолди. Худди шу нарса уларнинг сукутига сабаб бўлган эди. Болалар ҳеч қандай гап-сўзсиз хайрлашдилар.

Музаффар шу куни илк бор Шокир билан ўрталаридаги тафовутни ҳис қилди. Шокирларнинг ҳашаматли уйи қаршисида ўзларининг уйи кўзига ғарибдек кўринди. Ўймакор ёғоч дарвоза тутқичи қўлини куйдиргандек бўлди: «Ахир ҳеч кимнинг дарвозаси бунақа чиройли эмас. Бунақа чиройли нақшлар ўйиш бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ёлғиз унинг дадасигина бу ишнинг уддасидан чиқа олади». Болакай шуларни ўйлаб қадамини тезлатди.

– Дада, Нуриддин полвон сизга салом айтдилар.

Устанинг ҳорғин юзлари ёришиб кетди. Ўғлига мамнун тикилганича «давом эт» ишорасини қилди. У Афғонда олган жароҳатлар сабаб гапиришга қийналарди.

– Манави белбоғни илк марта кураш тушиб ютганларида устозлари яхши ният билан уларнинг белига боғлаган эканлар. Бу мен учун жуда қадрли эди. Катта бўлганингда ҳам йигитликнинг, ҳалолликнинг, покликнинг рамзи сифатида мендан сенга қадрли эдалик бўлиб қолсин, дедилар.

– Полвон аканг ҳақиқий эркак, – деди уста сўзларни қийналиб талаффуз этаркан, белбоғни авайлаб ўғлининг қўлларига тутди.

Шу пайт онаси ҳовлида пайдо бўлди:

– Музаффар, буларни даданг сенга олиб келдилар, деб ўғлининг қўлига катта спорт сумкасини тутқазди. – Мусобақа куни гача улгуролмадим деб, роса сиқилдилар. Сен хафа бўлмайсан-да ўғлим.

Болакай сумкани шоша-пиша очди. Ичида спортчилар киядиган либослар ва... яп-янги кроссовка бор экан.

– Дадажон, – қувонib кетган Музаффарнинг тилига бошқа гап келмасди.

– Сен катта одам бўласан, ўғлим, – деди уста. – Полвонлардек.

Орадан йиллар ўтди. Бу воқеалар ҳам унутилгандек эди. Аммо болалар ўша кундан бошлаб қандайдир бир-бирларидан узоқлашдилар. Тўғри, бирга ўйнардилар, бирга мактабга қатнардилар. Лекин ўртада кўринмас тўсиқ пайдо бўлгандек эди. Бу орада мактабни ҳам битирдилар. Шокирнинг пойтахтда ўқиши учун отаонаси роса елиб югурдилар. Ўқишга кириши муносабати билан маҳаллага ош қилиб бердилар. Талаба йигит тез-тез уйга ўртоқлари билан келиб, ўйнаб кетарди. Ўзлари ҳам ўзбекдан кўра ажнабийларга ўхшаб кетувчи йигит-қизлар хориждан келтирилган машиналарда савлат тўкиб юрардилар. Турфа овозлар чиқарадиган қўл телефонларида тинимсиз қоришиқ тилларда сўзлашадиган бу тоифа ёшлар амалдор ёки пулдор ота-оналар ҳисобига тараллабедод қилиб юришлари кундек равшан.

Отанинг мол-давлати битмас-туганмас эди. Дўстлар билан автопойгалар бир инсон тақдирига нуқта қўйсада қўли ҳар ерга етгучи ошна-оғайнилар ўғилчани сувдан қуруқ олиб чиқишди. Ўқиш тугади, аммо ўғилчабоп иш йўқ эди. Ниҳоят иш топилди. Шокирни ёш, келажаги порлоқ мутахассис сифатида фирма бошлиғига ёрдамчи қилиб тайинладилар. Хизмат машинасида талтайиб келиб-кетиш яхши эди-ку аммо, шу одамлар билан муомала қийин муаммо бўлди-да. Бор-эй деб ваколати етса-етмаса ҳамма ишга фатво бера бошлади.

Бу сафар қутулиш қийинроқ бўлди. Отаси ҳам қариган сайин қурумсоқ бўлиб боряпти. Ҳадеб Шокирга сарф қилган пулларидан гапириб мижғовлангани-мижғовланган. Унга онаси ҳам қўшилади. Яхши ҳамки дунёда ичкилик деган нарса бор. Ҳамма ташвишингни бира тўласи унутасан. Қурумсоқ чол пулини қизғаниб, мени даволатмоқчи бўляпти. Жуда яхши, даволанишимга деб пулини алдаб олавераман. Уфф, ҳамма нарсани тагига етади бу чол. Алдаганимни билиб қопти. Биринчиси бўлса экан. Юрагини чангаллаб мени кўрқитмоқчи. Онамни ҳамма тақинчоғини соб қилдим-у, гиринг деб оғиз очган эмас. Бу бўлса арзимаган бир нечта юз «кўки»га юрагини чангаллаб қолди.

Бошим қотиб қолди. Отам ўлгандан бери тинчимни йўқотдим. Онам ҳадеб йиғлагани йиғлаган. Қарзларимиз кўпайиб кетганмиш. Кеча уста қўшнимиз чиқиб, бирга ишлашни таклиф қилди. Иш танлаб ўтирадиган аҳволда эмасман. Осон деб ўйлаган эдим. Қўлим қалтираб, қовушмаяпти. Устанинг иродасига балли, мендек ношудга тоқат қилиб чидаяпти. Бир куни чанг-тўзонга ботиб ёғоч текислаб турсам норғул бир йигит очиқ дарвозадан менга қараб кулиб келяпти. «Ҳорманг, уста», – деса овозидан танибман. Музаффар экан. Анча суҳбатлашдик. Таътилга келган экан. У кетгач уста кириб келди. Мен унга Музаффар ҳақида гапирдим. У мамнун кулиб бош иргади ва бошимга оғир ташвиш тушганида ўғли менга ёрдам беришини сўраб қаттиқ илтимос қилганини бир амаллаб тушунтирди. Устага диққат билан тикилиб тинглarканман, уни тушунганим сайин ичимдан зил кетиб ўтирардим. Бундан бехабар уста менга яна иш ўргата бошлади...

Музаффар аввал ҳарбий хизматни ўтаб келишга аҳд қилди. Кузгача отасига ёрдам бериб юрди. Армияга кетиш олдидан уста ўғлини бағрига узоқ босиб турди. Юзини кафтлари орасига олиб, ҳарчанд гапиришга уринмасин узуқ-юлуқ товушлар чиқара олди холос. Ўғил отасининг қўлларидан тутиб тингламоқдан дейди:

– Сиз хавотир олманг. Нима демоқчи эканлигингизни билиб турибман. Сизни уялтириб қўймайман. Менга полвонлар – дўстларингиз оқ фотиҳа беришган, ахир.

Ота фарзандининг елкаларини силаб, тингланди ва мамнун бўлиб, сассиз кулганча уни кузатди.

Кўп ўтмай аскар хатлари кела бошлади. Улар орасида ота-онани тўлқинлантириб юборган миннатдорчилик мактублари – оиласига, таҳсил олган мактабига, маҳаллага хатлар бор эди. Ниҳоят орзиқиб кутилган кун келди. Маҳалла аҳли аскар болани қутлашга чиқдилар. Йигит армия билан ҳаётини боғлашини билдирганида устанинг кўзлари қувончдан чақнади. Буни кўриб Музаффар қалбининг туб-тубидан бир қониқиш ҳиссини туйди. Маҳалланинг барча йигитлари ҳурмат қиладиган отаси вақти келиб у билан фахрланишини ниҳоя орзу қиларди-да.

Олий ҳарбий даргоҳга кириб ўқишга талабгорлар ниҳоятда кўп эди. Барчаси ҳам ўктам, чиниққан йигитлар. Музаффарнинг ўзига ишончи катта. Чунки, ҳаёт мактаби уни обдон тарбиялаган, ўз устида тинимсиз ишлаш, мақсад сари ҳамиша олға босиш кераклигини яхши билар ва шунга қатъий амал қиларди. Тест натижалари кутилганидан ҳам зиёда чиқди. Мана, ниҳоят тантанали Ҳарбий қасамёд қабул қилиш куни ҳам етиб келди.

Эгнидаги курсантлик либоси ўзига ярашиб турган навқирон, ўктам ўғлонининг елкаларини уста аввал меҳр билан силади, сўнг кўзларига суртди. Ўғил отасини қучди. Бу ҳаракатда ана шу иродали, заҳматкаш, мард инсондан миннатдорлик туйғуси мужассам эди.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

ҲИКОЯ

И Л И Н Ж

Ҳавонинг заҳри кетди. Кампир ҳассасига таяниб айвонга чиқди. Айвондаги қушлар «гурр» этиб юқорилади ва рўпарадаги ёлғоч дарахтга қўнди. Ҳовли этагидаги ток шохларида ҳам қушлар чирқиллайди. Кеча ёмғир илвиллатиб кетган боғдан ҳовур кўтарилади. Сап-сариқ мушук у ёқдан бу ёққа югуради. Озгина муддат қушларни томоша қилиб ўтирган кампирнинг ерда ётган қоғоз бўлаклари орасидаги анчагина униқиб қолган расмга кўзи тушди. Астагина эгилиб расмни қўлига олди-ю, кўз олди жимирлаб кетди. Бу турмуш ўртоғи Эгамберди аканинг ҳарбий кийимда тушган расми эди. «Ҳа, қулоқсиз болалар-а, расмни ҳам шу ерга ташлайдими? Ахир бу боболарининг битта-ю битта расми-ку», дея неваралари нинг қилган ишларидан ранжиди. Кампир расмга анча пайт тикилиб қолди. Хаёли уни олис ўтмиш томон олиб кетди...

Эрта баҳор ўшанда. Дарахтлар астасекин гулга кираётган маҳал.

– Сени ўша, қўшни қишлоқлик Худоёр аканинг ўғлига нон синдирдик.

Бу ҳовлида кир ювиб ўтирган Ўғилойга онасининг айтган гапи эди.

Ўғилой индамади. Фақат кўзига ёш келди, холос. Ахир бошқа иложи ҳам йўқда. Уйда отаси нима хоҳласа шу бўлади.

– Нега йиғлайсан, тентак қиз. Бу ҳар бир қизнинг бошида бор савдо. У йигит сендан нари борса олти-етти ёш каттадир. Ҳайтовур чолга бермаяпмиз-ку, жувонмарг бўлгур. Онаси Ўғилойнинг биқинига қўлини ниқтади:

– Отанг айтди, ўзи ҳам эшитсин, кейин кўз ёш қилиб юрмасин деди. Ҳожар буви тескари бурилиб уйга кириб кетди. Ўғилойнинг энди ростакамига хўрлиги келди. Юрагига ваҳима аралаш қўрқув оралади. Оёқ учларига довур музлаб кетди. Ахир Ўғилой у йигитнинг исмини ҳам билмаса, танимаса, ўзини бир маротаба ҳам кўрмаган бўлса, қандай қилиб бирга яшайди. Ўғилой шуларни ўйлаб, ювиётган кирларини ҳам унутди ва ҳўнграб йиғлаб юборди...

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Келин-куёв бир-бирларини биринчи маротаба чимилдиқда кўрди. Эгамберди қадди-басти келишган, кўркам йигит эди. У ўзининг хушмуомалалиги билан бирпасда Ўғилойнинг меҳрини қозонди. Улар бир-бирларини жуда ардоқлашарди. Балки тўйдан кейинги севги деганлари ҳам шудир.

Аммо дунё дунё бўлибдики, меҳр-муҳаббат, вафо-садоқат каби юксак тушунчалар қаршисида ҳижрон азоби ҳам бирга яшайди.

1941 йил ёзи элу юртга қайғу-алам келтирди. Халқ ҳаловатдан айрилди. Ота-оналарининг қалди букилди, келинчаклар димоғидаги исириқ ҳиди аччиқ дудга айланиб, кўзларидан шашқатор ёшлар оқизди. Болалар бир кунда улғайиб, оғир тирикчилик ҳуружини бўйинларига осдилар. Кунлар келдики, Ўғилойнинг дарвозасини ҳам тақдирнинг қора қўли чертди. Хонадон соҳиби Эгамбердига чақирув қоғози келди. Эгамберди Ўғилойнинг маъюс кўзларига боқиб, йиғлама, ўғлимга эҳтиёт бўлгин, мен албатта қайтаман, дея Ватан ҳимоясига отланди. Ўғилой чиллали Тошпўлатнинг бағрига босиб қолаверди. Шундан сўнг Ўғилой ҳам бошқа қишлоқ аёллари сингари далада тер тўкиб меҳнат қилди. Бутдой ўрди, пахта терди. Кечалари урчуқ йигириб, тирикчилигини ўтказди...

Тун. Сукунат. Осмон тўла юлдузлар, бир чеккада ийманиб турган ой етти хил пардасини тунга кўз-кўз қилади. Ховлидан анқиб турган ёқимли райҳон ҳиди дайди еллар қанотида деразадан ошиб хонага киради. Ичкаридан эса урчуқ йигириб ўтирган жувоннинг дардли хониши эшитилади. Унинг тили эмас, юраги куйлайди гўё.

Қайнар дарё, қайнаб оққин-о,
айланайин,
Ўзанингни кенглаб оққин-о,
айланайин,
Кўнглимдаги дардларимни сенга
сўйлайин,
Ғамларимни тинглаб оққин-о,
айланайин.

Ўғилойнинг суянгани бешик, куйлагани мунгли, соғинч тўла қўшиқ бўлди.

Эгамберди урушга кетганидан сўнг Ўғилойга фақат бир мартагина ундан хат келди. Хатда Эгамберди ҳали тайёргарлик кўраётганлигини яна бир ҳафтадан кейин урушга кириши ҳақида айтиб, ўзининг ҳарбий кийимда тушган расмини ҳам юборган эди. Шундан сўнг бировга умидилинж, бировга аянчли фожеа келтираётган хат ташувчи бола «тиқ» этса эшикка термулган Ўғилойнинг дарвозасини бошқа қоқиб ўтмади. Ўғилойнинг кўзлари йўлда, қўллари дуода, кафтлари юзида қолди. Лекин Эгамбердидан бironта ҳам хабар бўлмади.

Йиллар дарё янглиғ оқиб ўтди. Тошпўлат вояга етиб онаси Ўғилойнинг қанотига кирди. Уйли-жойли, бола-чақали бўлди. Ўғилой Эгамбердини асло унутгани йўқ, ҳамон йўлига кўз тикиб яшайди. Аммо баъзан набираларига у ҳақда тўлиб-тошиб гапириб қолгудек бўлса, ўйинқароқ болалар боболарини танимаганликлари сабаб кулиб нари кетишар, ёлғиз ўғлигина кўзларини ёшлаб, ўзини бошқа хонага олиб кирарди.

Ўғилой ҳам ўғлининг ёнига кетмоқчи бўлди. Аммо ўғлининг ҳарбий қисмдан ҳеч қаёққа кетишга рухсат йўқлиги ҳақидаги хатини олгач, ўзини тутиб қолди. Ўғлининг ёнига боришга ҳаракат қилиб, ҳарбий қисм атрофида ўралашиб юрган аёлларни кўрганда эса, ўғлининг ҳам ўша аёлларга ўхшаб кетишидан қўрқиб, ўзини тутиб қолди. Ўғлининг ёнига боришга ҳаракат қилиб, ҳарбий қисм атрофида ўралашиб юрган аёлларни кўрганда эса, ўғлининг ҳам ўша аёлларга ўхшаб кетишидан қўрқиб, ўзини тутиб қолди.

Ўғилой

Кўнгилга ташриф

САНЪАТКОР АЁЛ БАХТИ

Халқимизнинг севимли санъаткорларидан бири, оловли нигоҳи билан юракларга ўт солувчи хушовоз хонанда Ойпопук Эшонхонова.
У эсини танигандан бери қўшиқ айтади. Ота-онасининг қўллаб-қувватлаб туриши натижасида у мана шу санъат оламига кўнгил қўйди. Унинг қувончи, шодлиги билан бирга, машаққатларини ҳам севиб қолди. Санъат оламига муҳаббати кучлилиги боис, бу йўлдаги машаққатларни осон енгиб ўтмоқда. Ўзбек санъатидай гўзалликни, бутун дунё бўйлаб намойиш этмоқда.



Ойпопукнинг суратини томоша қилиб, дунёнинг манаман деган фотомоделларини доғда қолдирувчи ҳусн ва малоҳатни ҳис қиламиз. Гоҳо қора соч, гоҳо сариқ соч, чиройли, турли хил кайфият улашувчи либослар, ҳар хил қиёфалар...

Уларнинг ҳаммасида Ойпопук Эшонхонова деган суюкли санъаткорнинг бизга қадрдон гўзал чеҳраси нур сочиб турибди.

– Ойпопук, Сизни бу суратларда чет эл моделларидан ажратиш қийин. Бу нимани билдиради?

– Мен асли фотомодел бўлганман. 2001 йилда фотомоделлар кўрик-танловида 1-ўринни олганман. Мен гўзалликни жуда яхши кўраман ва қадрлайман. Ўзим ҳам қўлларим билан дунёни ҳайратларга солувчи гўзаллик яратгим келади. Ўзимга маъқул келган кийимларни кийгим келади. Сочларим ҳам қайсидир рангда менга кўпроқ ярашиши мумкинлигини билиш учун шунақа ранг-баранг. Соч ҳам ҳусн. Унинг ранги, шакли инсонни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Аёл ўзини ойнага солиб кўрганда, қиёфаси ўзига ёқса, у ўзини анча дадил, кучли ҳис қилади. Гўзаллик эса ҳамма, ҳаммага куч, илҳом бериши табиий. Шундаймасми?

– Ойпопук, кейинги пайтда исмингизни Ойхон деб ўзгартирдингизми?

– Биласизми, яқинда Туркияда турк тилида сўзлашувчи давлатлар ўртасида фестиваль бўлиб ўтди. Турклар менинг исмимни Ойпопук деб айтишга қийналишди. Охири Ойхон деб эълон қилишди.

– Бу сизни хафа қилмадими?

– Йўқ. Мен фестиваль ғолиби бўлганим учунми, жуда хурсанд эдим.

– Унда фестиваль ҳақида гапириб беринг.

– Бу фестивалда саккизта турк тилида сўзлашувчи давлатлар, жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркманистон каби мамлакатлардан санъаткорлар иштирок этишди. Фестивалдан бир ой олдин қўшиқларим ёзилган дискларимни юборганман. Мендан ташқари Ўзбекистондан яна икки санъаткор дискини жўнатганди. Аммо фестивалда қатнашиш бахти фақат менгагина насиб этди.

– Танлов ҳайъати қўшиқ ёки хонанда танлаётганда нималарга эътибор берган, деб ҳисоблайсиз?

– Менимча, ҳайъат аъзолари қўшиқдаги авж кучига, даражасига эътибор қиларкан. Қўшиқ айтаётган пайтингизда сизни тўхтатиб, қўлингиздан микрофонни олиб қўйиб, сизнинг табиий овозингизни синаб кўраркан. Ўртада катта рақобат бўлди.

– Фестивалда қайси қўшиғингиз сизга муваффақият олиб келди?

– Истеъдодли шоира Зулфия Мўминованинг «Ватандан бошқасига муҳаббатни бермасман» номли шеърини оҳангга солгандим. Мана шу қўшиғимни авж пардаларда куйладим. Юракюрагимдан, бошқа бир мамлакатда Ватан муҳаббати ва соғинчи билан ич-ичимдан куйладим. Ва катта ғалабани қўлга киритдим. Туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг жуда кўпчилигини қўшиқдаги дардли сатрлар йиғлатди. Фестивалда миллийликка эътибор кучли бўлгани учун мен лапарлар ҳам ижро этдим. Доира билан айтган «Ҳай туркиялик опам» деган лапаримни ҳам ҳайъат ва қўшиқ мухлислари илиқ кутиб олишди.

– Саҳнага Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилувчи ёлғиз хонанда сифатида кўтарилганда кўнглингиздан нималар кечди?

– Саҳнага чиқишим билан ҳаяжон чулғаб олди. Бирдан кимдир «туркча суйлаюрмисиз?» деб сўраб қолди. «Англарман» дедим. Улар кейин «турк хонандаларидан кимларни биласиз?» деб сўрашди. Иброҳимнинг қўшиқларини яхши кўришимни айтдим. Мен севимли санъаткорнинг «Оллоҳим» қўшиғини тўрт сатрини хиргойи қилувдим, бутун зал гулдурос қарсак билан олқишлаб юборди. Мендаги ҳаяжон ўрнини ўзимга ишонч, куч, илҳом эгаллади.

– Ғолибларни эълон қилаётган қувончли лаҳзалар эсингиздадир?

– Ундай ҳаяжонли, бахтли лаҳзаларни унутиб бўларканми? Катта-катта мамлакатларнинг катта-катта хонандалари рақобатлашаётган катта фестивалда ғолиб бўлиш, 1-ўрин эгаси бўлишдай улкан бахт ушалмас орзу эди. Лекин, менинг исми-шарифимни эълон қилиб мана шу бахт билан қутлаётганда нафақат мен, ҳатто чолғучиларимнинг ҳам кўзларида ёш айланди.

– Ўзбекистонга, Ватанга мана шундай муваффақият билан қайтганингизда сизни мухлисларингиз қандай кутиб олишди?

– Мен каби қувонишди. Менга бўлган ишончи кучайди. Бу нарса менга ўз устимда янаям кўпроқ ишлашимга, изланишимга ундайди.

– Қўшиқларингизнинг ҳаммасини ўзингиз ёзасизми?

– Худди шундай. Мен мусиқани жуда яхши ҳис қиламан. Шунинг учун ҳам қўшиқларимни ўзим ёзаман.

– Ойпопук, сизни фонограммани ёмон кўради, дейишади?

– Тўғри. Мен доим жонли куйлагим келади. Ва шунга ҳаракат қиламан. Жонли қўшиқлар хонандани мухлисга жуда яқин қилади. Санъаткорнинг ўзига бўлган ишончини янаям кучайтиради. Фонограммасиз, жонли куйлаш – санъаткорнинг ҳам бахтидан, ҳам қудратидан, ҳам истеъдодидан нишона.

– Санъаткор аёлнинг бахти нимада?

– Ҳамма аёллар қатори оиласи, фарзандлари, кейин қўшиқлари, санъати, ижоди унинг бахтидир. Мен ҳали ҳаётни тушуниб етмасимдан турмушга чиққандим. Ҳам институтда талабалик, ҳам бир катта оилада бекалик, ҳам оналик, ҳам аёллик, рафиқалик, келинлик юмушлари. Ҳам фарзанд тарбияладим, ҳам астойдил ижод қилдим. Санъат оламида ўз ўрнимни топишга интилдим. Ва бунга қайсидир маънода эришдим ҳам.

Ҳозир фарзандларим, ишим, санъатим билан фахр ва ғурурга тўлиб бахтлиман, дея оламан. Санъаткор аёлнинг бахти – унга ижод қилиш учун имкониятлар берадиган, шароитлар яратадиган, уни доим тушуниб, қўллаб-қувватлаб турадиган жамиятнинг, тоғдай суянчнинг эътиборини ҳис қилиб туришда, деб ҳисоблайман.

Ойпопукнинг кўнгилларни аллаловчи қўшиқлари доим ўз мухлисларини топади. Негаки унинг қўшиқлари енгил-елпи сўзлардан залворлироқ, баландроқ. Мухлисларининг меҳру муҳаббатидан куч олиб, унга гўзал қўшиқлар билан жавоб бериш учун тинимсиз меҳнат, ижод қилади.

Хушовоз хонанданинг овози ҳам, қўшиқлари ҳам ўзи каби гўзал эканлигини таъкидловчи мухлисларга, у билан сўзлашганимиздан сўнг, суҳбати-да, муомаласи-да, ўзини тутиши-да шундай гўзал эканлигини қўшимча қилгимиз келди.

Роҳила СИДДИҚОВА суҳбатлашди.

ЯНТОҚ ГУЛЛАРИДА АСРАЛГАН УЗУМ

Кеч куз эди. Дарахт япроқлари олтин ранг олган, қилт этган шабададан тўкилиб кетгудек. Ҳаво ҳам анча салқинлаб қолган, юпқароқ кийинган кишининг эти увишади. Тўрақул ака пахтаси чиқиб, ямоқзор бўлиб кетган чопонини эгнига илди-да, уйининг орқа тарафи бўйлаб ёйилган токзор томон юрди. Гарчи, ҳамма ёқда хазонлар уюлиб, ҳақиқий куз нафаси уфуриб турса-да, боғдаги ток барглари ҳали сарғайиб улгурмаган эди. Тўрақул ака бостирмада очиққанидан мўраётган сигирига озгина ток барги бермоқчи бўлди. Айқаш-уйқаш бўлиб кетган ток новдаларини бирин-кетин кесиб, тахлар экан, барглар орасида кўриниб-кўринмай турган, пушти ранг тусда жуда чиройли бўлиб гуллаган янтоққа кўзи тушди. Ток барглари соясида қолиб, кечроқ гуллаган янтоқнинг нафислиги-ю, гўзаллигини кўрган киши беихтиёр завқланарди. Тўрақул ака янтоқ танасига чирмашиб кетган новдаларни ҳам кеса бошлади. Шунда, новдага осилган бир бош тойфи узумнинг янтоқ гуллари орасига яширинганича турганини кўрди. У қўлидаги ток қайчиси билан узумни бандидан кесиб, сўнгра янтоқ гуллари орасидан секингина тортиб олди ва чангларини пуфлаганича, маржондек тизилган узум доналаридан бирини оғзига солди. Бу пайтда узумлар тугаб, кеч пишадиган тойфилар ҳам шифтга илиб қўйилган эди. Тўрақул ака узум доналаридан яна бир-икки дона еди-да, хаёлига ярқ этиб келган фикрдан қувонганича, ток новдаларини қўлтиқлаб бостирма олдига келди ва ипини узгудай тортинаётган сигирининг олдига новдаларни ташлади.

Шундан сўнг Тўрақул ака далада қўй-қўзиларни ўтлатаётган ўғли Низомжоннинг олдига кетди. У етиб келганида, Низомжон бошини қўллари устига қўйганича ухлаб ётар, қўзилар эса Сариқ чўққи этакларида ўтлаб юрарди. Тўрақул ака етилиб, шира бойлаган бир бош узумни қўлида тутганича, ўғлига қараб турар экан, қўнгли алланечук бўлиб кетди. Кўкка бир қараб қўяр экан, қалби шукроналик ҳисси билан тўлди.

Тўрақул ака ва турмуш ўртоғи Гулсара опа узоқ йиллар фарзанд доғида куйиб юрди, бормаган жойи, кўринмаган табиби қолмади. Қўлларини дуога очиб, нолалар қилди. Ниҳоят, уларнинг доди фалакка етди, ўн тўрт йил деганда ўғил кўришди. Шуларни эслар экан, Тўрақул ака кўнглида бир дунё ҳаяжон билан секингина ўғлининг бошини силади. Ўғли уйғонгач, ўша янтоқ гуллари орасида авайлаб сақланган узумни унга едирди. Низомжон узум доналарини битта-битта оғзига солар экан, кўзларини катта-катта очганича отасига боқар ва бу жаннатий неъматнинг ғоятда ширин эканлигини қайта-қайта таъкидларди. Тўрақул ака кечгача ўғлининг ёнидан жилмади, насиҳатлар қилди.

Ниҳоят, улар қош қорая бошлаганида, қўзиларини ҳайдаганича уйга қайтишди. Тўрақул ака ўғли билан дашту далалар узра ёнма-ён келар экан, ўзининг нақадар бахтли эканини ичичидан ҳис этди.


Раимқул СУЯРОВ.

СПОРТИВНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

Армейский спорт: в лицах и судьбах

ВЕРНЫЙ ГЛАЗ И ТВЕРДАЯ РУКА

ТРИДЦАТЬ ТРИ ГОДА ТОМУ НАЗАД, КОГДА ДЕВЯТИЛЕТНИЙ ТАШКЕНТСКИЙ МАЛЬЧИШКА ИГОРЬ ПОДГАЕЦКИЙ ВПЕРВЫЕ ПЕРЕСТУПИЛ ПОРОГ СТРЕЛЬБИЩА СКА, ЕГО ПЕРВЫЙ ТРЕНЕР ВЯЧЕСЛАВ НИКОЛАЕВИЧ БЕЛЬКЕВИЧ ОБРАТИЛ ВНИМАНИЕ ИМЕННО НА ЭТИ КАЧЕСТВА ПАРЕНЬКА



Прожив богатую событиями жизнь в большом армейском спорте, и ныне начальник Школы высшего спортивного мастерства (ШВСМ) МХСК И. Подгаецкий сохраняет верный глаз в отборе будущих звезд армейского спорта да твердую руку в управлении своим многочисленным коллективом.

Впрочем, многократный чемпион и победитель Кубков Узбекистана, ряда международных состязаний по стендовой стрельбе и сам сохраняет великолепную спортивную форму. На проходившем недавно Кубке Узбекистана по стендовой стрельбе Игорь Наумович вновь стал сильнейшим на своем любимом круглом стенде. И нипочем этому неувядающему мастеру пальбы по «летающим тарелочкам», что вес дробового заряда уменьшился с 32 до 24 граммов, усложнились условия выполнения упражнений. Надо сбить подряд два дуплета вместо одного – да пожалуйста! Благо, любимое тульское ружье 1982 года выпуска до сих пор стреляет безотказно.

Однако положение серьезного спортивного функционера не позволяет ему, как в былые годы, всего себя посвящать тренировкам на стрельбище и состязаниям. Ведь в секциях ШВСМ ведутся занятия по 17 видам спорта: олимпийским, военно-прикладным, национальным. Сплоченный коллектив единомышленников, насчитывающий немало заслуженных тренеров Узбекистана, любовно шлифует молодые таланты, готовя из них будущих чемпионов. Здесь также нужны организаторские способности руководителя: вовремя поддержать наставника, решить личные проблемы одаренного спортсмена.

В предыдущем номере газеты уже говорилось о надеждах армейского спорта, ныне рядовых срочной службы Борзу Килибаеве (вольная борьба, Нукус) и Никите Холодове (десятиборье, Термез), ставших победителями школьных состязаний «Умид нихоллари» («Всходы надежды»). Спортивный взвод МХСК дал этим талантливым ребятам прекрасную возможность продолжать путь к вершинам спортивного мастерства, при этом выполняя свой долг по защите Родины. Таким образом, армейский спорт вносит свою лепту в претворение в жизнь стройной системы воспитания здорового поколения – от школьных игр «Умид нихоллари» и до студенческих универсиад, которые становятся прочным фундаментом для будущих победителей чемпионатов Азии, мира и Олимпийских игр.

В стране, где Фонд развития детского спорта возглавляется лично главой государства, где забота о здоровье подрастающего поколения возведена в ранг государственной политики, армейский спорт не может оставаться в стороне от благих дел. Если проведенные с большим успехом Первые и Вторые Всеармейские игры стали смотром спортивных талантов в воинских частях и военно-образовательных учреждениях, то привлечение талантливых юношей в спортивный взвод МХСК, селекционный отбор их в секциях армейского спортклуба являются еще одной гранью продолжения этих добрых дел.

– У нас налажено плодотворное сотрудничество с Министерством по делам культуры и спорта Узбекистана, республиканскими федерациями по видам спорта, Национальным олимпийским комитетом, – говорит Игорь Наумович. – Ведь вопросы участия ведущих армейских атлетов в крупных международных состязаниях решаются общими усилиями, дружно делаем одно общее дело: даем возможность спортсменам Узбекистана достойно защищать честь нашей Родины на мировой арене.

В этом плане у И.Подгаецкого накоплен солидный опыт организаторской деятельности. Еще в первые годы независимости Узбекистана в качестве начальника учебно-спортивного отдела МХСК он участвовал в подготовке принятия решения об участии наших армейских спортсменов в турнирах под эгидой Международного военного спортивного совета (CISM). Впервые баскетболисты МХСК вылетели за океан для участия в таком соревновании в 1995 году, однако теперь, спустя всего 11 лет, наши спортсмены находятся среди фаворитов по многим видам спорта.

Особые воспоминания И. Подгаецкого связаны с 1996 годом, когда он в составе сборной Узбекистана участвовал в Международном турнире в Брунее. Тогда наша стрелковая дружина заняла почетное второе место, оставив позади немало команд. Предлагаемый вниманию читателей снимок был сделан личным фотографом принца Брунея. Брат короля этой страны лично курировал развитие стрелковых видов, он был просто покорен мастерством стрельбы нашего земляка. А дома Игорь Наумович за этот спортивный подвиг был награжден именными часами от министра обороны.

– Условия на соревнованиях были трудными, – вспоминает он. – Сорокоградусная жара усугублялась высокой влажностью.

Свой личный рекорд – 220 очков из 225 возможных – И. Подгаецкий установил в 1992 году, также на Кубке Узбекистана. Тогда же сборная Узбекистана заняла второе место на Кубке СНГ, опередив немало сильных в стрельбе команд. А теперь свои надежды он связывает со старшим сыном Владиславом. 13-летний подросток уже берет уроки «мастер-класса» у отца, да и младший, Кирилл, ждет своего часа. «Мужчина должен уметь обращаться с оружием», убежден Игорь Наумович. Его друзья-спортсмены, видя, как он практически не глядя сбивает сразу две мишени, покачивают головами: так мастерски владеть ружьем дано не каждому!

Впрочем, верный глаз помогает ему и безошибочно определять таланты в молодежной среде, а твердая рука – находить верные подходы в мире спортивной «дипломатии». Удачной «охоты» вам, мастер!

Баҳодир УТАНОВ.
Фото **из личного архива И. ПОДГАЕЦКОГО.**

Таэквондо

ИЛҒОРЛАР ЖАМОАСИ

– Фарзандларимизнинг жисман бақувват-соғлом бўлиб ўсишида спортнинг роли жуда катта, – дейди Тошкент гарнизони офицерлар уйи раҳбари офицер Олег Зокиров. Бизнинг клубимизда ҳарбийларимизнинг фарзандлари учун бир қанча тўгараклар фаолият кўрсатиб келмоқда. Жумладан, болалар рақс дастаси, хор гуруҳи, расм чизиш, ёш китобхонлар тўгараклари ва «Shams» номли таэквондо гуруҳидир. Ўзбекистон Республикаси миллий таэквондо И.Т.Ф. ассоциацияси мусобақалар ва ташкилий ишлар қўмитаси раиси, 4 карра Ўзбекистон чемпиони, бир неча карра халқаро турнирлар ғолиби, спорт устаси, қора белбоғ II-дан соҳиби Жамшиддин Саидхўжаев 2002 йилдан бошлаб «Shams» гуруҳига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ушбу гуруҳга қирқдан ортиқ болалар қатнашмоқда. 2004 йилдан бошлаб 10 дан зиёд клублараро чемпион, Тошкент шаҳар республика чемпионлари етишиб чиқди. Улардан Роман Йўлдошев 2 карра Ўзбекистон чемпиони. Шу йили Отабек Ражабов, Баҳодир Аҳмедов, Фарҳод Жонизаковлар мамлакатимиз чемпионлари бўлишди.

2006 йили «Хотира» турнирида Шодиёр Ортиқбоев, Нозим Одилов, Бекзод Мамасаидовлар «Умид» спорт саройида ўтказилган турнирда кумуш медаль соҳиблари бўлдилар.

Яқинда ўтказилган чемпионатда гуруҳ спортчилари яна ғолибликни қўлдан беришмади. 2006 йил 4 ноябрь куни «Ёшлар» спорт комплексида «Наркомания ва терроризмга қарши кураш» шиори остида ўтказилган, Ўзбекистон кубоги мусобақасида Зуҳра Эргашева, Азиза Тўйчиева, Отабек Юнусов, Сарвар Абдуҳакимов, Худоёр Жўраевлар олтин медаль соҳиблари бўлишди, Беҳзод Мамасаидов, Нозим Одилов, Шоҳрух Тўйчиев, Илҳом Ражабов, Муҳаммад Ўринбоев, Хушрўй Ашуров, Сардор Исматовлар кумуш ва бронза медаль соҳиблари бўлишди.

Мусобақа якунида Ўзбекистон Республикаси миллий таэквондо ассоциацияси президенти VI-дан қора белбоғ соҳиби, халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Пўлат Усмонов ғолибларга медаллар ва қимматбаҳо совғаларни топширди ва яхши тилаклар билдирди.

Навбаҳор ХЎЖАЕВА.

Футбол. Отборочные игры чемпионата Азии

ПУТЕВКА В ФИНАЛ ДОБЫТА!

Судьба второй путевки за выход в финал чемпионата Азии в группе с участием национальной сборной Узбекистана решалась в последнем туре. Нашим футболистам в домашнем матче против сборной Катара хватало и ничейного результата, однако они победили соперника со счетом 2:0.

Первым порадовал болельщиков, собравшихся на стадионе «Пахтакор», Леонид Кошелев, умело использовав передачу Сервера Джепарова с фланга и обыграв защитника. Судьи из Объединенных Арабских Эмиратов едва не повлияли на ход матча, необоснованно удалив в первом тайме Максима Шацких и игрока гостей аль-Берика. Столкновение футболистов вполне тянуло на желтую карточку, но показаны были красные.

В уменьшенных составах, но лучше сыграли хозяева поля: в начале второго тайма второй гол в ворота гостей забил Ильяс Зейтуллаев. Мог отличиться и Тимур Копадзе, но пас Александра Гейнриха во вратарскую он не успел замкнуть. Остается добавить, что сборная Гонконга также выиграла у сборной Бангладеша (2:0), но осталась на третьем месте.

Алмас КАСЫМОВ.

Кураш

НАШИ ПАЛВАНЫ – В ПРИЗЕРАХ

Буквально через несколько дней после завершения чемпионата мира в Алматы стартовал очередной чемпионат Азии по курашу. На эти соревнования известный в республике тренер Омон Таймурадов выставил своих воспитанников. Узбекистанцы в споре за первенство Азиатского континента завоевали четыре медали: одно «золото», два «серебра» и «бронзу». Высшей награды по праву удостоился Темур Закиржонов, одержавший уверенные победы над своими соперниками. Лишь в финальных поединках незначительно уступил своим визави – Нуриддину Махаматову и Зулиходже Худоярову, которым и достались серебряные медали. Умар Махаматов в результате упорного поединка довольствовался третьим местом.

Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

Навбатчи гуруҳ:
Х. ЗАЙНИЛОВ, А. УСМОНОВ, С. БУДАЕВ, З. ЮНУСОВА.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 **Буюртма** № G-3020. **Адади** 23200.